Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

O`zLiDeP — TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2014-yil 11-dekabr, payshanba, **49-50 (577-578)-sonlar** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru**, web sayt: **www.21asr.uz**

## Ўзбекистон – Россия:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 10 декабрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.**

Кўксарой қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан сўнг икки давлат раҳбарлари тор доирада музокара ўтказди.

– Россия Президентининг ушбу ташрифини Ўзбекистон – Россия сиёсий мулоқотлари ва турли даражадаги учрашувларнинг узвий давоми, томонларнинг ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил ва самарали давом эттириш тарафдори эканининг ёрқин намунаси деб биламиз, – деди Ислом Каримов.

Владимир Путин Ўзбекистон Марказий Осиёдаги йирик давлат бўлиб, Россия Федерациясининг минтақадаги асосий ҳамкорларидан бири эканини таъкидлади.

Бугун дунёда вазият тез ўзгариб, глобал ва минтақавий миқёсда кескинлик ва геосиёсий қарама-қаршиликлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва радикализм таҳдидининг тобора кенгайиб бораётгани, буларнинг Марказий Осиё ҳудудига бевосита ёки билвосита таъсир этиши мумкинлиги инобатга олинганда, ушбу музокараларнинг долзарблиги, аҳамияти янада ортиши қайд этилди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома унинг асосини ташкил қилади. 2012 йил 4 июнда имзоланган Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтирди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Парламентлараро алоқалар ўзаро муносабатларни кенгайтириш ва ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Ҳукуматлараро ва идоралараро ташрифлар мунтазамлик касб этган. Мамлакатларимизнинг ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида конструктив маслаҳатлашувлар мунтазам амалга оширилмоқда.

Томонлар БМТ, ШҲТ, МДҲ сингари халқаро тузилмалар доирасида изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон муаммоси, шунингдек, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

– Биз 35 йилдан буён биродаркушлик уруши давом этаётган қўшни Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратдик, – деди Ислом Каримов. – АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши ушбу мамлакат билан чегарадош ва яқин қўшни давлатлар учун жиддий синов бўлиши ва минтақа хавфсизлиги ҳамда барқарорлигига таҳдидлар юзага келиши билан боғлиқ масалалар бўйича ёндашувларимиз бир хил бўлди. Бундай таҳдидларнинг ўз вақтида олдини олиш, ҳар қандай шакл ва кўринишдаги терроризм ва экстремизм ғоясини қабул қилмаслик муҳитини яратиш, уларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишининг сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича биргаликдаги ҳаракатларни давом эттириш зарурлигини қайд этдик.

Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

2

## Навбатдаги муҳим қадам

**Сайлов жараёнини самарали ташкил этиш ва ўтказишда мазкур сиёсий кампаниянинг қонуний ўтказилишига масъул органлар, яъни сайлов комиссияларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади**

Хусусан, Навоий шаҳар сайлов комиссияси ҳам амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ иш юритиб, сайловчилар ҳуқуқлари рўёбга чиқишини таъминловчи тартиб-таомиллар қўлланиши билан боғлиқ барча ишларни талаб даражасида бажармоқдалар.

— Шаҳримизда истиқомат қилаётган қарийб 96 минг сайловчининг бўлажак сайловда ўз хоҳиш-иродасини ҳеч қандай қийинчиликларсиз, эркин ифода этиши, сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди ташвиқоти учун тенг имкониятлар яратиш, энг асосийси, сайлов жараёнида ошкоралик ва тенгликни таъминлаш, уни юқори савияда ўтказиш, муносиб ташкил қилиш бош мақсадимиздир, — дейди Навоий шаҳар сайлов комиссияси раиси Шуҳрат Халилов.

2



# 2015 ЙИЛ— КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Солих ЗОИР олган сурат

**Бугунги кунда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди. Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Навбаҳор» маҳалласида 8256 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1200 га яқини 60 ёшдан ошган. Сиз суратда кўриб турган нуроний отахонлар ана шундай инсонларнинг бир гуруҳи, холос.**

## Эътибордан шодланган кўнгиллар

**Конституциямизнинг 22 йиллиги тантаналарида Президентимиз мамлакатимиз тараққиёти юқори босқичга кўтарилганини, фуқароларнинг ҳаёти янада фаровонлашиб бораётганини мамнуният ила тилга олдилар. Маърузани тинглар эканман, шу Ватанда туғилиб ўсганимдан, бахтли оила бекаси, ўн нафарга яқин ходимга бош-қош бўлиб, опа-сингилларимиз гўзаллигига гўзаллик қўшаётганимдан беҳад қувондим. Тадбиркорлик фаолиятини 2010 йилда дугонам Гулноза Зайниддинова билан биргаликда янги корхонани ташкил этган ҳолда бошлаганмиз. Бундан тўрт йил аввал салонимизга кунига 5-10 нафар мижоз кирган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 20-30 нафарга етган. Бу эса халқимиз ҳаёти йилдан-йилга фаровонлашиб бораётганидан далолатдир. Дарвоқе, бу оддий кунлардаги кўрсаткич. Тўй ва байрамлар мавсумида қўлимиз қўлимизга тегмай қолади. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, эркаклар аёлларини, кўп ҳолларда ака-укалари ўз яқинларини, баъзида эса қайноталар ҳам келинларини салонга олиб келиб туришади. Эътиборлиси, кейинги йилларда узоқ туманларда ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган гўзаллик салонлари очилиб, у ерга турмушга чиқаётган қизлар, тўй-тантаналарга борадиган аёллар кирмоқдалар. Бу ҳам одамларнинг бахтли ҳаёт кечираётганининг исботидир.**

Мадина САФАРОВА,
Самарқанд шаҳридаги гўзаллик салони раҳбари.

МУҲАРРИР МИНБАРИ

# БИЗДА БОРИ ҚАЙДА БОР?!

**Ер сайёраси дея аталмиш маконда халқлар кўп, миллатлар бисёр. Лекин биздагидек ота-онанинг, пиру бадавлат нуронийларнинг, чеҳрасидан бамисоли нур ёғилиб турадиган қарияларнинг ҳурматини том маънода жойига қўядиган, уларга чиндан ҳам самимий эҳтиром кўрсатадиган эллар бармоқ билан санарли**

Бундай қадрият ва анъаналарни, эзгу удумларни конституциявий норма даражасига кўтарганлар, оилавий муносабатлар ҳақида алоҳида боб киритганлар эса жаҳон айвонида биздан бошқа топилмаса керак. Зотан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги аниқ баён этилган.

Асосий қонунимиз қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда маъруза қилган Президент Ислом Каримов кириб келаётган 2015 йилга Кексаларни эъзозлаш йили деб ном беришни таклиф қилганида юқоридаги фикрлар хаёлимдан ўтди. «Бизда бори қайда бор?!», деган риторик савол шууримни банд қилди.

Ҳар томонлама чуқур таҳлилга асосланган, иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таққосланган, узоқ ва яқин хорижда юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқиш моҳияти, бугунги кундаги таъсири, эртанги оқибатлари қиёсланган маърузани тинглаш чоғида туғилган мулоҳазаларимизни ўзига хос муқоясаларга таянган ҳолда очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Энг аввало, биздагидек осойишталик яна қайда бор, деган савол атрофида дўппини олиб ўйлаб кўрайлик. Тўғри, дунёда тинч яшаётган, тараққиётга эришган мамлакатлар талайгина. Аммо уларнинг кўнглида биздагидек хотиржамлик йўқ.

Бизда эса мустақиллик йилларида осойишталикни таъминлаш борасида шундай тизим яратилдики, бунақа хавотирларга умуман ўрин қолмади. Нафақат кўзимизнинг оқу қораси бўлган фарзандлар, балки барча-барчанинг хавфсизлиги кафолатланган.

Ўзбекистонимизга мос тарихий, миллий, анъанавий ва иқтисодий вазият, халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган, бугунги кунда бутун дунёда тан олинган «ўзбек модели» кимда бор?!

2

ДИЛ ИЗҲОРЛАРИ

## Эл соғлиги — юрт бойлиги

*Президентимиз кўксимга олий нишон — «Олтин юлдуз» медалини қадаётган пайтдаги ҳаяжонимни сўз билан ифодалай олмайман. Мамлакатимизда тиббиёт ходимлари меҳнатига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунаси сифатида бундай шарафга муносиб кўрилганимдан бениҳоя хурсандман. Ватанимизнинг энг юксак мукофоти топширилаётганида кўзларимда севинч ёшлари қалқди. 36 йиллик меҳнат фаолиятим давомида тиббиётнинг энг тезкор, мураккаб ва ўта масъулиятли йўналишида 800 мингдан ортиқ беморга жарроҳлик ёрдами кўрсатдим.*

2

## Меҳнат ва рағбат

*Юртга муҳаббат, чин дилдан қилинган меҳнат, тинч ва осуда кунларга шукроналик. Ана шу тамойиллар асосида яшаш, ён атрофдагиларга мазкур ҳақиқатни сингдириб бориш инсонни камолот сари етаклайди. Эзгу орзуларнинг рўёбини таъминлайди. Бу йил фаолиятимга 46 йил бўлди. Шундан дастлабки 23 йили собиқ иттифоқ даврига тўғри келди. Очиғини айтишим керак, ўша йиллар давомида қилган ишларимизга рағбат тугул, раҳмат ҳам эшитмаганмиз.*

2

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ САЙЛОВИГА

# 9 КУН ҚОЛДИ

**АНИҚ САВОЛГА**

**— Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкинми? Ана шундай сайлов бюллетенлари нима бўлади?**

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддасига биноан бузиб қўйилган сайлов бюллетени ўрнига янгиси берилиши мумкин. Бузилган бюллетенлар эса участка сайлов комиссияси томонидан ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

**— Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда уларнинг овоз беришлари қандай ташкил этилади?**

— Уларнинг илтимосига кўра участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади. Мазкур тартиб «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддасида кўрсатилган.

**АНИҚ ЖАВОБ**

## БУГУНГИ СОНДА:

O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

3-14



## Сиёсий имтиҳон арафасидаги учрашувлар

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси бўлажак сайловда нисбатан кўпроқ овоз олган ҳолда ғолиб чиқишни мақсад қилган. Шу боис ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган партия фаоллари айни пайтда жойларда сайловчилар билан учрашиб, уларни ўз дастурлари билан таништирмоқдалар**

Андижон вилоятидаги 169 минг нафар сайловчиси бор 12-Шаҳрихон сайлов округида шу пайтгача йигирмадан ортиқ учрашув ташкил этилди. Мазкур округдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган Содиқжон Турдиевнинг ишончли вакили Толибжон Мадумаров томонидан берилган маълумотларга кўра, асосан тадбиркор ва фермерлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари иштирок этган учрашувларда оилавий корхоналарни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш, Тўрақўрғон сув омборининг ишга туширилиши билан боғлиқ саволлар берилган.

— Бу йилги сайловда биринчи марта овоз берадиган йигит-қизлар O`zLiDePнинг ёшлар бўлими фаолияти, партиявий лойиҳалар билан қизиқиб, номзодларга ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш каби масалалар бўйича саволлар бердилар, — дейди Т.Мадумаров. — Барча саволларга O`zLiDeP дастури, шунингдек, Сайловолди платформасида белгиланган мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жавоб қайтарилди.

3

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 10 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1986,05 | 1 АҚШ доллари | 2409,67 | 1 Хитой юани | 388,81 | 1 Туркия лираси | 1061,58 | 10 Япония иенаси | 200,49 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3768,24 | 1 Миср фунти | 337,02 | 1 Малайзия ринггити | 690,05 | 1 Швейцария франки | 2468,17 | 1 Россия рубли | 45,20 |
| 1 Дания кронаси | 398,74 | 1 Исландия кронаси | 19,34 | 1 Польша злотийси | 712,69 | 1 ЕВРО | 2984,62 | 1 Украина гривнаси | 155,21 |
| 1 БАА дирҳами | 656,05 | 1 Канада доллари | 2097,56 | 1 СДР | 3499,13 | 10 Жанубий Корея вони | 21,69 | | |

# МУНОСАБАТ

## Ўзбекистон – Россия:

## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Россия Ўзбекистоннинг етакчи савдо шериги бўлиб келаётгани таъкидланди. Мамлакатимиз жами ташқи савдо айланмасининг бешдан бир қисми, МДҲ давлатлари билан савдонинг ярмидан кўпи Россия ҳиссасига тўғри келади. 2013 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 7 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда 900 га яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 150 дан ортиғи тўла ушбу мамлакат сармояси асосида тузилган. Юртимизда Россиянинг «Вимпелком», «МТС» каби трансмиллий компаниялари муваффақиятли иш юритмоқда. Россиянинг кейинги 15 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига киритган инвестициялари ҳажми 8 миллиард долларни ташкил этади.

Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ёқилғи-энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратади. Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» каби нефть-газ компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштириш борасида фаолият олиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика соҳаларида ҳам узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Музокараларда товар айирбошлашни янада кўпайтириш ва диверсификация қилиш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит ташиш соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Тошкентда М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм бўйича вазирлик ва идоралар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида 2015-2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари, молиявий талаб ва мажбуриятларни тартибга солишга оид ҳукуматлараро битимлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидладилар. Бу ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш имконини берди. Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан томонларнинг позицияси ҳамда фикрлари яқинлиги ёки бир хиллиги қайд этилди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунига етди. Олий даражадаги мулоқотларнинг узвий давоми бўлган ушбу учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик муносабатларнинг муҳим йўналишлари ва узоқ истиқболлари белгилаб олинди. Бу Ўзбекистон ва Россия халқлари манфаатига хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

**Анвар САМАДОВ, Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎзА мухбирлари.**

## Эл соғлиги — юрт бойлиги

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларимиз ҳақида ўйлаганимда, аввало, тиббиёт соҳасида юз берган катта ўзгаришлар хаёлимдан ўтади. Чунки ана шу ўзгаришлар туфайли халқимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ўз саломатлиги, оиласига бўлган ишончи мустаҳкамланди. Бундай оламшумул ишлар замирида ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслиги керак деган эзгу мақсад мужассам. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гап кетганда, қабул қилинган умуммиллий дастурларимиз, уларнинг улкан амалий натижаларини алоҳида тилга олишимиз лозим. Чунки айни ушбу йўналишда республикамизнинг барча вилоятларида замонавий скрининг ва перинатал марказлари тармоғининг ташкил этилгани оналар ва гўдаклар ўлимининг уч баробардан зиёд камайишини таъминлади. Бугунги кунда мамлакатимиз болаларининг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. Ўзбекистон ёш авлод саломатлигига эътибор қаратиш жиҳатидан ўнта ривожланган мамлакат сафидан муносиб ўрин олди.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Биргина ўтиб бораётган «Соғлом бола йили»да амалга оширилган ислоҳотларга назар соладиган бўлсак, ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган 137 та тиббиёт муассасаси бунёд этилиши, жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, Андижон шаҳридаги туғруқ комплекси, Тошкент шаҳридаги болалар санаторийси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг болалар хирургияси бўлими ва бошқа соғлиқни сақлаш масканларида қарийб 410 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилгани ифтихор туйғуларини уйғотади.

**«СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»ДА ТИЗИМДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН БУ КАБИ ХАЙРЛИ ИШЛАР 2015 ЙИЛДА ҲАМ ДАВОМ ЭТИШИ ШУБҲАСИЗ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТОМОНИДАН КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛНИНГ КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ БИЗ, ШИФОКОРЛАР ОЛДИГА КАТТА ВАЗИФАЛАРНИ ҚЎЙМОҚДА.**

Шунингдек, хорижий молия институтларининг 28 миллион 500 минг долларлик кредит ва грант маблағлари ҳисобидан туман тиббиёт бирлашмалари, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, онкология муассасалари, вилоят шифохоналари замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланиб, уларда дунё стандартлари даражасидаги ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилгани аҳоли саломатлигини сақлашга бўлган ғамхўрликнинг амалий ифодаси сифатида ҳар бир юртдошимизни руҳлантириши табиий.

«Соғлом бола йили»да тизимда амалга оширилган бу каби хайрли ишлар 2015 йилда ҳам давом этиши шубҳасиз. Давлатимиз раҳбари томонидан кириб келаётган янги йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши биз, шифокорлар олдига катта вазифаларни қўймоқда. Зеро, бугунги кунда бизга мурожаат этаётган беморларнинг аксарияти ёши улуғ инсонлар бўлиб, уларнинг дардига малҳам топиш юксак билим ва малакага эга бўлишни талаб этади. Шунинг учун ҳам тиббиёт соҳасидаги чуқур изланишларни давом эттириб, инсон саломатлиги, унинг эъзозу барҳаётлигини таъминлаш йўлида чарчамасдан меҳнат қилаверамиз.

**Зайниддин НИЗОМХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## Меҳнат ва рағбат

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Мана, кейинги 23 йилда меҳнат эътирофини кўряпман. Аввал «Меҳнат шуҳрати», кейинчалик «Эл юрт ҳурмати» орденлари, 2011 йилда эса «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвонига сазовор бўлдим. Жорий йилда Ўзбекистон Қаҳрамони бўлдим.

Бу чин маънода халқнинг эътирофи, ярим асрлик фаолиятимга берилган баҳо ва камтарона қилган меҳнатларимизга берилган юксак мукофотдир. Соҳанинг турли жабҳаларида, турли лавозимларда ишладим. 2004 йилдан буён Қамаши туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалигига раҳбарлик қиламан. Дастлаб 32 гектар ер олиб, пахтачилик ва ғаллачиликда ўзига хос ишларни амалга оширдик. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экинга агротехник ишлов бериш тартиблари, ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олишнинг янгича усулларини соҳада қўлладик. Бугунга келиб 200 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, жорий йилда давлатга 172 минг тонна пахта ҳосилини топшириб режани ортиғи билан бажардик.

Бугун хўжалигимиз ўз олдига қўйган режаларни уддалаб, фермерлик соҳасида қатор юқори кўрсаткичларга эришяпти. Ишимизни ривожлантириш учун ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган имтиёзлар айниқса қўл келди. Фермер бой бўлса, унинг хўжалиги ривожланса, эл-юрт ҳам обод бўлишини, одамларнинг турмуш фаровонлиги ошишини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан узоқни кўзлаб амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар замирида аввало инсон манфаати мужассам эдики, буни бугун бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигида ҳам кўриб турибмиз. **Ўтган давр мобайнида «давлат бош ислоҳотчи» тамойилига амал қилинган ҳолда жорий этилаётган «Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун» тамойили асосида соҳада тубдан ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, етакчи кучга айланган фермер хўжаликларини молиялаштириш ва кредитлаш, моддий ресурслар етказиб берувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китоб тизимини янада такомиллаштириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди, уларнинг ўзаро ҳуқуқий, иқтисодий муносабатлари тизими такомиллаштирилди.**

Президентимизнинг Конституция куни байрамидаги маърузасини тинглар эканман ана шундай мулоҳазалар хаёлимдан ўтди. Энди унинг мағзини хўжалик ишчилари, ҳамқишлоқларимга гапириб берояпман.

**Абдимурат БАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## Навбатдаги муҳим қадам

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Мансур АСЛОНОВ,**
«XXI asr»

— Қайд этиш зарурки, сайлов округлари ва участкаларининг аҳамияти уларни ташкил этишдан кўзланган мақсадларда аниқроқ намоён бўлади. Яъни, сайлов округлари орқали депутатлик мандатини қўлга киритиш масаласи ҳал этилса, сайлов участкалари бевосита овоз бериш жараёни ва сайлов натижаларининг дастлабки якунларини аниқлаш каби муҳим масалаларда аҳамиятлидир. Зиммамизда нечоғли катта масъулият борлигини ана шундан ҳам билиш мумкин. Бинобарин, Марказий сайлов комиссияси талаблари асосида ишлаб чиқилган иш режасида белгиланган барча йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни, юмуш-тадбирларни бекаму кўст адо этмоқдамиз.

Барча сайлов участкалари сайловчилар учун ҳар томонлама қулай биноларга жойлаштирилган. Сайлов комиссияларининг самарали фаолият кўрсатиши учун мебель жиҳозлари ва компьютер техникаси, телевизор, факс, шунингдек, сайловга оид қонунлар, тегишли ҳуқуқий адабиётлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланган.

Ҳар бир сайлов участкасида тиббиёт ва она-бола хоналари ташкил этилганлиги ҳам эътиборга молик. Тиббиёт хоналари 22 турдаги дори-дармон, она-бола хоналари зарурий ашёлар билан тўла таъминланди. Шунинг баробарида округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг вазифаларига оид иккита семинар уюштирилди. 9-Ғалаба сайлов участкаси мисолида ўтказилган кўргазмали семинарда сайлов кунида комиссиянинг ҳар бир аъзоси бажариши лозим бўлган ишлар намойиш этилди.

Шу ўринда шаҳар сайлов комиссияси ҳузуридаги матбуот гуруҳи фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Зеро, сайлов ҳуқуқи ва эркинлигининг таъминланиши, сайловнинг очиқлиги, ошкоралиги кўп жиҳатдан матбуот, бошқа оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнларини нечоғли эркин ва демократик тарзда ёритишига боғлиқ. «Дўстлик байроғи» ва «Знамя дружбы», «Навоий пресс» газеталари, вилоят телевидениеси ва радиоси орқали мамлакатимиздаги сайлов қонунчилиги, сайловни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишларнинг бориши, шунингдек, сайлов комиссиялари аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Навоий филиали мутахассислари ва бошқалар иштирокида муҳим сиёсий кампанияга бағишланган чиқишлар ташкил этилаётир.

Хулоса тариқасида шуни айтиш мумкинки, парламентга ҳамда маҳаллий кенгашларга ўтказилаётган сайлов орқали билимли, юксак маданиятли, ҳаётий муаммолар ва аҳоли ташвишларидан тўла хабардор депутатларнинг сайланиши кутилмоқда. Бунинг учун барча ташкилий ва ҳуқуқий асослар мавжуд. Ушбу сайлов халқимизнинг ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, жамиятни демократлаштириш борасидаги истагини рўёбга чиқариш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлажак.

## БИЗДА БОРИ ҚАЙДА БОР?!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Ўша ўта таҳликали бир замонда «шок терапияси»ни байроқ қилганлар ёки «бозор иқтисодиётининг шиддатли гирдобига ўзингни ташласанг, унинг ўзи кўзланган манзилга олиб чиқади» деган хомхаёллар билан юрганларнинг ҳозирги ҳолати қанақа-ю, Ўзбекистон қўлга киритган ютуқлар қанақа?

Элим деб, юртим деб ёниб яшаётган, узоқни кўра биладиган одил ва оқил раҳбарнинг бедор тафаккури маҳсули бўлмиш мазкур модель тараққиёт йўлимизни аниқ-тиниқ белгилаб берди. Унинг энг тўғри йўл бўлганини ҳеч ким инкор қилолмайдиган рақамлар исботлаб турибди: истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсди. Бизга четдан баъзан ҳавас, баъзан ҳасад билан қараётганлар шу даврда аҳоли сони 1,5 марта кўпайганини ҳисобга олган ҳолда ич-ичидан ҳайратланаётгани ҳам бор гап.

Бу ҳолатни айнан Конституция байрами куни «Фидокорона хизматлари учун» ордени кўксига тақилган халқ шоири Иқбол Мирзо шеърга кўчиргани эътиборга лойиқ.

**Ортда қолди не ғовлар,**
**Сина-сина синовлар.**
**Шаштим кўриб ановлар**
**Ҳайрон бўлгани бўлган.**

Зотан, ўша пайтда майдонга чиққан сохта доҳийлар, тазйиқ ўтказишга уринган зўравонларга ёқса-ёқмаса Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги, ички қарзнинг умуман йўқлиги айни ҳақиқат. Жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ҳар йилдаги ўсиш суръатлари сўнгги 10 йилда 8 фоиздан зиёд бўлаётгани ҳам факт.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ижобий маънодаги «портлаш эффекти»-чи. Такрор бўлса ҳам айтишга тўғри келади: бундай мазмундаги дастурлар бошқаларда ҳам бўлиши мумкин. Бироқ уларнинг самараси ҳақида гапирганда, яна ўша савол кўндаланг бўлиши табиий. Биргина Самарқанд шаҳрида ўтказилган икки тадбир – «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция ҳамда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси иштирокчилари турли тилларда бемалол сўзлаша оладиган, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёшларимиз билан суҳбатларда лол қолгани шу фикрнинг амалий тасдиғи эмасми?!

Ёхуд шу йилнинг ўзида юртимиз ўқувчиларидан 10 нафари хорижда ўтказилган йирик халқаро мусиқа ва санъат фестивалларида «Гран-при» деб аталадиган энг юқори совринни, 60 нафари биринчи ўринни қўлга киритгани-чи?!

Давлатимиз раҳбари маърузасида интернетнинг бугунги кундаги аҳамияти ва маънавиятга салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлардан ҳимояланиш хусусида ҳам сўз юритилди.

Интернет хизматидан фойдаланувчилар сони ҳайратланарли даражада ўсиб, усиз бугунги ҳаётни тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди. Глобал тармоқнинг бу даражада илдамлаб кетишини кўриб, уни дунё ахборот дўкони деб атайсиз. Кичик дарча орқали етти иқлимга мўралаб, эҳтиёжингизга ярашасини танлаб олаверасиз. Супермаркетдан фарқи шундаки, унинг чегараси йўқ.

Аммо тараққиёт ҳам тез таъсир кўрсатувчи кучли дoридек гап, баъзида дардни енгиллатиш билан бирга зарари ҳам тегади. Яъни, ҳар қандай жараённинг яхши ва ёмон томонлари бўлади. Буларнинг келиб чиқиши, шаклланишига туртки берадиган омиллар ҳам мавжуд.

Интернетнинг қидирув хизмати излаган маълумотингизни саноқли дақиқаларда топиб беради. Бироқ дунё дўкони дарчасида таклиф этилаётган маҳсулотларни сифатли ё сифатсиз, яхши ё ёмонга ажратиш нафақат фарзандларимиз, катталар учун ҳам осон кечмайди. Мантиқан олиб қараганда, ўз дўконида ибосизлик ва беҳаёликни, жангарилик ва ваҳшийликни таклиф қиладиган «сотувчилар»нинг мақсади фақат тижорат, кўпроқ пул тўплашдан иборат эмас. Носоғлом руҳдаги ахборотлар ёшлар тарбияси, уларнинг ахлоқи, онги ва тафаккурига зарар етказади.

Бу борада бир томонлама ёндашув, фарзандларимизга ниманидир қатъий тақиқлаш орқали масала ечимини топиб бўлмаслиги равшан. Ёшларимизнинг маънавий оламини янада бойитиш ва бу жараёнда бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан шакллантириш, бир сўз билан айтганда, маънавий иммунитет яратиш зарур.

Яқинда парламент қуйи палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган «Болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилингани ҳам масала моҳиятига жиддий ёндашувнинг ўзига хос, энг муҳими, амалий кўринишидир.

Дунёнинг энг улкан ахборот дўконига қиёслаётганимиз ҳозирги шароитда мафкуравий таъсир ўтказишнинг ғоят ўткир қуролига айланди. Натижада бу дарчадан ҳар хил сиёсий кучлар ва марказлар ўз манфаатларини қондириш йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётир. Уларнинг дастлабки даъвоси эса демократия экспорти билан боғлиқ иддаолардир.

Барчамизга маълумки, демократия – халқ ҳокимияти дегани. Конституциямизнинг 8-моддасида эса Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этиши белгилаб қўйилган. Бугун 31 миллиондан ошган халқ ҳокимиятни бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этиб келаётган ва уларнинг ана шу вакилларни сайлаш ҳуқуқи, фуқароларнинг сўз эркинлиги қонун билан кафолатланган бўлса, яна қанақа «экспорт» бўлиши мумкин?!

Тантанали маросимда алоҳида таъкидланганидек, чинакам демократия асли қаерда қарор топганини чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. Зеро, бу борада исталган арбоб билан мунозарага киришиш хусусидаги фикрлар ҳам бежиз айтилмаяпти. Яна ўша савол: маҳалла деган ноёб тизимни яна қаерда учратиш мумкин? Бунда каттаю кичикнинг фикри инобатга олинади, бамаслаҳат иш кўрилади. Барча қарорлар очиқлик ва ошкоралик асосида қабул қилинади. Ахир шу эмасми, халқ ҳокимияти?

Бош қомусимизнинг 10-моддасида Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Олий Мажлис ва Президент иш юритиши муҳрлаб қўйилган. Мамлакатимиздаги сайловлар ҳар доим тенглик ва адолатлилик тамойилларига риоя қилинган ҳолда ўтказилганини ўша «экспортчилар»нинг холис ватандошлари, халқаро ташкилотлар вакиллари қайта-қайта эътироф этгани бутун дунёга маълум-ку. Яна кимнинг шубҳаси бўлса, марҳамат: 21 декабрь куни сайлов участкаларига келиб кўринг. Мавжуд тўртта сиёсий партия номзодларининг соғлом рақобатига гувоҳ бўлинг.

Бизда бори қайда бор, деган саволимиз овоз бериш жараёнига ҳам тегишли. Бунда гап сайловчиларнинг фаоллиги ҳақида кетмоқда. Сайлов кунининг биринчи ярмидаёқ сайловчилар рўйхатига киритилганларнинг салмоқли қисми, айниқса, ҳаётга мустақил фикри билан кириб келган ёшлар овоз бериб бўлади. Ҳеч ким оила аъзоларининг паспортларини тўплаб келмайди. Ҳар бир сайловчи ўз ҳуқуқидан ўзи фойдаланади. Айни кунларда жойларда сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувлардаги кўтаринки кайфият, аҳолининг аксариятида лоқайдлик аломатлари йўқолгани, сиёсий онги ўсиб, дунёқараши ўзгаргани шундай хулоса чиқаришга асос бўляпти.

Улар Президентимизнинг 2015 йилга Кексаларни эъзозлаш йили, деб ном бериш ҳақидаги таклифи халқимизнинг туб манфаатлари, миллий қадриятларига мослигини такрор ва такрор таъкидлашяпти. Ёшу улуғларнинг ҳурматини жойига қўйишда ҳеч ким бизга тенг келолмаслигини айтишяпти. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: яна қайси халқда отаси ўтирган уйнинг томига чиқилмайди? Шоирнинг илҳомини жўштирган ҳам ана шу ўзига хосликлар эмасми?!

**Қадр топти-ку қадрим,**
**Ҳавога тўлди бағрим,**
**Юртбошим берган даврим**
**Даврон бўлгани бўлган.**

## Қоғозбозликка йўл йўқ

**Юртбошимизнинг Бош қомусимиз қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазалар бугун мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам акс-садо бермоқда. Чунки истиқлолнинг илк кунлариданоқ хусусий секторни ривожлантиришга устувор аҳамият берилиши одамларни боқимандалик кайфиятидан халос этиб, ишбилармонлик ва ташаббускорликка ўргатди. Узоқни кўзлаб оқилона олиб борилган сиёсат туфайли халқимиз ўта мураккаб ва суронли йиллардан эсон-омон ўтди. Ўша пайтларда Ўзбекистоннинг бир мақсадга — пахта тайёрлашга бўйсундирилиши натижасида иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари оғир таназзул остонасига келиб қолган эди. Ана шундай шароитда Президентимиз томонидан «ўзбек модели» дея ном олган, бозор муносабатларига асосланган беш устувор тамойил ишлаб чиқилди. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга жорий этилиши эса бугунги тараққиётни белгилаб берди. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур рухсат бериш тартиб-таомилларининг рўйхати ва турлари изчил қисқартирилгани фикримизни тасдиқлайди. Маърузада алоҳида таъкидланганидек, ана шундай туб ислоҳотлар натижасида рухсат беришга оид тартиб-таомилларнинг 160 дан ортиғи ёки 44 фоизи, лицензиялаш талаб қилинадиган фаолиятнинг 19 тури ёки 25 фоизи бекор қилингани катта воқеа бўлди. Бундай шароитда эса тадбиркорлик билан шуғулланаётган киши ўз фаолиятини кенгайтиришга, янги иш ўринлари очишга интилади. Умуман олганда, мамлакатимизни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни янгилаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Бу билан нима демоқчиман: бир вақтлар фақатгина аграр мамлакат сифатида тилга олинган республикамиз иқтисодиёти тез суръатларда ривожланмоқда. Мазкур жараёнга эса хусусий секторга кенг йўл берилиши, аграр тармоқнинг бутунлай қайта ташкил этилгани каби муҳим омиллар ижобий таъсир кўрсатди, албатта.**

Муҳаббат ТОХТАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси.

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Бекзод АРТИКОВ

**Бекзод Артиков 1982 йили Сирдарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2005 йилда Тошкент давлат юридик институтини, 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**



**Бекзод Артиков 64-Гулистон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг катта маслаҳатчиси сифатида бошлаб, 2004-2009 йилларда етакчи ва бош мутахассис, бўлим бошлиғи вазифаларида ишлади. 2009-2010 йилларда Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, кейинчалик Андижон вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Адлия вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилди. 2014 йилдан ҳозирга қадар ушбу вазирликда Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бугунги кундаги устувор вазифалардан биридир. Депутатликка номзод ана шу эзгу мақсад йўлида астойдил хизмат қилишга бел боғлаган.

— Судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, хўжалик ишларини кўриш жараёнини аудио ва видео воситалар орқали қайд қилиб бориш, суд қарорларини уларнинг расмий веб-сайтларида электрон шаклда эълон қилиш тизимини йўлга қўйишни таклиф этаман, — дейди у. — Ҳозирги кунда жиноят ва маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш, иқтисодий жиноятларнинг баъзи турларини декриминаллаштириш, жамият учун хавфи катта бўлмаган ва жиддий оқибатларга олиб келмайдиган айрим иқтисодий жиноятлар бўйича жавобгарликни либераллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Муддати ўтган товарларни сақлагани ва сотгани учун жиноий жавобгарликни, (агар улар истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлигига зиён етказадиган жиддий оқибатларни келтириб чиқармайдиган бўлса) декриминаллаштириш, бунинг ўрнига маъмурий жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Депутатликка номзод рақобатга киришган одамни дискредитация қилиш, яъни обрўсини тўкишни бекор қилиш, бу борада юзага келадиган низоларни фуқаролик ишлари бўйича судлар юрисдикциясига ҳавола қилишни таклиф этади. Мулкдорлар, тадбиркорлар, фермер ва ишбилармонлар манфаати йўлида қонунчилик меъёрлари ҳамда ҳуқуқ амалиётини янада такомиллаштириш, ҳакамлик судлари институтини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий низоларни тартибга солишнинг муқобил, суддан ташқари шаклларини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан, судгача тартибга солиш мажбурий бўлган яраштирув институтини жорий этиш, зарур деб ҳисоблайди.

— O`zLiDePдан сайланган ҳар бир депутатнинг ўтган йиллардаги фаолиятига назар ташласангиз, унинг замирида тадбиркор, ишбилармон, фермер ва интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадлари кўзда тутилганлиги ўз-ўзидан аён бўлади, — дейди Б.Артиков. — Агар мен депутат этиб сайлансам, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага оид қонунчиликни янада мукаммаллаштириш, мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдидаги масъуллигини ошириш, ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали муҳофазалаш механизмини соддалаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ниятидаман.

## Хамдамбек РАСУЛОВ

**Хамдамбек Расулов 1981 йили Сурхондарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2004 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**



**Хамдамбек Расулов 68-Шеробод сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1997 йили Узун туманидаги «Жума Пирназаров» ширкат хўжалиги ишчиси сифатида бошлаган. Кейинчалик Тошкент шаҳридаги «Интермахсусқурилиш» ЁАЖда ҳуқуқшунос-маслаҳатчи, Тошкент вилоят адлия бошқармасининг Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш бўлими етакчи маслаҳатчиси, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси, Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш Бош бошқармасининг Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган.

2014 йилнинг сентябридан буён Сурхондарё вилоят адлия бошқармасининг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи лавозимини эгаллаб келмоқда.

Депутатликка номзод хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиши, берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариши, қатъиятли, билимли ва самимийлиги билан жамоа ўртасида ҳурмат қозонган. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан муқобил таклифлар бериш қобилиятига эга.

У малакали ҳуқуқшунос сифатида жамиятимиз таянчи бўлган оилалар барқарорлигини таъминлаш, мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳамдамбек Расуловнинг сайловолди дастуридан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ютуқларини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, янги иш ўринларини яратишга тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантирадиган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш орқали аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламлари учун иш жойлари миқдорини кўпайтиришга эришиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарлари нархларининг ошиб кетишининг олдини олувчи ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш каби масалалар ўрин олган.

Шунингдек, депутатликка номзод Ўзбекистон ривожланган, демократик давлатлар қаторидан жой олиши ва жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаши учун ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва жамиятни демократлаштириш, қонун устуворлигига эришиш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим шарти бўлган судлар мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашда қўлидан келганча ҳаракат қилишини алоҳида таъкидлайди.

— Мулкдорлар, тадбиркорлар ва фермерларнинг ҳимоясини таъминлайдиган қонунчилик меъёрлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш учун ўзимнинг назарий ва амалий таклифларим билан халқимнинг оғирини енгил қилиш, тадбиркорларнинг фаолиятини чеклайдиган омилларга қарши курашиш асосий мақсадимдир, — дейди Х.Расулов. — Зеро, иқтисодиётимизнинг асосий таянчи бўлмиш тадбиркор ва фермерларимизнинг эркин фаолият юритиши юртимизнинг келажаги, оилаларимизнинг фаровонлиги, турмуш шароитимизнинг янада яхшиланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

## Комилжон ЭРНАЗАРОВ

**Комилжон Эрназаров 1984 йили Сирдарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2004 йилда Тошкент молия институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 2005 йилда Сирдарё вилояти молия бошқармасида етакчи иқтисодчи бўлиб ишлашдан бошлади. Интизомлилиги ва қатор ибратли фазилатлари эътиборга олиниб, ўша йилиёқ бошқарма бошлиғи ўринбосари вазифасига тайинланди. 2012 йилдан бошлаб Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи сифатида фаолиятини давом эттирган иқтисодчи самарали меҳнати билан ўзига билдирилган ишончни оқлади. Ўз устида тинимсиз ишлаб, билим ва маҳоратини тобора мукаммаллаштираётган К.Эрназаров 2014 йилдан эътиборан вилоят Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи лавозимида ишламоқда.

Ҳамкасблари унинг жамоат ишларида ҳам жуда фаол эканини қайд этадилар. Хусусан, партиянинг ташаббускор, салоҳиятли аъзоларидан бири сифатида O`zLiDeP дастурий ғоя ва мақсадларини аҳолининг турли қатламлари орасида тарғиб-ташвиқ этишга муайян ҳисса қўшиб келаяпти.

— Жойларда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, чет эл инвестицияларининг ҳудудларга кириб боришини жадаллаштириш сингари устувор йўналишлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан янада кенгроқ фойдаланишимиз лозим, — дейди депутатликка номзод. — Зеро, фуқароларимиз турмуш даражасини ошириш йўлида қабул қилинаётган норматив ҳужжатларнинг тўлақонли бажарилишини таъминламай туриб, партия томонидан қўйилаётган юксак вазифаларни бажаришнинг уддасидан чиқиб бўлмайди.

Умуман олганда, К.Эрназаровнинг сайловолди дастури O`zLiDePнинг Сайловолди платформаси билан ҳамоҳангдир. Чунончи, у ҳududдаги айрим муаммолар ечимига масъулият билан ёндашиш, тадбиркорликни ривожлантириш орқали 10 мингга яқин янги иш жойини ташкил этиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш жараёнида қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, давлат дастурларининг ижроси таъминланишини назоратга олиш каби ишларни асосий вазифалар сирасига киритган.

Номзод жойлардаги ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, туман тиббиёт бирлашмалари, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари биноларини тегишли ҳудудий ва маҳаллий дастурларга киритган ҳолда таъмирланишини таъминлаш, ички йўлларни асфальтлаш каби қатор ижтимоий масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этиш ниятида.

Комилжон Эрназаров таъкидлаганидек, хусусий сектор равнақ топиб, куч-қувватга тўлган тақдирдагина ана шу сингари бунёдкорлик ишларини самарали бажариш мумкин. Шу маънода мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес улушини 70-80 фоизга етказиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Мазкур кўрсаткич жаҳондаги иқтисодий ривожланган демократик давлатлари даражасига мосдир. Бинобарин, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун максимал даражада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, уни тегишли индикаторлар асосида кузатиш ва яхшилаб бориш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга татбиқ этиш яқин истиқболда устувор вазифа бўлиб қолаверади.



**Комилжон Эрназаров 65-Сайхун сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Дилфуза УРАЛОВА

**Дилфуза Уралова 1968 йили Сирдарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1990 йилда Гулистон давлат педагогика институтини тамомлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор**



**Дилфуза Уралова 66-Янгиер сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини Мирзаобод туманидаги 10-умумтаълим мактабида ўқитувчиликдан бошлаган. Бу ерда ёш педагогнинг бошқа сифатлари қаторида етакчилик, ташкилотчилик қобилияти ҳам секин-аста камолга етди. Бинобарин, 2001 йилдан бошлаб мазкур мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари сифатида фаолият юритди. Икки йил ўтгач, унга Мирзаобод туманидаги 10-умумтаълим мактаби директорлиги ишониб топширилди. Д.Уралованинг жамоатчилик ишларига лаёқати ҳам назардан четда қолмади. У 2010 йилдан Мирзаобод туман ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида меҳнат қилмоқда. Самарали фаолияти мобайнида қишлоқ аёллари меҳнатини енгиллаштириш, бандлик даражасини ошириш, уларнинг ўзига хос салоҳиятидан ижтимоий, маданий ва иқтисодий соҳалар, болалар тарбиясида янада самарали фойдаланиш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига қаратилган ишларга сезиларли ҳисса қўшди.

— Ҳаёт давомийлигининг асоси бўлган аёлни, наслимиз давомчиси бўлмиш фарзандларимиз саломатлигини асраш бу миллатни, эртанги кунни асрашдир, — дейди депутатликка номзод. — Мамнуният билан эътироф этаманки, оила ва жамият таянчи, соғлом, баркамол авлодни дунёга келтирувчи ҳамда тарбияловчи аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Истиқлол йилларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида бу борадаги эзгу анъана ва урф-одатларимиз янгича мазмун билан бойиб бормоқда.

Д.Уралованинг ташаббуси билан тумандаги 30 дан зиёд умумтаълим мактаби ҳамда 10 дан зиёд мактабгача тарбия муассасасида спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича тўгараклар ташкил қилингани эътиборга молик. Айни пайтда бу тўгаракларга мингдан зиёд ўқувчи, тарбияланувчи жалб қилинган. Шу ҳам диққатга лойиқки, унинг бевосита ташаббуси билан туманда аёллар учун янги иш ўринлари яратиш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилган.

Депутатликка номзод хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш, миллий қадриятларимиз бардавомлигини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда турли тадбирлар, учрашувлар, суҳбатлар ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунончи, «Аёл ва қонун», «Аёл ҳуқуқи камситилишининг олдини олиш», «Ёшлар ва интернет хуружи» каби мавзулар бўйича ўтказилган 80 дан зиёд тадбир жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Унинг самарали фаолияти ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида «Шуҳрат» медали соҳиби бўлди.

Д.Уралованинг фикрича, Бўлажак сайловдан кейин ҳам ҳозирги мавқеимизни сақлаб қолишни истасак, ўтган беш йил мобайнида йўл қўйган камчилик ва нуқсонлардан тўғри хулоса чиқаришимиз даркор. Чунки бугунги сайловчи қуруқ ваъдаларга эмас, реал ишларга ишонади.

Депутатликка номзоднинг сайловолди дастурида ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, маҳаллий корхоналар ва кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперацион алоқаларни ривожлантириш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш каби аниқ таклифлар баён этилган.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ!**

## Сиёсий имтиҳон арафасидаги учрашувлар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 49-Янгиқўрғон сайлов округидан номзоди кўрсатилган O`zLiDeP аъзоси Седолим Султонов ўтган ҳафта Янгиқўрғон туманидаги «Бирлашган», «Канда» ва «Туман» қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги сайловчилар билан учрашди. Жами 600 нафардан ортиқ киши иштирок этган мазкур учрашувларда С.Султонов сайловчиларни ўз сайловолди дастури билан таништирди.

С.Султонов сайловчилардан тушган саволларга жавоб қайтарар экан, юртимизда йилдан-йилга солиқ ставкаларининг камайтирилаётгани, қишлоқ жойларда аҳолини, айниқса, аёлларни янги иш ўринлари билан таъминлашда уй меҳнатининг барча шакллари, жумладан, ҳунармандчилик, касаначилик ҳамда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун қишлоқларда етарлича шароит борлигини айтиб ўтди.

***

Сайхунобод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 65-Сайхун сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Комилжон Эрназаровнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

— Жорий йилги сайлов кампанияси мамлакатимизда юзага келган мутлақо янги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитларда ўтаяпти, — дейди ушбу тадбир иштирокчиси, O`zLiDeP фаоли Қаҳрамон Исмоилов. — Бундай ўзгаришлар, аввало, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепция — мамлакатни модернизация қилишнинг узоқ муддатли дастури қабул қилиниши ва амалга оширилиши, сайловчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошгани билан боғлиқдир.

К.Эрназаровнинг ишончли вакили Абдурасул Мамарасуловнинг таъкидлашича, мунозаралар ва суҳбатлар давомида номзод партия фаолияти ва ўз соҳасини яхши билишини намойиш этган.

— Партиямизнинг ўз танлаган йўли ва позицияси бор, — дейди номзод. — Биз мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигини янада ошириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида илғорлар сафида бораётганлигимиз билан фахрланамиз. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, унинг инфратузилмасини тубдан яхшилаш борасида қабул қилинаётган қонунларни қабул қилиш жараёнларида фаол иштирок этишни ният қилганмиз.

***

Амударё Мелиорация ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежида ўтказилган сайловолди учрашувида ҳам O`zLiDeP электорати вакилларининг фаоллиги яққол кўзга ташланди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан 4-Амударё сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод, «Ўзбекгеофизика» АЖга қарашли «Устюрт геофизика экспедицияси» филиали етакчи геологи Шермухаммат Уразметов билан учрашувда бўлғуси сайлов жамиятни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашга йўналтирилган, мунтазам давом этадиган узлуксиз жараённинг навбатдаги босқичи эканлигига алоҳида урғу берилди. Депутатликка номзоднинг ишончли вакили, O`zLiDeP Амударё туман кенгаши раисининг ўринбосари М.Қозоқов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли, сайловолди дастурига оид асосий тезислар билан таништирди.

— Жанубий Оролбўйи минтақаси, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг яқин ҳамда олис истиқболи бевосита Устюрт заминига боғлиқ, — деди М.Қозоқов. — Мамлакатимиз раҳбарияти денгизнинг қуриб бориши боис юзага келган экологик вазиятни юмшатиш юзасидан кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Устюрт минтақасидаги бой углеводород захираларини мамлакат манфаатлари, хусусан, экологик ҳалокат марказида қолган Қорақалпоғистон Республикасининг тараққиётига хизмат қилдириш ўта муҳим ишдир. Янгидан сайланадиган Қонунчилик палатаси депутатлари бу йўналишда қатор янги қонунларни ишлаб чиқиши лозим. Агар биз партиямиздан малакали геологнинг депутат этиб сайланишига ёрдам берсак, у мазкур жараёнда фаол иштирок этиш имкониятига эга бўларди.

Сайловчилар олдида сўзга чиққан Ш.Уразметов партиянинг 2014 йилдаги сайловолди кампаниясидаги асосий мақсадлари ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, либерал иқтисодиёт ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик, халқ фаровонлиги, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишини таъминлашдан иборат эканини таъкидлади.

Сайловчилар билан учрашувлар бошқа вилоятлардаги сайлов округларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Ойбек ДЖУМАЕВ

**Ойбек Джумаев 1968 йили Сурхондарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1992 йилда Термиз давлат педагогика институтини тамомлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 1992 йили Термиз давлат университетининг фалсафа кафедраси ўқитувчиси лавозимидан бошлаган. 1997-2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси аспирантурасида «Сиёсат фалсафаси» мутахассислиги бўйича илмий изланишлар олиб борган. Сиёсий фанлар номзоди.

2001-2007 йилларда Тошкент молия институтининг фалсафа кафедрасида катта ўқитувчи, маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовини, биринчи проректор, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти бош илмий ходими, лойиҳа раҳбари вазифаларида ишлаган. 2007 йилдан буён Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети Тошкент филиали директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари сифатида талабаларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича қатор лойиҳалар муаллифи ва ташкилотчиси сифатида миллий истиқлол ғояси ва ватанпарварликни тарғиб этувчи кўплаб тадбирларга раҳбарлик қилиб келаяпти. 2005 йили «Шуҳрат» медали билан мукофотланган.

— Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшлар катта куч ҳисобланади, — дейди депутатликка номзод. — Бу кучни мамлакатнинг чинакам суянчи ва таянчига айлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Энг асосийси, ёшларимиз ҳам эришаётган ютуқлари билан кўрсатилаётган ғамхўрликка муносиб жавоб қайтаришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу тариқа мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш, модернизациялаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида уларнинг ўрни тобора ортиб бораяпти. Иш фаолиятимда асосан ёшлар билан ишлаб келаётганим боис сайловолди дастуримда ушбу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратдим. Уларнинг жамиятда тутган ўрни ва ролини кенгайтириш, шубҳасиз, кенг кўламли ислоҳотларимизни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Ойбек Джумаевнинг ушбу қарашлари O'zLiDePнинг Сайловолди платформасига ҳамоҳанглиги билан ҳам аҳамиятлидир. Яъни, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвийлигини таъминловчи механизмларни жорий этиш, ҳудудларда маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш орқали сифати юксак ривожланган давлатларникидан қолишмайдиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган корхоналарда ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари талабаларининг амалиёт ўташларини таъминлаш, уларнинг олган билимлари ва инновацион қарашларини қўллаб-қувватлаш йигит-қизларимизнинг фаоллигини оширади.

Худди шунингдек, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида ёш авлод вакилларини тадбиркорлик соҳаларига фаол жалб этиш, уларнинг илғор ташаббусларини рўёбга чиқариш, истиқболли лойиҳаларини молиявий жиҳатдан рағбатлантириш қишлоқда турмуш тарзини ўзгартиради. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилаётган, барча қулайликлар, зарур инфратузилмаларга эга бўлган турар-жой массивларини кўпроқ қишлоқ жойларда барпо этишни изчил давом эттириш ҳам тараққиётга элтувчи энг муҳим омиллардан



**Ойбек Джумаев
69-Ангор сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

биридир.

Депутатликка номзод дастуридан, шунингдек, мулкдорлар, тадбиркор ва фермерлар манфаатларини ҳимоя этувчи қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан амалга оширилаётган назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ўрин олган.

## Мурodулла ТУРСУНОВ

**Муродулла Турсунов 1979 йили Сурхондарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2000 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини Марказий банкнинг Сурхондарё вилоят бош бошқармасида етакчи иқтисодчиликдан бошлаган ёш мутахассис изланувчан ва интилувчанлиги, чуқур билими билан эътиборга тушди. Орадан кўп ўтмай Марказий банкнинг Сурхондарё вилоят бош бошқармаси нақд пул муомаласи бўлими бош иқтисодчиси, бўлим бошлиғи, вилоят инкассация бошқармаси бошлиғи, бош бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимларида меҳнат қилиб, ўз салоҳиятини намоён этди. Айни пайтда Марказий банкнинг Сурхондарё вилоят бош бошқармаси бошлиғидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, молия муассасалари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик муҳити яратиш, замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхоналар барпо этиб, воҳанинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш учун тижорат банкларининг кредит маблағлари мақсадли йўналтирилишида салмоқли ютуқлар қўлга киритилаётганида ҳам депутатликка номзоднинг муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, жорий йилнинг 9 ойида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 78,5 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада ўсишга эришилди.

— Вилоятда саноатни янада ривожлантириб, арзон, сифатли, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун кенг имконият мавжуд, — дейди М.Турсунов. — Айниқса, табиий, сервитамин қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда қайта ишлаш, қурилиш материаллари, енгил саноат ва бошқа қатор тармоқларнинг юксалишида хусусий секторни мақсадли кредитлаш тизимининг йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. Ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, аҳоли фаровонлиги ўсиб бораётир.

Вилоятда фаолият юритаётган тижорат банкларининг ишбилармон аёллар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг энг яқин маслаҳатчиси ва молиявий кўмакчисига айланишида ҳам Муродулла Турсуновнинг хизматлари катта.

— Сайловолди дастуримда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, қишлоқ ёшларининг интеллектуал салоҳияти ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, фермер ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалалар ўрин олган, — дейди депутатликка номзод. — Жумладан, хусусий капитал жалб этилган тиббиёт муассасаларига энг сўнгги ютуқларни жорий этиб, соҳани янада ривожлантириш, қишлоқ жойларда замонавий шароитларга эга бўлган ижтимоий иншоотлар, жумладан, мактабгача таълим тизимини барпо этишга яқиндан кўмаклашишни ҳам ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.



**Муродулла Турсунов
72-Қумқўрғон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Бундан ташқари, банк соҳасига оид қонунларни мукаммаллаштириш, қишлоқ инфратузилмасини тубдан яхшилаш, фермерлар ва тадбиркорлик субъектларининг банклардан кредит олиш тизимини янада соддалаштириш, маҳаллалардаги ёш оилаларга муносиб турмуш шароити яратиш, ишбилармонларнинг хом ашё ва моддий ресурслардан фойдаланиши учун имкониятлар кўламини кенгайтириш борасидаги қонунларни такомиллаштиришга оид қатор таклифлар тайёрлаяпман.

Ўз ҳаёти ва меҳнат фаолиятини хайрли ташвишлар, эзгу интилишларга бахшида этиш, қишлоқлар ободлиги, оилалар фаровонлигини таъминлаш, хонадонлар файзи бўлган хотин-қизлар, бахтли келажагимиз эгалари ҳисобланмиш ёшлар учун муносиб турмуш шароитлари яратилишига муносиб ҳисса қўшиш депутатликка номзоднинг бош мақсадидир.

## Абдукодир ТОШКУЛОВ

**Абдукодир Тошкулов 1976 йили Сурхондарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1998 йилда Термиз давлат университетини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Абдукодир Тошкулов
70-Термиз сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини ўзи таҳсил олган университетда ўқитувчиликдан бошлаган. Интилувчанлиги туфайли кўп ўтмай иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Талабаларга молия ва солиқ тизими асосларидан сабоқ берди.

Ўтган давр мобайнида Самарқанд қишлоқ хўжалик институти илмий тадқиқотчиси, Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти илмий ходими, Термиз давлат университетида «Иқтисод-молия» факультети декани ўринбосари, «Молия» кафедраси мудири, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Сурхондарё вилояти филиали раҳбари лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилди.

Кенг дунёқараши, фаол ижтимоий позицияси, ўткир тафаккури ҳамда теран фикрлай олиш қобилияти билан вилоят ҳокимининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси ҳамда матбуот котиби лавозимларида фаолият юритиб, меҳнат жамоаси ва вилоят аҳли орасида обрў-эътибор қозонди.

Бугунги кунда Абдукодир Тошкулов иқтисодиёт соҳасида етук мутахассислардан бири ҳисобланади. Иқтисодиёт, хусусан, солиқ ва банк, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини Ўзбекистон шароитида бартараф этиш муаммоларига бағишланган 100 га яқин илмий иш, жумладан, 1 та монография, 4 та ўқув ва услубий қўлланма, 80 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар муаллифи сифатида 10 дан ортиқ халқаро сертификат соҳибидир. Бу илмий иш ва мақолаларда асосий эътибор хусусий сектор вакиллари учун кенг имкониятлар яратадиган янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга қаратилгани эътиборга моликдир.

Бундан ташқари, 2005 йилда АҚШнинг қатор олийгоҳларида, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ташкил этилган «Истеъдод» жамғармаси гранти совриндори сифатида Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида илмий тажриба орттирди. Шу билан бирга, қатор хорижий давлатларда бўлиб ўтган анжуманларда ўзининг илмий маърузалари билан иштирок этган.

— Бугунги сайловчининг партияларга бўлган талаби қатъий. Эндиликда улар ўзи овоз бераётган сиёсий кучни амалий ишларига қараб танлайди, — дейди А.Тошкулов. — Фуқароларимиз онгида юз берган ана шу ижобий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда сайловолди тарғибот-ташвиқот жараёнларига пухта тайёргарлик кўриш ва уни самарали олиб бориш давр талабидир. Бунинг учун ҳар бир номзод партия Сайловолди платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз дастурини пухта тузиши лозим. Яъни, унда қуруқ ваъдалардан воз кечиб, одамларни ташвишлантираётган энг муҳим ҳаётий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган вазифалар аниқ ва равшан баён этилиши мақсадга мувофиқдир.

Ана шундан келиб чиққан ҳолда Абдуқодир Тошқулов ўз сайловолди дастурида молия-банк тизимини янада либераллаштириш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, уларнинг банклардаги маблағларини қулай инвестицияларга айлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни кучайтиришни мақсад қилган. Шунингдек, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш орқали иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш ҳамда экспортни рағбатлантиришга алоҳида урғу берилган. Бу эса, шубҳасиз, иқтисодиётнинг ўсиши ва халқимиз турмуш фаровонлигининг янада юксалишида энг муҳим омиллардан биридир.

## Ишбўри ЗИЯЕВ

**Ишбўри Зияев 1966 йилда Сурхондарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1991 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Оилали. Икки нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини Қумқўрғон туманидаги 17-ўрта мактабда ёш авлодга сабоқ беришдан бошлади. Қайд этиш зарурки, мутахассислиги бўйича геофизик бўлган йигитни она табиатни асраш, атроф-муҳит мусаффолиги, хусусан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга доир долзарб масалалар доимо қизиқтириб келган. Бу борада унда ўзига хос бурч ва масъулият туйғуси шаклланиб, камол топганлиги туфайли умрини ана шу ғоят муҳим ишга бағишлашга қарор қилди.

И.Зияев 1994 йилдан 2014 йилга қадар Сурхондарё вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи, кейинчалик ахборот-таҳлил инспекцияси бош мутахассиси, Термиз тумани табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилди. Сўнгра Сурхондарё вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси, тоғ-кон муносабатлари инспекцияси бош мутахассиси, сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи, давлат экологик экспертизаси етакчи мутахассиси, эксперти, аналитик назоратга ихтисослашган инспекцияси бошлиғи лавозимларида ишлади.

Депутатликка номзод ҳозир Сурхондарё вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Сув объектларини назорат ва муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи, айни пайтда Ўзбекистон экологик ҳаракати Сурхондарё ҳудудий бўлинмаси раҳбари лавозимларида қизғин фаолият кўрсатмоқда. Ўтган даврда у ишчанлиги, катта-ю кичикдан маслаҳати, кўмагини аямаслиги, фидойилиги, бағрикенглиги ва бошқа хислатлари билан ҳамкасблари ҳурмат-эътиборини қозонди. Ташаббускорлиги, етакчилик қобилияти эса жамоат ишларида ҳам ёрқин намоён бўлаётир.

И.Зияев атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларини янада чуқур ва самарали ҳал қилиш жараёнига жамиятнинг турли қатламларини, хусусан, тадбиркорлар, фермерлар, яъни ўрта синф вакилларини ҳам кенгроқ жалб этиш, экологик назорат тизимини жорий этишга йўналтирилган аниқ ҳуқуқий механизмни босқичма-босқич такомиллаштириб боришни кун тартибидаги муҳим масалалар сирасига киради, деб ҳисоблайди.

— Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасига оид муаммоларни ҳал этишда ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, жамоатчилик асосидаги экологик назоратнинг самарадорлигини оширишда жамоатчилик тузилмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди, — дейди депутатликка номзод. — Бизнинг асосий вазифамиз эса тегишли қонунлар ижросини таъминлаш, меъёрий ҳужжатларни янада мукаммаллаштиришга кўмаклашиш, аҳолининг экологик мада-



**Ишбўри Зияев
73-Шўрчи сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

ниятини юксалтиришга алоқадор жамики ишларни бекаму кўст бажаришдан иборат.

Ишбўри Зияевнинг фикрича, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш борасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа муассасаларнинг табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларга, жумладан, табиий муҳит сифати меъёрларига қатъий амал қилишини таъминлаш, табиий бойликлардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқаришга экологик тоза технологияларни жорий этиш тадбирлари бажарилишини назорат қилиш, экологик назорат, жумладан, жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш ва кучайтириш, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратининг самарадорлигини ошириш бўйича ишларни янги босқичга олиб чиқиш тақозо этилаётир.

## Муяссар КАДИРОВА

**Муяссар Кадирова 1962 йили Термиз шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1986 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**

1986-1987 йилларда Термиз шаҳар 1-катталар поликлиникасида интернатурани тугатиб, 1987-1988 йилларда вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг ташкилий йўриқ бўлимида врач-диетолог, 1988-1998 йилларда Термиз шаҳридаги 3-поликлиникада терапия бўлими мудири, 1998-1999 йилларда шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бош терапевти ва 1999-2003 йилларда Термиз туман «Дўстлик» ҚВП мудираси, 2003-2013 йилларда вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси бўлиб фаолият кўрсатди. 2013 йилдан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси вазифасида ишлаб келмоқда.

М.Кадирова Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси республика ва вилоят кенгашлари, «Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси», «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишонлари, «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. 2010 йилдан халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши депутати.

Депутатликка номзод Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сайловолди платформасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, ўз сайловолди дастурида ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал қобилиятини намоён этиши учун зарур шароитлар яратиш, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратган.

Таълим тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали ушбу соҳанинг юқори халқаро мезон ва стандартларга мослигини таъминлаш, олий ўқув юртларимиз дипломларининг хорижда тан олинишини таъминловчи модуль тизимини ўқув жараёнига киритиш, масофадан туриб таълим беришни йўлга қўйиш каби масаларлар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, соҳага хусусий капитални жалб қилиш орқали соғлом рақобат муҳитини яратиш каби бир қатор таклифларни баён этган. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга оид амалий мулоҳазалари ҳам бор.

— Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, эрта оила қуришнинг олдини олиш каби масалалар нафақат соҳа вакиллари, балки



**Муяссар Кадирова
71-Жарқўрғон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

кенг жамоатчиликнинг ҳам биринчи даражали вазифалари сирасига киради, — дейди М.Кадирова. — Уларни маҳалла фаоллари иштирокисиз амалга ошириш мушкул. Бу ишларга партия ҳудудий ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларини янада кенг жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ!**

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Гулбахор ТАНГИРОВА

**Гулбахор Тангирова 1963 йили Сурхондарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**

Депутатликка номзод 1985 йилдан бери матбуот соҳасида фаолият юритади. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ва халқ депутатлари вилоят кенгашининг «Сурхон тонги» ҳамда «Заря Сурхана» газеталари бош муҳаррири. 2009 йили журналистика соҳасида «Олтин қалам» миллий мукофотига сазовор бўлган.

Сиёсий фаоллиги, ўз ишига масъулиятли ёндашуви, изланувчан ҳамда меҳнатсеварлиги билан вилоятда катта ҳурмат қозонган Гулбаҳор Тангирова ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлигини ошириш, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида куч-ғайратини аямайди. Депутатликка номзоднинг фаолияти кўп қирралидир. Айни пайтда у вилоят газетаси бош муҳаррири вазифасида ишлаш баробарида «Народное слово» газетасининг Сурхондарёдаги мухбири сифатида хизмат қилаяпти.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини оммага етказиш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни камол топтириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш, тиббий ва ҳуқуқий билимларини ошириш билан боғлиқ масалалар номзоднинг сайловолди дастуридан ўрин олган. Айни кунда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида бандлик даражасини ошириш, маҳаллаларда тинч-осуда, фаровон ҳаётни таъминлаш, хусусий сектор имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш, жойларда қонунлар ижроси юзасидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

Жамоадошлари унинг ташаббускорлиги, ўз бурчига садоқати, камтарин ва самимийлигини алоҳида қадрлайдилар. Ана шундай хислатлари билан Г.Тангирова ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. Ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштироки учун «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 22 йил» эсдалик нишони билан тақдирланган.

— Мамлакатимизда инсон ҳаёти ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий асослар яратилган, — дейди номзод. — Ҳозирда ушбу жараён янада такомиллаштирилмоқда. Афсуски, жойларда амалдаги қонунларнинг ижроси талабга тўла жавоб бермайди. Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмаслиги айрим масъулиятсиз раҳбарларга қўл келмоқда. Binобарин, ҳуқуқий саводхонликни ошириш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз лозим. Ҳудудларда қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, таъсирчан сўз ҳамда матбуот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш бугунги кунда ҳар қачонгидан катта аҳамият касб этишини унутмайлик.

Г.Тангирова O'zLiDeP фаоли сифатида партиянинг дастурий мақсад ҳамда вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам ибрат кўрсатаяпти. Долзарб мавзудаги таҳлилий мақолалари билан маҳаллий ҳамда республика матбуотида фаол иштирок этмоқда. Хусусан, унинг хотин-қизлар ва ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусий сектор имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланишга оид чиқишлари жамоатчилик ўртасида алоҳида қизиқиш уйғотаётир.

Депутатликка номзоднинг сайловолди дастури ана шундай эзгу ғояларга ҳамоҳанг. Хусусан, у қонун ижодкорлигини кенгайтириш, кўп тармоқли фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, йигит-қизларни тадбиркорлик соҳасига фаол жалб этиш, қишлоқ ҳудудларида янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш йўлида сидқидилдан хизмат қилишни ўзининг бурчи, деб билади.



**Гулбахор Тангирова**
**74-Денов сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Аброр АКБУТАЕВ

**Аброр Акбутаев 1982 йили Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2004 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 2004 йилда Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг суд мажлиси котиби вазифасидан бошлаган. Ёш мутахассис 2007-2010 йиллар мобайнида Адлия вазирлиги қабулхонаси котиби, ушбу вазирликнинг Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармасида нусха кўчириш оператори, мазкур бошқармада етакчи ва бош маслаҳатчи лавозимларида муваффақиятли фаолият кўрсатган. Кейинчалик Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бош маслаҳатчиси лавозимида ишлаган. Ҳозир Адлия вазирлиги Халқаро-ҳуқуқий бошқармасининг бош маслаҳатчиси сифатида меҳнат қилмоқда.

А.Акбутаевда шу соҳа вакили учун зарур барча хислатлар мужассам, десак янглишмаган бўламиз. Хусусан, ишчанлиги, мулоҳазакорлиги, адолатлилик ва гуманизм принципларига ғоят содиқлиги билан ҳамкасбларининг ҳурматига сазовор бўлган.

— Мамлакатимиздаги туб ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида иқтисодиётни янада либераллаштириш, модернизациялаш ва экспортни диверсификациялашга қаратилган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ва бошқа кўплаб қонунлар, янги таҳрирдаги солиқ кодекси ҳамда иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилганлиги хўжалик субъектларининг ҳуқуқий мақомини ва кафолатларини таъминлаш имкониятини яратди, —дейди депутатликка номзод. — Яратилган қонунчилик базаси нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари ортга қайтмаслигининг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилаётганлигини таъкидлаш лозим.

Профессионал юрист Ўзбекистоннинг энг ривожланган, демократик давлатлар қаторидан жой олиши, халқимизга муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган муҳим вазифа сифатида қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш деб билади. Унинг сайловолди дастурида бу борадаги бир қанча таклифлар ўз аксини топган. Хусусан, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва жамиятни демократлаштиришни жадаллаштириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим шарти бўлган судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш, хўжалик судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янда кенгайтириш, хўжалик ишларини кўриш жараёнини аудио ва видео воситалар билан қайд қилиб бориш, суд қарорларини уларнинг расмий веб-сайтларида электрон шаклда эълон қилиш тизимини йўлга қўйиш шулар жумласидандир.

Шунингдек, ҳуқуқшунос мулкдорлар манфаатлари ҳимоясини таъминлайдиган қонунчилик меъёрлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришдаги устувор вазифаларни амалга ошириш борасида ҳам қатор таклифларни илгари сураяпти. Масалан, ҳакамлик судлари институтини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий низоларни тартибга солишнинг муқобил, суддан ташқари шаклларини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан, судгача тартибга солиш мажбурий бўлган яраштирув институтини янада такомиллаштириш, шубҳасиз, тадбиркорлар манфаати ҳимоясига қаратилган ҳуқуқий асоснинг мустаҳкамлаш баробарида уларнинг янада эркин фаолият юритишини таъминлайди.



**Аброр Акбутаев**
**77-Ангрен сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Асрор ДЖУМАЕВ

**Асрор Джумаев 1975 йили Сурхондарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1997 йилда Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Асрор Джумаев**
**75-Сариосиё сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1997 йилда Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли гидрометаллургия заводида электромонтёрликдан бошлаган. 2001-2006 йилларда Тўпаланг сув омборининг Қурилиш ва фойдаланиш дирекцияси етакчи муҳандиси, Гидроэлектростанциядан фойдаланиш бўлими бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2006 йилдан буён Сариосиё туманидаги «Тўпаланг гидроэлектростанцияси» давлат корхонасининг электр-механика бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

Йирик корхоналардаги масъулиятли, мураккаб иш жараёни ёш мутахассиснинг билим ва малакасини, қобилиятини жиддий синовдан ўтказди. У йўл қўйилган айрим камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб, фаолиятини самарали давом эттирмоқда. Жамоадошларининг якдиллик билан эътироф этишича, ҳалол, тўғри сўз, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан шахсдир.

Шу ўринда унинг ижтимоий-сиёсий савияси, ҳуқуқий маданияти юқори эканини алоҳида қайд этиш зарур. Мамлакатимизда, хорижда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни диққат билан кузатиб, аниқ фуқаролик позициясига эга инсон сифатида холис ва тўғри хулосалар чиқара олади. Партиямиз илгари сураётган ғоялар сиёсий қарашларига батамом уйғунлиги туфайли O`zLiDeP сафида бўлишга аҳд қилган.

Маълумки, ҳар қандай эзгу ғоялар ҳаётда ўз аксини топсагина одамлар учун наф келтиради. Шундан келиб чиққан ҳолда, А.Джумаев O`zLiDeP дастурий мақсадлари тарғиботида фаол қатнашиб, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишига муайян ҳисса қўшиб келмоқда.

— Бугунги кунга келиб Ўзбекистон собиқ иттифоқ давридаги аграр мамлакатдан саноати жадал ривожланиб бораётган индустриал давлатга айланди, — дейди депутатликка номзод. — Юртимизда ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги махсулотлари чет давлатларга экспорт қилинмоқда, нефть ва газ саноати тобора ривожланиб, автотранспорт саноати маҳсулотлари дунё бозорида харидоргир бўлиб бормоқда. Албатта, мамлакатимиз бундай натижаларга осонликча эришаётгани йўқ. Ислоҳотларнинг изчил ва самарали амалга оширилиши, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли бундай ютуқларга эришаяпмиз. Шуни фахр билан таъкидлаш жоизки, ана шу қизғин жараёнларда O`zLiDeP ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 2004 йилдан буён партиямиз парламент қуйи паласида кўпчилик ўринларни эгаллаб келяпти. Бу бизга қонунчилик ташаббуслари билан чиқиш, амалдаги қонунларга электорат манфаатидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш имконини бермоқда.

А.Джумаевнинг сайловолди дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, улар фаолияти учун янада эркинлик беришга йўналтирилган ишлар аниқ-равшан белгиланган. Бу мақсадларга эришиш учун у қуйидагиларни амалга ошириш керак, деб ҳисоблайди:

— хусусий секторига имтиёз ва преференциялар бериш, тижорат банклари, лизинг компаниялари ва бошқа молиявий ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларининг молиялаштирилишини кенгайтириш, гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ банк кредитлари бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш;

— мулк шаклидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектларига хомашё манбалари ва моддий ресурслардан фойдаланиш учун тенг шароитлар яратиш, улар бўйича бозор нархларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш.

Асрор Джумаев таъкидлаганидек, O'zLiDeP ўз сайловолди платформаси учун айнан «Кучли ўрта синф – мустаҳкам, рақобатдош иқтисодиёт – мамлакат равнақи демак» шиорини танлагани бежиз эмас. Бу даъваткор сўзлар ҳар биримизни Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва юртимиз равнақи йўлидаги улкан ва эзгу мақсад йўлида бирлаштиришга хизмат қилмоқда.

## Ёқутхон МЎМИНОВА

**Ёқутхон Мўминова 1973 йили Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1996 йилда Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**

Болалик чоғлариданоқ ўқитувчиликни орзу қилган Ёқутхон меҳнат фаолиятини 1991 йилда Бекобод туманидаги 51-мактабда бошлади. Ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича малакали мутахассис. 2005-2010 йилларда 51-мактаб директори вазифасида хизмат қилди. 2010 йилдан ҳозирга қадар Бекобод тумани ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

— Истиқлол йилларида хотин-қизлар манфаатига қаратилган юзга яқин қонун қабул қилинди, —дейди депутатликка номзод. — Барчасининг замирида оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоялаш, аёл зотини эъзозлаш, оиланинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш каби эзгу мақсадлар ётади. Натижада опа-сингилларимиз катта имкониятларга эга бўлиб, фарзанд тарбияси билан бирга мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар, амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айни пайтда ҳар бир жабҳада изланувчан, ташаббускор хотин-қизларни учратиш мумкин. Бу эса улар учун яратилган қулай шарт-шароит ва кўрсатилаётган катта ғамхўрлик шарофатидир. Мен депутатликка сайлансам, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар, айниқса, қизлар ўртасида спортни кенг оммалаштириш йўлида куч-ғайратимни аямайман. Зеро, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан етук, билимдон инсонлар қилиб тарбиялаш жамиятимиз келажаги учун катта аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, номзоднинг сайловолди дастуридан тобора кўркам қиёфа касб этаётган қишлоқ ва шаҳарларимизда барча қулайликларга эга бўлган замонавий турар-жой массивларини кенгайтириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, йўл бўйларидаги инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ амалий таклифлар ҳам ўрин олган.

— Ҳозирги кунда инновацион педагогик технологияларга катта эҳтиёж сезилмоқда, — дея фикрини давом эттиради Ё.Мўминова. — Инновацион технологиялар билан боғлиқ долзарб масалалар назарий ва амалий жиҳатдан ўрганилмоқда. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларида мулоқот ва режалаштириш кўникмаларини шакллантириш, уларни бизнес соҳасига жалб этиш учун қулай имкониятлар яратилмоқда. Айни соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш, шунингдек, олий ва мактабгача таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш, чекка қишлоқларда талаб-эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда давлат бюджети ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари маблағлари ҳисобига замонавий боғчалар тармоғини янада кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон билан хорижий мамлакатларнинг етакчи олий ўқув юртлари ўртасида йўлга қўйилган амалий ҳамкорлик таълим соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёқутхон Мўминова шундан келиб чиқиб, ўз сайловолди дастурида олий ўқув юртлари мустақиллигини таъминлаш, масофадан туриб замонавий таълим беришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадини илгари сураяпти. Таълимнинг модулли тизимини амалда жорий этиш, ушбу жараённи янада жадаллаштириш ҳам номзод кўтариб чиқаётган муҳим таклифлардан бирирдир.



**Ёқутхон Мўминова**
**78-Бекобод сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Рустам ПАРДАЕВ

**Рустам Пардаев 1979 йили Сурхондарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2006 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор**

Депутатликка номзод меҳнат фаолиятини 1999 йилда АТ «Савдогарбанк» Сурхондарё вилоят бўлимида бухгалтер сифатида бошлаган. 2002-2004 йилларда «ANODIR» масъулияти чекланган жамиятида бухгалтер, 2004-2006 йилларда АТ «Тадбиркорбанк» амалиёт бошқармаси ва ички аудит департаментида мутахассис, 2006-2007 йилларда «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкида бош мутахассис, 2007-2011 йилларда «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Сурхондарё вилоят Жарқўрғон филиали бошқарувчиси лавозимида ишлаган. 2014 йилнинг августида «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Сурхондарё вилоят филиали бошлиғи вазифасига тайинланди.

Мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга баҳоли қудрат ҳисса қўшиб, жамоатчилик ишларида ўз қобилиятини намоён эта олган Рустам Пардаев молия-банк соҳасини чуқур эгаллаб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи йўлида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Унинг раҳбарлигида хусусий секторни имтиёзли кредит маблағлари билан таъминлаш, тадбиркор аёллар ва коллеж битирувчиларининг ўз бизнесини бошлашига молиявий кўмаклашиш жараёни сифат жиҳатдан яхшиланди. Бунинг натижасида воҳанинг энг чекка ва олис ҳудудларида замонавий, ихчам саноат корхоналари барпо этилаётир. Сервис ва хизмат кўрсатиш самарадорлиги ошмоқда.

Ўзининг чуқур билими, изланувчан ва янгиликка интилувчанлиги билан жамоадошларига ўрнак бўлаётир. Одамлар билан самимий муносабатда бўлиш, катта-ю кичикни ҳурмат қилиш, тиришқоқлик, ёш авлод келажагига дахлдорлик туйғусининг мустаҳкамлиги каби хислатлар ҳам Рустам Пардаевга хосдир.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётимизнинг бош мезони, — дейди депутатликка номзод. — Бугунги кунда соҳани янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусий секторга яратилаётган имтиёз ва преференциялар пировардида аҳоли фаровонлиги, юртимиз ободлиги ва хонадонларимиз тўкинлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Депутатликка номзод O'zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, уларни ёш тадбиркорлар ва хотин-қизлар ўртасида тарғиб-қилишда ҳам бошқаларга ибрат бўлмоқда. У ёш тадбиркор ва ишбилармонларнинг замонавий иқтисодий билимларини ошириш, уларнинг онгу шуурида мулкдорлик туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида партия томонидан ташкил этилаётган семинар ҳамда ўқув машғулотларида фаол иштирок этмоқда.

Р.Пардаевнинг сайловолди дастурида мамлакатимизнинг улкан ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан янада унумлироқ фойдаланиш, қишлоқда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини кенг ривожлантиришнинг энг мақбул ғоялари акс этган. Хусусан, депутатликка номзод чекка ҳудудлардаги тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда тижорат банкларининг имтиёзли кредит маблағларидан самарали фойдаланиш орқали қишлоқ ёшларини хусусий секторга кўпроқ жалб этиб, янги иш ўринлари барпо этиш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга ундамоқда.

Р.Пардаев O`zLiDeP электорати ва кенг жамоатчилик муаммолари ҳал этилишига кўмаклашишни, бунинг учун сайловчилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатишни энг самарали восита, деб билади.



**Рустам Пардаев**
**76-Узун сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ!**

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Нилуфар САИДАХМЕТОВА

**Нилуфар Саидахметова 1978 йили Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2000 йилда университетни ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича тамомлаган**



**Нилуфар Саидахметова 79-Бўка сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини «Чирчиқсут» акциядорлик жамиятида ҳуқуқшунос сифатида бошлаган депутатликка номзод 2000-2001 йилларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг 1-тоифали иш юритувчи котибаси, Иқтисодий ислоҳотлар бўйича қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертиза қилиш бошқармасининг катта маслаҳатчиси, 2001-2008 йилларда Иқтисодий қонунчилик бошқармасининг бош маслаҳатчиси, 2008-2012 йилларда мазкур бошқармада бўлим бошлиғи вазифаларида ишлаган. 2012 йилдан Иқтисодий қонунчилик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – бўлим бошлиғи лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Нилуфар Саидахметова мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиши ва жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллашини жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш жараёнидан айрича ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда соҳа вакили сифатида тадбиркорлик субъектларининг туман, шаҳар хўжалик судлари ёрдамидан фойдаланиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш, хўжалик судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтириш, хўжалик ишларини кўриш жараёнини аудио ва видео воситалар билан қайд қилиб бориш, суд қарорларини уларнинг расмий веб-сайтларида электрон шаклда эълон қилиш тизимини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Тарихдан яхши маълумки, ҳар бир давлат ва жамиятнинг ривожланиши, авваламбор, қонунчилик базаси нечоғли мукаммал эканлиги ва замон талабларига нечоғли мос эканлиги билан белгиланади, — дейди депутатликка номзод. — Чунки бусиз мамлакат ҳаётининг иқтисодий-сиёсий ва бошқа соҳаларида кенг кўламдаги демократик ислоҳотларни амалга ошириб бўлмайди. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг пойдевори ҳам объектив эҳтиёж ва шарт-шароитлардан келиб чиқиб қабул қилинган қонунлардан иборатдир. Шу боис мамлакатимиз тараққий этгани сари халқаро тажрибалар асосида амалдаги қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти мунтазам таҳлил этиб борилиши талаб этилмоқда. Чунки ҳаётнинг барча соҳаларида Ўзбекистон изчил, босқичма-босқич ривожланиш даврини ўтамоқда. Янги-янги қонунлар қабул қилиниши ва амалдагиларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борилаётгани эса давр талабидир. Бундай вазиятда юз бераётган ўзгаришларга сезгирлик билан қараб, кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш парламент фаолиятининг асосини ташкил қилиши лозим.

Нилуфар Саидахметова юртимизнинг ҳар жиҳатдан тараққий этиши давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепцияда белгиланган ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий тамойилларини, жумладан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонуний ҳимоя қилинишига эришишда, деб билади.

## Атхам НАЗИРКУЛОВ

**Атхам Назиркулов 1966 йили тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Атхам Назиркулов 82-Олмалиқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1990 йили Тошкент халқ хўжалиги институтининг «Пул муомаласи ва кредит» кафедрасида ассистентликдан бошлаган депутатликка номзод 1993-1999 йилларда «Ўздеҳқонсаноатбанк»нинг Пискент бўлими бош мутахассиси ҳамда мазкур банкнинг бошқарувчиси ўринбосари, 1999-2000 йилларда Пискент туман ҳокимининг ўринбосари — статистика бўлими бошлиғи, 2000-2004 йилларда АТ «Пахтабанк» Пул муомаласи бошқармаси бошлиғи, 2004-2005 йилларда АТ «Пахтабанк» Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи, 2006-2007 йилларда мазкур банкнинг бўлим бошлиғи, 2007-2013 йилларда РАТБ «Ғаллабанк»да бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи, бош бошқарма бошлиғи, сўнгра «Ғаллабанк» негизида ташкил этилган АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»да бошқарма бошлиғи лавозимларида ишлаган. Ҳозирги кунда эса «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Кредитлаш ва инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш департаментини бошқармоқда.

Атхам Назиркулов мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган мутахассислардан бири сифатида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлигини таъминлаш, жаҳон тажрибаларига таянган ҳолда пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига барҳам беришга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиб келмоқда. Саноат соҳасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш билан бир қаторда уни диверсификация қилиш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган фан-техника ютуқларига асосланган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар улушини оширишни таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Маълумки, мамлакатимиз тараққиётининг бардавомлиги ёшларимиз қўлидадир. Уларнинг интилиш ва қизиқишларини қўллаб-қувватлаш учун барчамиз масъулмиз, — дейди депутатликка номзод. — Шу боис уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб voяга етишишлари, билим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида олий ўқув юртларига контракт тўлови асосида қабул қилинган ёшларга етарли миқдорда таълим кредитлари ажратиб келинмоқда. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини хусусий бизнесга кенг жалб этиш, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун имтиёзли микрокредитлар ажратилаяпти. Ушбу тажрибанинг янада кенг қўлланилиши тараққиёт йўлидан илдам одимлаётган мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланишини таъминлаш баробарида аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилиши, жойларда кўплаб иш ўринлари ташкил этилиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаши шак-шубҳасиздир.

Атхам Назиркулов бугунги кунда кўплаб ёш тадбиркорларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаб, уларнинг юртимиз тараққиёти учун муносиб ҳиссасини қўшиши орқали партиямиз дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашиб келаётган замондошларимиздан биридир.

## Мухаббат ТОХТАЕВА

**Мухаббат Тохтаева 1963 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1988 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Тошкент вилоятлараро трикотаж базасида товаршуносликдан бошлади. Йиллар давомида пойтахтимиздаги «Ўзтаъмирмаишийтехника» бирлашмаси катта муҳандиси, Мураккаб техника таъминоти корхонаси катта муҳандиси, уй-жой ишлаб чиқариш ва фойдаланиш тресги ҳисобчиси, Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси, туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси, Ғазалкент шаҳар «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари касаба уюшмаси раиси лавозимларида фаолият кўрсатган.

2010 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати — Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш қўмитаси аъзоси.

— O`zLiDeP дастурида тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилиши, балки амалиётда унга риоя қилиниши кераклиги алоҳида қайд этилган, — дейди М.Тохтаева. — Ана шундан келиб чиққан ҳолда сайловолди дастуримдан ўрин олган устувор вазифалардан бири сифатида қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратяпман. Зеро, судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим шартларидан биридир. Шу мақсадда тадбиркорлик субъектларининг туман, шаҳар хўжалик судлари ёрдамидан фойдаланиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш, хўжалик судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда мавжуд ишларни кўриш жараёнини аудио ва видео воситалар билан қайд қилиб бориш, суд қарорларини уларнинг расмий веб-сайтларида электрон шаклда эълон қилиш тизимини йўлга қўйишни таклиф этяпман.

Меҳнатсевар, ташаббускор, доимо янгиликка интилиб яшовчи М.Тохтаева, шунингдек, жиноий, маъмурий қонунчиликни либераллаштириш жараёнларини давом эттириш, жамият учун хавфи катта бўлмаган ва жиддий оқибатларга олиб келмайдиган айрим иқтисодий жиноятлар бўйича жавобгарликни либераллаштириш зарур, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, муддати ўтиб кетган товарларни сақлагани ва сотгани учун жиноий жавобгарликни, агар улар истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавф туғдирмаса, декриминаллаштириш, уларнинг ўрнига ҳуқуқбузарликларни содир этгани учун маъмурий жавобгарлик белгилашни таклиф этмоқда.

Шунингдек, номзод ўз дастурида ҳакамлик судлари институтини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий низоларни тартибга солишнинг муқобил, суддан ташқари шаклларини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан, судгача тартибга солиш мажбурий бўлган яраштирув институтини янада такомиллаштириш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишини баён этган.

Мухаббат опанинг камтарин ва ташаббускорлиги гап-сўзларидан билиниб туради. Депутатликка номзоднинг ана шу хислатларини ҳам ибрат қилиб кўрсатиш мумкин.



**Мухаббат Тохтаева 80-Бўстонлиқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Зеро, у Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги беш йиллик меҳнат фаолиятида ўз салоҳияти ва яхши фазилатларини намоён этди.

Умуман олганда, халқ билан ҳамнафас бўлиш, уларнинг манфаатлари йўлида сидқидилдан хизмат қилиш Мухаббат Тохтаеванинг олий мақсадидир.

## Азиз НИЗАМОВ

**Азиз Низамов 1980 йили Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2001 йили Тошкент Молия институтини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**

Азиз Низамов меҳнат фаолиятини 2001 йили акциядорлик-тижорат «Тадбиркорбанк» Тошкент вилояти Келес филиалининг ҳисобчилик бўлимида назоратчи-ҳисобчи лавозимидан бошлаган. Кейинчалик мазкур банкда бош мутахассис, мини-банк бўлими бошлиғи, кредитлаш бўйича бўлим бошлиғи, бош ҳисобчи ўринбосари, бош ҳисобчи бўлиб ишлаган. 2006 йилда Президентимиз фармонига мувофиқ «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки ташкил этилгач, шу банкнинг Тошкент вилояти Келес филиали бошқарувчиси, 2012 йилдан эса «Микрокредитбанк» Тошкент вилоят филиали бошлиғи, 2014 йил сентябрь ойидан эътиборан «Микрокредитбанк» бошқаруви раиси ўринбосари лавозимида ишлаяпти.

Депутатликка номзод 2011-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олди. Академияда магистрлик диссертациясини ҳимоя қилганлиги ҳам диққатга лойиқ.

Жамоадошлари, ҳамкасблари унинг кўплаб фазилатлари банкда ишлаш мобайнида янада сайқал топгани, шунингдек, назарий билимларини амалий иш жараёнида қўллаб, муайян муваффақиятларга эришганини эътироф этадилар. Ўзи устида қунт билан ишлаши, қолаверса, устозларининг маънавий мадади шарофати билан банк соҳаси бўйича республикамиздаги етук мутахассислардан бири бўлиб етишди. Шу билан бирга А.Низамов O`zLiDeP дастурий мақсад ва ғояларини аҳоли турли қатламлари орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳам фаол иш олиб бораяпти.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик, фермерликнинг қўллаб-қувватланаётгани, қулай ишбилармонлик муҳити яратилаётгани ижобий натижалар бераяпти, — дейди А.Низамов. — Эътибор беринг-а: бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир маҳалласида ўнлаб тадбиркор, фермер бор. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларда Президентимизнинг илк фармони ҳам мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида эди. Ўзбекистонда бугунги кунда 500 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаяпти. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички бозорни тўлдираяпти, балки экспорт ҳам қилинмоқда. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янгиланиш ва модернизациялаш жараёнлари жамиятнинг барча жабҳалари қатори банк-молия соҳасида ҳам ўзининг ёрқин инъикосини топмоқда. Бу эса, табиийки, юртимизни янада равнақ топтириш, хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, халқимиз турмуши фаровонлигини ҳар қандай шароитда ҳам барқарор юксалтириб боришга хизмат қилаётир.



**Азиз Низамов 83-Паркент сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Номзоднинг сайловолди дастурида юртдошларимиз турмуш сифатини янада яхшилашга қаратилган қатор таклифлар баён қилинган. Чунончи, А.Низамов молия-банк тизимини янада либераллаштириш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, уларнинг маблағларини самарали инвестицияларга айлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, айни вақтда иқтисодиётнинг бошқа инфраструктуравий институтлари – лизинг, консалтинг, маркетинг, суғурта сингари тузилмаларини ривожлантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

## Дониёр АБДУКАДИРОВ

**Дониёр Абдукадиров 1981 йили Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**



**Дониёр Абдукадиров 81-Зангиота сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Иш фаолиятини 2002 йилда Тошкент шаҳар хўжалик судининг назоратчиси лавозимидан бошлаган. 2004-2012 йиллар давомида Тошкент шаҳар хўжалик судининг котиби ва маслаҳатчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девони юридик бўлими катта референти, Тошкент шаҳридаги «Poytaxt huquqiy markazi» адвокатлик бюросининг адвокати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Девони юридик бўлимининг катта референти, бўлим мудирининг ўринбосари вазифаларида хизмат қилди. Тошкент давлат юридик институтининг «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» кафедраси тадқиқотчиси сифатида «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг қонунчилик ташаббуси» мавзуида изланишлар олиб бориб, 2011 йилда юридик фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. 2012 йилдан ҳозирга қадар Тошкент шаҳар хўжалик судининг судьяси лавозимида ишлаб келмоқда.

Д.Абдукадиров қонунийлик ва одиллик мезонларига қатъий амал қилади. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлаб чиқарувчилар ва тайёрловчилар ўртасида юзага келадиган низолар, томонлар ўртасидаги ўзаро олди-сотди муносабатлари, маҳсулот тайёрлаш, уни сотиш, ижара, товар белгиси билан боғлиқ ҳолатлар, шунингдек банкротлик, солиқ қарздорлигини ундиришга оид масалаларга холисона ёндашиб, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Хўжалик-процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳал этиб келмоқда. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли ўртасида оилавий тадбиркорликни кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини сайёр суд мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар орқали жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш борасида куч-ғайратини аямаётир.

Депутатликка номзод ўз сайловолди дастурида Ўзбекистоннинг дунёдаги мавқеини ошириш, барча соҳада қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича, эркин демократик жамиятни шакллантириш учун инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, судларнинг мустақиллиги ва холислигини амалда таъминлаш, хўжалик судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш катта аҳамиятга эгадир.

— Гап мулкдорлар, тадбиркорлар, фермерлар ва ишбилармонларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларига қаратилган қонунчилик амалиётини янада такомиллаштириш хусусида кетар экан, бунинг учун, энг аввало, ҳакамлик судлари институтини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий низоларни тартибга солишнинг муқобил, суддан ташқари шаклларини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан, судгача тартибга солиш мажбурий бўлган яраштирув институтини янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир, — дейди депутатликка номзод.

У ўз ишига масъулиятли ёндашуви ва шахсий сифатлари билан жамоа ўртасида катта ҳурмат қозонган. Суд мажлисларида хўжалик низоларини кўриш жараёнида адолат ва қонунчилик меъёрларидан келиб чиқади. Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлар, товар ишлаб чиқарувчилар, тайёрловчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида изчиллик билан фаолият юритмоқда.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ!**

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Виктор ПАК

**Виктор Пак 1958 йили Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. Гидромелиоратив қурилиш институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**

Иш фаолиятини Наманган шаҳридаги сув хўжалиги корхонасида бошлаган. 1981-1988 йилларда Наманган машинасозлик заводида слесарь шогирдлигидан цех бошлиғигача бўлган вазифаларда меҳнат қилган. 1989-2012 йилларда «Электротерм» уюшмасида бўлим бошлиғи, бош технолог ўринбосари, бош муҳандислик қилган.

— Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйишга катта эътибор қаратилгани, ишбилармон юртдошларимизга қулай имтиёзлар яратиб берилгани мамлакатимиз иқтисодиётининг нисбатан қисқа муддатларда оёққа туриб олишини таъминлади, — дейди депутатликка номзод. — Мен ҳам ана шу имкониятлардан фойдаланиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланадиган «KARDISE» масъулияти чекланган жамиятни ташкил этдим. 30 нафардан ортиқ касбини ардоқловчи, қўли гул ёш қурувчилардан иборат жамоамиз тез орада довруқ қозонди. Ўша кезларда оддий ишчи бўлиб ишлаганларнинг кўпчилиги кейинчалик қурилиш соҳасида ўз бизнесини йўлга қўйдилар ва айни пайтда ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этиб келмоқдалар. Виктор Николаевич жамоат ишларида ҳам доимо фаол қатнашади.

— Ўзбекистонни она Ватаним деб биламан, — дейди Виктор Пак. — Бекободда туғилиб, ўзбеклар орасида ўсганим, кўп ҳолларда уйда ўзбекча гаплашганимиз, тўй-ҳашамларда югуриб-елиб хизмат қилган дамлар ҳамон эсимда. Раҳматли отамнинг шу Ватанни муқаддас билинглар, бу юрт одамларидек бағри кенг, кўнгли очиқ, меҳмондўст халқни тополмайсизлар. Қийин кунларимизда бағрига олган одамлар олдидаги қарзимизни сизлар узинглар, деган сўзлари ёдимдан чиқмайди. Улғайиб, ўзим ҳам уйли-жойли, фарзандли бўлгач, отамнинг сўзлари мағзини чақа бошладим. Ҳар ким ҳам Ватан деган сўзни ўзи туғилиб ўсган юртда бaралла айтсин экан. Мен шу юртда туғилиб, эмин-эркин вояга етдим. Отамнинг ўгитлари, юракдан айтган сўзларини энди мен фарзандларимга такрор ва такрор айтаяпман.

Хизмат сафари билан кўп давлатларда бўлдим. Қаерга бормай, ўзбек шоири Муҳаммад Юсуфнинг ёзганидек, хорижнинг кўркам шаҳарлари-ю, минорларини бу юртнинг бедапоясига алишгим келмайди. Фарзандларим ҳам бугун эл хизматида. Катта ўғлим Николай «KARDISE» масъулияти чекланган жамият раҳбари бўлса, кичиги Дмитрий корхонанинг архитектори. Иккаласи ҳам олий маълумотли. Вақти-вақти билан ишларидан хабар олиб тураман.

Виктор Николаевич 2010 йилдан 2012 йилгача Ўзбекистон Республикаси корейс маданий марказлари уюшмасининг кенгаши аъзоси ва марказ раисининг ўринбосари, 2012 йилнинг май ойидан эса Ўзбекистон Республикаси корейс маданий марказлари уюшмаси раиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистонда яшовчи корейс миллатига мансуб фуқароларни, айниқса, ёшларни Ватанга садоқат, ўзбек ва корейс халқларининг азалий тарихий мероси, анъаналарини ҳурмат қилиш,



**Виктор Пак**
**84-Тўйтепа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳиссасини қўшиб келаяпти.

Халқлар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик, ўзаро бағрикенгликни таъминлашдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, «Дўстлик» ордени билан тақдирланган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 ва 20 йиллиги эсдалик нишонлари соҳиби.

## Дилфуза АБДУМАЛИКОВА

**Дилфуза Абдумаликова 1971 йили Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1993 йилда 1-Тошкент давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Дилфуза Абдумаликова**
**85-Чиноз сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Бошловчи шифокор меҳнат фаолиятини 1993 йилда Янгийўл шаҳар шифохонасида гинекологликдан бошлади. 1994-2014 йиллар давомида Чиноз тумани марказий поликлиникаси акушер-гинекологи, Сайҳунобод тумани аёллар маслаҳатхонаси, Чиноз тумани марказий шифохонаси тез гинекология тиббий ёрдам бўлими шифокори, «Олмазор» қишлоқ врачлик пункти акушер-гинекологи, «Чиноз ультра мед сервис» хусусий корхонаси раҳбари, «Янги Чиноз» қишлоқ врачлик пункти акушер-гинекологи вазифаларида фаолият кўрсатган.

2014 йилдан ҳозирги вақтгача «Чиноз ультра сервис» хусусий корхонаси раҳбари лавозимида ишлаб келмоқда.

Аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини ошириш O`zLiDeP дастурий ғояларининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки улар нафақат фарзандлари тарбиячиси, оила меҳригиёси, балки депутат, муаллим, мураббий, шифокор, олима, уй бекаси сифатида юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, янгиланишларда ҳам фаолдирлар.

— Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказишдек улуғвор вазифаларни амалга оширишда юксак натижаларга эришилмоқда, — дейди депутатликка номзод. — Бугун юртимизда илғор замонавий соғлиқни сақлаш тизими шаклланди, дея бемалол айта оламиз. Мавжуд тиббий хизмат сифати замонавий андозалар даражасида эканлигини нуфузли халқаро ташкилотлар тан олаётгани бунга яққол далил бўла олади. Шифокорларимиз халқаро тиббиёт амалиётидаги энг сўнгги ютуқлар, тажрибаларни ўзлаштирмоқда. Ҳатто энг чекка ҳудудларда фаолият олиб бораётган қишлоқ врачлик пунктларида ҳам аҳоли репродуктив саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш имкониятлари мавжуд. Буларнинг бари мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотларнинг амалий самарасидир. Мен ҳам ўз сайловолди дастуримда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратдим.

Депутатликка номзод O`zLiDeP дастурий ғоя ва мақсадларидан келиб чиқиб, аёллар салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказиш масаласини давлат аҳамиятига молик энг муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблайди.

— Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этадиган хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, аёл зотини эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини оширишга катта эътибор қаратилди. Уларнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилаётгани юртимизнинг янада гуллаб-яшнашини таъминлаши шубҳасиз, — дейди партия фаоли. — Шундай экан, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган қарор ва дастурларнинг амалга оширилишига айнан биз, фаол аёлларнинг энг муҳим вазифасига айланмоғи лозим. Агар депутатликка сайлансам, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этиш ниятидаман.

## Мукарам РУЗМАТОВА

**Мукарам Рузматова 1967 йили Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1990 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл корхонасида бўёқчиликдан бошлаган депутатликка номзод 1984-2001 йилларда лаборант, муҳандис вазифаларида фаолият кўрсатди. 2001 йилдан цех бошлиғи, технолог-муҳандис сифатида ишлаб келмоқда. Жамоада ўз соҳасини мукаммал эгаллаган мутахассис изланувчанлиги, тадбиркорлиги билан ҳам ажралиб туради. Касбдошлари орасида айнан ушбу хислатлари туфайли ҳам катта ҳурмат ва эътибор қозонган. O`zLiDeP аъзоси сифатида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини жамоадошлари ўртасида кенг тарғиб қилиш, партиявий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Мукарам Рузматова феълига хос қизиқувчанлик, йиллар ўтган сайин мукамаллашиб халқ манфаати, Ватан фаровонлиги каби улуғвор тушунчаларга айланди. Ўзининг жонкуярлиги боис эл назарига тушган номзод бозор иқтисодиёти шароитида жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси уддабурон, тадбиркор бўлмоғи зарур деб билади. O`zLiDeP аъзоси сифатида аҳоли ўртасида партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, опа-сингилларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат шароитларини янада яхшилаш борасида кўплаб жўяли таклифлари билан жамоатчилик орасида катта обрў-эътибор қозонгани боиси ҳам ана шунда.

— O`zLiDeP илгари сураётган ғоялар аввало фарзандларимизда тадбиркорлик кўникмаларини ҳосил қилиш, шу орқали ҳар бир оиланинг фаровонлигига эришиш каби вазифалар билан узвий боғлиқдир, — дейди партия фаоли. — Энг муҳими, бу ғоялар бугун ҳар бир аёл, ҳар бир она қалбидаги истак билан уйғун келаётганлиги аҳамиятлидир.

Эл-юрт манфаати учун елиб-югуришни ўзининг шарафли бурчи, деб билган Мукарам Рузматованинг сайловолди дастурида йирик саноат корхоналари билан касаначилик ўртасида кооперация алоқаларини янада кенгайтириш орқали хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларнинг оила бюджетига ҳисса қўшишлари учун имконият яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Депутатликка номзоднинг фикрича, оилалар фаровонлиги, жамият тараққиётига хизмат қилмайдиган тартиб-қоидалар мунтазам равишда мониторинг қилиб борилиши зарур. Чунки бугунги тезкор давр талаби ҳамиша изланиб яшаш ва ишлашни талаб этади.

— Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, уни диверсификация қилиш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган фан-техника ютуқларига асосланган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, юксак технологиялар билан қуролланган корхоналар улушини оширишни назарда тутадиган сиёсатни олиб бориш, давр талабидир, — дейди депутатликка номзод. — Шу боис қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш, экспортга йўналтирилган ишлаб



**Мукарам Рузматова**
**86-Чирчиқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантиришни қўллаб-қувватлаш нафақат соҳа мутасаддилари, балки иқтисодиётга оид қонун ижодкорлигига масъуллар учун ҳам дастуриламал вазифага айлансагина, жамият тараққиётга юз тутади. Мустақиллик шарофати билан дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишдек мақсадимиз ижобати янада тезлашади.

## Мурод НАСИРОВ

**Мурод Насиров 1974 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Маълумоти олий. 1998 йилда Тошкент давлат техника университетини тамомлаган**

Меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳридаги 2-сонли полиграфия касб-ҳунар коллежида ёшлар ташкилоти котиби вазифасидан бошлаган. 1997-1999 йилларда «Иқтисод янгиликлари агентлиги» масъулияти чекланган жамият менежери, кейинчалик «Маслакдош» консалтинг компаниясига қарашли «Таклиф» газетаси директори, «СТВ телекомпанияси» МЧЖда етакчи мутахассис, «Иқтисод янгиликлари агентлиги» масъулияти чекланган жамият директори, «Чинор» экологик нашриёт компанияси директори вазифасини бажарувчиси, бош директори, 2005-2006 йилларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Фан-техника тараққиёти, экологик тарғибот-ташвиқот бўлими мудири лавозимларида ишлаган. 2006 йилдан бери «Чинор» экологик нашриёт компанияси раҳбаридир.

Депутатликка номзод мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини теран ҳис этади. Хусусан, у ўз фаолияти давомида жаҳон ҳамда минтақамиз миқёсида долзарб аҳамият касб этаётган экологик вазият ва уни барқарорлаштириш масаласига жиддий эътибор қаратмоқда. Атрофига соҳа мутахассислари, малакали журналистларни тўплаб, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда экологик ташаббусларга оид янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришда бош-қош бўлаяпти. Нашриёт қошида экожурналистларни тайёрлашга йўналтирилган «Ёзги академия» фаолият юритмоқда. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мавзуига оид энг яхши журналистик асарларни рағбатлантиришга қаратилган «Қоплон» кўрик-танлови бугун ёшлар орасида кенг оммалашган, десак хато қилмаймиз.

Номзод саъй-ҳаракати билан ташкил қилинган экологияга оид кўплаб интернет нашрлари (Econews.uz, greenergy.uz, waste.uz, agronews.uz, tabiatnoma.uz сайтлари) аҳолининг экологик билими ва маданиятини ошириш, мамлакатимизда миллий ахборот ресурсларига бўлган талаб-эҳтиёжни қондиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Шубҳасиз, бу каби ибратли ташаббуслар жойларда ўз акс-садосини бермоқда.

— Олимлар экология, иқлим ўзгариши оқибатида яқин келажакда Ер юзидаги ўсимлик ва ҳайвонот турларининг 15 фоиздан 40 фоизигача йўқолиши мумкинлигини башорат этмоқдалар, — дейди O`zLiDeP фаоли. — Бундай фалокатдан холи бўлган бирорта мамлакат йўқ. Агар барчамиз бир ёқадан бош чиқармасак, экологик ўзгаришлар янада жиддий оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Инсон ўзини табиатдан айри тасаввур қилолмайди. Фарзандларимизга мурғаклигидан экологик маданиятни онгига сингдирсак, нур устига аъло нур бўларди. Биз ташкил этган интернет нашрлари айни шу ғояларни кенг тарғиб қилиш, она-табиатни асраш ва унинг бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланишга йўналтирилганлиги билан жуда муҳимдир.



**Мурод Насиров**
**87-Қибрай сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Мен ўз сайловолди дастуримда мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш, бу борадаги муаммоларни ички имкониятлар орқали ҳал этиш, она-табиат бойликларини келгуси авлодга бус-бутунлигича қолдириш, мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида яшил арчазорларни кенгайтириш, экологик мусаффоликни сақлаш билан боғлиқ таклифларимни илгари сурганман. Ўйлайманки, улар кўп сонли сайловчиларимизни бефарқ қолдирмайди.

## Расул КУШЕРБАЕВ

**Расул Кушербаев 1987 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Оилали, бир нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 2007 йилда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Тошкент вилояти кенгашида Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири вазифасидан бошлаган. Кейинчалик O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгашининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими етакчи консультанти — депутатлик бирлашмалари билан ишлаш гуруҳи раҳбари, Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири лавозимларида меҳнат қилган. 2013 йилнинг январь ойидан буён Янгийўл тумани «Янгийўл» ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири лавозимида хизмат қилмоқда.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, Президентимиз таъкидлаганларидек, биринчи навбатда, сиёсий партияларнинг етуклик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғлиқдир. O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилишга оид қонунларни янада такомиллаштириш, хусусий мулк устуворлиги ва ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ устувор вазифалар ўз ифодасини топган.

Бугунги ислоҳотлар жараёнида оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, соҳага рақамли ахборот технологияларини кенг жорий этиш, журналистларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириш, аҳоли билан тўғридан-тўғри интерактив алоқалар ўрнатиш муҳим аҳамият касб этиши ўз-ўзидан маълум. Шундан келиб чиқиб, депутатликка номзод давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари муассислигидаги оммавий ахборот воситаларини босқичма-босқич қисқартириш орқали бозор ислоҳотлари талабларига мос, фуқароларнинг ахборотга бўлган ҳар қандай эҳтиёжини қондиришга қодир, ихтисослашган матбаа нашрлари фаолиятини йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблайди.

Р.Кушербаев изланувчан ва ташкилотчи раҳбар сифатида ҳам эътибор қозонган. Янгиликка интилиш, илғор ғояларни олға суриш унинг табиатига хосдир. Масалан, туман газетаси илгари оқ-қора тасвирда 4 саҳифада босилган бўлса, 2013 йилдан бошлаб 8 саҳифали рангли кўринишда чоп этилмоқда. Эълон қилинаётган мақолалар мавзу ва мазмун жиҳатдан газетхонлар эътиборини қозонаётгани боис газета тиражи ортиб бормоқда. 2013 йилда «Янгийўл» газетаси республика миқёсида ўтказилган «Энг яхши ижтимоий-сиёсий нашр» кўрик-танлови ғолиби бўлди.

Депутатликка номзод ўз сайловолди дастурида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар жараёнини янада чуқурлаштириш мақсадида қуйидагиларни таклиф этади:

— муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этишда ҳокимият вакиллик органлари ролини кучайтириш, марказий давлат органлари фаолиятига тегишли бир қатор ваколатларни маҳаллий ҳокимият идоралари ва жамоат тузилмаларига босқичма-босқич ўтказиш;



**Расул Кушербаев**
**88-Янгийўл сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

— фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, иқтисодиётни бошқариш тизимини либераллаштириш, бу борадаги вазифаларни амалга оширишга қодир бўлган малакали мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтириш;

— «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципи асосида ижро ҳокимияти фаолиятининг очиқ-ошкорлигини таъминлаш, фуқаролар олдида маҳаллий ҳокимият вакилларининг доимий ҳисоб бериб боришини йўлга қўйиш.

Шу билан бирга оммавий ахборот воситалари фаолиятига рақамли ахборот технологияларини кенг жорий этиш, журналистларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириш учун нодавлат ОАВ фаолиятини кучайтириш, фуқаролар билан тўғридан-тўғри интерактив алоқалар ўрнатишни йўлга қўйиш ҳам номзод илгари сураётган муҳим таклифлардир.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ!**

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Собир ХАСАНОВ

**Собир Хасанов 1977 йили Тошкент вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1999 йилда Тошкент давлат аграр университетини, кейинчалик Тошкент давлат юридик институтини, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Оилали, 2 нафар фарзанди бор**



**Собир Хасанов**
**89-Дўстобод сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳузуридаги «Ўзинкоммарказ»да 1-тоифали мутахассис сифатида бошлаган. 2001-2013 йилларда ушбу ташкилот етакчи мутахассиси, референт-ёрдамчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Матбуот котиби хизматининг етакчи мутахассиси, Президент девони Ташкилий-назорат раҳбари хизматининг иш юритувчиси, Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси молия-иқтисодиёт бўлими бошлиғи, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва қишлоқда бозор инфратузилмаси бўлими раҳбари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодий таҳлил қилиш ва прогнозлаш бўлими бошлиғи, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари вазифаларида хизмат қилган. 2013 йилдан буён Тошкент вилояти статистика бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти босқичма-босқич ривожланиб бораётганлиги ҳар биримизда фахр ва ифтихор туйғусини уйғотади. Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8 фоиздан ортиқни ташкил қилаётгани нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда, — дейди депутатликка номзод. — Статистик маълумотларга қараганда, 1996-2014 йиллар давомида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 5 фоизгача, яъни етти бараварга пасайтирилган. Бунинг самараси ўлароқ, айни пайтда ялпи ички маҳсулот ҳажмида хусусий секторнинг улуши 55 фоиздан ошди.

O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида мамлакатда қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш орқали иқтисодиётга киритиладиган хусусий сармоялар ҳажмини янада кенгайтириш билан боғлиқ аниқ вазифалар белгиланган. Биз шу партия вакили сифатида янги инвестициявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда тайёрланмайдиган асбоб-ускуналар, материаллар ва бутловчи қисмлар импортини солиқ ва божхона имтиёзлари орқали қўллаб-қувватлаш ҳисобига маҳаллий саноатни жадал суръатда ривожлантириш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шу мақсадда партия амалдаги қонунчиликка бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоя асосида барпо этилган корхоналар учун солиқ қонунчилигининг ишончли ва барқарор бўлишини таъминлаш лозим. Чет эл инвестицияларини саноатнинг юқори технологияларга асосланган қайта ишлаш тармоқларига тўғридан-тўғри жалб этишни рағбатлантириш, хорижлик таъсисчилар, раҳбар ва муҳандислар таркиби учун виза олиш шартларини янада соддалаштириш жуда муҳимдир.

Бир сўз билан айтганда, номзод томонидан соғлом рақобатни ҳар томонлама рағбатлантириш, монополияга қарши кураш, барча соҳада қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва амалдаги қонунларнинг ижроси устидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар мажмуи таклиф этилмоқда.

С.Хасанов долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни тизимли ҳал этиш тарафдоридир. Шу боис ўз сайловолди дастурида иқтисодиётнинг асосий тармоқларини тубдан ислоҳ қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштириш, маҳаллий саноатни модернизациялаш орқали иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмини янада ошириш, янги транспорт йўлакларини шакллантириш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига барҳам бериш, тизимли солиқ-бюджет сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларга кенг ўрин ажратган.

## Одинахон ЖАМОЛДИНОВА

**Одинахон Жамолдинова 1970 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1992 йили Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**



**Одинахон Жамолдинова**
**92-Яйпан сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Орзулари бисёр қизнинг вақти келиб устозлари сингари моҳир педагог сифатида келажак авлодга таълим-тарбия беришга сидқидилдан чоғланишида муаллимларнинг самимий муносабати сабаб бўлган. Қалбдаги истак уни Фарғонадан пойтахтга, тўғрироғи, ўша пайтдаги Тошкент вилоят педагогика институти томон чорлади. 1992 йили мазкур илм даргоҳини аъло баҳоларда тамомлаган ёш мутахассис меҳнат фаолиятини ўзи таҳсил олган олий масканда ўқитувчиликдан бошлади.

Иш билан бирга ўқиш ва изланишдан тўхтамаган О. Жамолдинова бугунги кунда педагогика фанлари номзоди, доцент сифатида кўпчилик шогирдларининг соҳа йўналишидаги илмий изланишларига бош-қош.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори лавозимида ишлаб келаётган Одинахоннинг меҳнат фаолиятидаги ютуқларига қиёсий назар ташланса, изланувчан олиманинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаш билан бирга, оилада севимли рафиқа, меҳрибон ва талабчан она экани ҳам сезилиб туради.

Турмуш ўртоғи билан туташ йўллар уни Жиззахга етаклаган йиллар ҳам унинг меҳнатда тобланиши, ўз устида кўпроқ ишлашига имкон яратди. 1998-1999 йиллар давомида Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси, 1999 йилда вилоят ҳокимлигида оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича етакчи мутахассис, Жиззах давлат педагогика институти педагогика кафедраси ўқитувчиси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази Жиззах вилоят бўлими директори, 2002-2006 йилларда Жиззах давлат педагогика институти «Ёшлар педагогикаси ва психологияси» кафедраси, 2006-2008 йиллар давомида «Мактабгача таълим назарияси ва методикаси» кафедраси мудири вазифаларида ишлаган кезларида илмий-педагогик фаолиятини жамоат ишларидаги қизғин иштироки билан бирга олиб борди. 2008 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари ва «Камалак» болалар ташкилоти раислигига сайланди.

Мустақил сиёсий қарашларга, раҳбарлик тажрибасига эга фидойи юртдошимиз ўзи ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги билан ҳам ажралиб туради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаб етган номзод ўз сайловолди дастурида миллий парламентимиз фаолиятини янада такомиллаштириш, мамлакатни модернизация қилишнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишда ҳокимият вакиллик органлари ролини кучайтириш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасини демократик ва либерал ғояларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини яратувчи марказга айлантириш, босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган давлат идораларининг қатор функция ва ваколатларини маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат тузилмаларига ўтказиш ҳаракатини изчил давом эттириш таклифларини илгари сурамоқда.

— «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» принципини амалга оширишда, энг аввало, фуқаролик жамияти институтларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш, ижро ҳокимияти фаолиятининг шаффофлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади, — дейди депутатликка номзод. — Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодиётни бошқариш тизимини либераллаштириш борасидаги ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилиши зарур. Ана шунда қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан амалга оширилаётган жамоатчилик назоратининг таъсирчанлиги янада ортади.

## Мавлудахон ХОДЖАЕВА

**Мавлудахон Ходжаева 1962 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1985 йилда Тиббиёт педиатрия институтини тамомлаган. Оилали, уч фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 1985 йилда Қўқон шаҳар Болалар шифохонасида врач-педиатр сифатида бошлаган. 1989-2000 йилларда Қўқон шаҳар гўдаклар уйи шифокори, 2000-2004 йилларда Қўқон шаҳар ҳокимининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларида фаолият юритган.

2004 йилдан ҳозирга қадар Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида ишлаб келмоқда.

Бугун Фарғона вилоятида салкам 2 млн. нафарга яқин хотин-қиз истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг 1700 нафардан ортиғи раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ривожланишига муносиб ҳисса қўшяпти. Депутатликка номзод этиб кўрсатилган Мавлудахон Ходжаева қарийб ўн беш йилдан буён ана шу соҳада фаолият юритаётган фарғоналик аёллар томонидан мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишларга бош-қош бўлиб турибди, десак адашмаймиз.

— Мавлудахон Қўқон шаҳар ҳокимлигида ишлаб юрган кезлари кенгашимиз томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда бизга ҳар жабҳада кўмак беришга ҳаракат қиларди, — дейди O`zLiDeP Қўқон шаҳар кенгаши раиси Зулфияхон Мамажонова. — Зеро, айнан унинг саъй-ҳаракатлари билан шаҳарда хотин-қизлар масаласига бўлган эътибор янада ортди. Натижада ҳудудда тадбиркорлик билан шуғулланишни мақсад қилган аёллар сони кўпайди. Бундан ташқари, қўқонликлар Мавлудахоннинг Юртбошимиз раҳнамолигда шаҳримизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган дастурлар ижросини таъминлаш борасидаги иштирокини алоҳида эслайдилар.

У жойларда ёшларнинг бандлигини таъминлаш, одам савдосига қарши курашиш, эрта ва қариндошлар орасида никоҳ тузилишининг олдини олиш, хотин-қизларни спортга жалб этиш, аёллар тадбиркорлиги ва фермерлик ҳаракатларини ривожлантириш каби кўплаб масалалар бўйича амалга оширилган ишларнинг бажарилишини ўз назоратига олди. Айнан М.Ходжаеванинг ташаббуси билан вилоятда қизлар ўртасида «Баҳор маликалари» спорт мусобақасини ўтказиш анъанага айланди. Умуман олганда, фарғоналиклар вилоятда таълим, соғлиқни сақлаш, маданият каби ижтимоий соҳалар бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда Мавлудахоннинг муносиб ҳиссаси борлигини доимо эътироф этадилар.

— Бу ишлар ўзини шу юртнинг асл фарзанди ҳисоблаган ҳар қайси аёлнинг қўлидан келади, — дейди М.Ходжаева. — Ўз мақсади йўлида дадил борадиган, қийинчиликларни мардона енга оладиган, ишбилармон, тадбиркор, фермер опа-сингилларимизни кўрсам, кучимга куч қўшилади. Партиянинг Сайловоди дастурида белгиланганидек, хотин-қизларнинг касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишига кўмаклашиш, бандлик масалаларини ҳал қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш масалаларини ўзимнинг энг бирламчи вазифам этиб белгилаганман.

Бундан ташқари, Мавлудахон Ходжаева ўз сайловолди дастурида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислоҳотларни давом эттириш мақсадида марказий давлат органларидан қатор функция ва ваколатларни маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат тузилмаларига изчил, босқичма-босқич ўтказиб бориш учун ҳаракат қилиш, қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан амалга оширилаётган назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган.



**Мавлудахон Ходжаева**
**90-Бешариқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Олимжон АБДУЛЛАЕВ

**Олимжон Абдуллаев 1980 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1998 йилда Фарғона политехника институтини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Олимжон Абдуллаев**
**93-Қўқон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 2006 йилда Фарғона тумани Табиатни муҳофаза қилиш инспекциясининг 2-тоифали мутахассиси лавозимидан бошлаган. 2008 йилдан эътиборан Фарғона вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Ер, сув, ва номаъдан конлардан фойдаланиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари, 2011 йилдан буён эса мазкур қўмитанинг Ер, сув ва номаъдан конлардан фойдаланиш инспекцияси бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда.

Олимжон Абдуллаевни жамоадошлари, шогирдлари талабчан раҳбар, етук мутахассис, меҳрибон устоз сифатида ҳурмат қиладилар. У ҳар бир ишни ўз вақтида, бекаму кўст бажаришга, асосий иши бўладими ёхуд партиявий, жамоатчилик иши бўладими, барчасига бирдек масъулият билан ёндашишга одатланган.

— Жиддий сиёсий синов — бўлажак сайлов арафасида партиямизнинг ҳар бир аъзосини ғоявий-сиёсий ишларнинг фаол иштирокчиларига айлантириш учун бор имкониятимизни ишга соляпмиз, — дейди депутатликка номзод. — Маҳаллалар, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларда учрашувлар, мулоқотлар ташкил этяпмиз. Танланган йўлнинг афзаллигига одамларни ишонтириш, пухта ва чуқур ўйланган дастур ва режалар ишлаб чиқиш, уларни муваффақиятли амалга ошириш учун кеча-ю кундуз астойдил меҳнат қилишимиз лозим. Шу ўринда сайловолди дастуримнинг мазмун-моҳиятини мухтасар баён этмоқчиман. Маълумки, республикамизда тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйиши учун барча шарт-шароит яратилди. Шундай экан, яна қандай масалаларда улар учун қулайлик ва имтиёзлар яратиш мумкин, деган савол юзага келиши табиийдир. Бу саволга жавоб тариқасида давлатимиз раҳбарининг фикрларини келтириш айни муддаодир. Яъни, холисона таҳлил, ислоҳотларимизнинг мантиқи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда…

О.Абдуллаевнинг таъкидлашича, мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг улуши йилдан-йилга ортиб бораётгани боис иш ҳақи ва аҳоли даромадларининг изчил ўсиши таъминланмоқда. Бироқ мазкур соҳаларда ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам борки, уларнинг тез суръатларда бартараф этилиши, ўрта синф вакилларининг манфаатлари ҳимоя қилинишига қаратилган амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши тақозо қилинмоқда. Ана шундан келиб чиқиб, депутатликка номзод ўз сайловолди дастурига бозор муносабатларини янада ривожлантириш, кредит олиш, ер майдонлари ажратиш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ўз салоҳияти ва имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришлари учун кўмаклашиш каби муҳим масалаларни киритди.

Шунинг баробарида, унинг фикрича, янги иш ўринларини яратиш, ишсизликка қарши курашиш, аввал амбор, ёшларни иш билан таъминлаш ниҳоятда зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Бу масалани ечишнинг асосий йўналишлари сифатида аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларда меҳнатга бўлган иқтисодий манфаатдорликни ошириш, ўзгарувчан бозор конъюнктурасига мослаштирилган малака ошириш ва профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш, шунингдек, қўшимча таълим олиш ва касб ўрганиш соҳасини тубдан яхшилаш асосий, долзарб вазифалар сифатида қаралиши лозим.

## Шухрат ШАРАФУТДИНОВ

**Шухрат Шарафутдинов 1965 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. Саноат институтини тамомлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор**



**Шухрат Шарафутдинов**
**91-Данғара сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1989 йилда Фарғона вилоят сув хўжалиги бошқармасининг сувлардан комплекс фойдаланиш бўлими катта муҳандислигидан бошлаган. 1992-1997 йилларда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида 1-тоифали мутахассис, 1997-2003 йилларда Қўқон туманлараро табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида етакчи мутахассис, 2003-2006 йилларда Ер, сув ва номаъдан конлардан фойдаланиш инспекциясининг бош мутахассиси, 2006-2008 йилларда мазкур инспекция бошлиғи, 2008-2012 йилларда Қўқон шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи, 2012-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Айни вақтда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Давлатлараро барқарор ривожланиш комиссияси илмий-ахборот марказининг раҳбаридир. 2001-2002 йилларда халқаро атроф-муҳит муҳофазасига оид лойиҳада қатнашиб, Германияда малака оширган. 2012-2014 йилларда Норвегия, Бельгия, Жанубий Корея каби ривожланган мамлакатларда ўтказилган атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ семинар-форумларда иштирок этган.

2014 йил март-май ойларида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган махсус курсларда ўқиб, халқаро иқтисодиёт ва дипломатия асосларини ўрганган. Жорий йилнинг апрель ойида Сеул шаҳрида бўлиб ўтган «Корея Республикаси—Марказий Осиё» ҳамкорлик форумида ҳукумат делегацияси таркибида иштирок этган.

Шухрат Шарафутдинов ўз сайловолди дастурида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислоҳотларни давом эттириш мақсадида марказий давлат органларидан қатор функция ва ваколатларни маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат тузилмаларига босқичма-босқич ўтказиб бориш, мазкур органлар фаолиятини янада демократлаштириш орқали уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларига эътибор қаратган. Депутатликка номзод давлат ҳокимияти ва бошқарувини такомиллаштириш учун фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш, иқтисодиётни янада либераллаштиришдек муҳим ишга малакали мутахассисларни жалб этиш тарафдоридир.

— «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципига қатъий амал қилиб, мавжуд қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини янада кенг қўллаш, таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш, жойлардаги Фермерлар кенгашлари фаолиятини кучайтириш, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш ислоҳотлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади, — дейди Шухрат Шарафутдинов. — Малакали мутахассислар, соҳа билимдонларининг оммавий ахборот воситалари орқали билдирган фикр-мулоҳазалари, амалий таклифларини тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий бошқарув органларида муҳокама этиш тажрибасини йўлга қўйиш ҳам жамоатчиликнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этишини таъминлаши шак-шубҳасиздир.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ!**

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Сохибжон ИСМОИЛОВ

**Сохибжон Исмоилов 1963 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1986 йилда Москва гидромелиорация институтини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Сохибжон Исмоилов 94-Бағдод сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Табиатан очиққўнгил ва самимий инсоннинг болалиги кулолчиликда донғи кетган Риштонда ўтди. У меҳнатдан қочмаслиги ва илмга чанқоқлиги туфайли бугунги мартабага эришди. 1980 йилда Риштон туман сув хўжалиги бошқармасида иш бошлаганида меҳнатсеварлик ва ҳалоллик унинг йўлдошига айланди. Шундан сўнг Сўх сув омбори қурилиши дирекциясида муҳандис, 1989 йилгача Ўзбекистон ёшлар ташкилоти Риштон туман қўмитаси бўлим бошлиғи, 1991 йилга қадар мазкур ташкилотнинг Фарғона вилоят қўмитаси ташкилий бўлими йўриқчиси, туман қўмитаси биринчи котиби ва Фарғона вилоят қўмитаси биринчи котиби, «Камолот» ёшлар жамғармаси вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Фарғона шаҳар «ARS» МЧЖ бош директори ўринбосари, «Шеррос» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси менежери, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси «Нефтгаздепозит» шўъба корхонаси Фарғона филиали бошлиғи ва 2010 йилдан ҳозирга қадар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида фаолият юритиб келмоқда.

С.Исмоилов шу кунгача босиб ўтган катта ҳаёт йўлида ўзининнинг талабчанлик, ташаббускорлик, ишни тўғри ташкил этиш қобилиятларини яққол намоён қилиб келмоқда. У депутатлик йиллари давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ўтказилган 10 дан ортиқ назорат-таҳлил тадбирида фаол қатнашди.

— Сайловчилар ранги-рўйимизга ёки эгаллаб турган лавозимимизга қараб эмас, сайловолди дастуримизда белгиланган мақсад ва вазифаларни қай даражада бажарганимизга қараб адолатли баҳони қўяди, — дейди С.Исмоилов. — Зеро, ўтган сайловда O`zLiDeP нима ҳисобидан ғалабага эришган, деган саволга мен, авваламбор, амалий ишлари, аниқ дастури билан, деб жавоб берган бўлардим. Чунки бу партия қисқа давр ичида қандай қилиб халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, Ўзбекистонни тараққий топган давлатлар қаторига қўшиш, иқтисодий юксалишга эришиш мумкин деган масалалар бўйича ўз ғоя ва мақсадларини кўпчиликнинг онггига сингдириб, уларнинг ишончини қозона олди.

Сохибжон Исмоиловнинг дастурида қатор устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, саноат соҳасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, уни диверсификация қилиш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган фан-техника ютуқларига асосланган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган юксак технологиялар билан қуролланган корхоналарни кўпайтириш, иқтисодиётда экспорт салмоғини ошириш, ушбу соҳани рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

С.Исмоилов депутатлар фаолиятининг самарадорлигини кўп жиҳатдан унинг номзодини кўрсатган, қўллаб-қувватлаган, ортида турган партия билан қай даражада ҳамкорлик қилаётганига боғлиқ деб билади. Шу боис у агар депутатликка сайланса, бошланғич ташкилотлардан чиқаётган таклифлар асосида ижтимоий масалаларни депутатлик гуруҳи, доимий комиссия йиғилишлари, сессияларда кўтариб чиқиб, электорат манфаати таъминланишига интилишини маълум қилмоқда.

## Дилноза ЭРГАШЕВА

**Дилноза Эргашева 1982 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2004 йилда Фарғона давлат университетини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**



**Дилноза Эргашева 97-Қўштепа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Депутатликка номзод меҳнат фаолиятини 1997 йили Марғилон шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази иш юритувчиси лавозимидан бошлаган. 1997-1999 йилларда Янги Марғилон шаҳарчаси фуқаролар йиғини мутахассиси, 1999-2001 йилларда халқаро «Экосан» жамғармасининг Марғилон шаҳар бўлими мутахассиси, 2001-2005 йилларда шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази бош мутахассиси, раҳбар ўринбосари, 2005-2010 йилларда Марғилон академик лицейи ўқитувчиси, маънавият бўлими мудири, шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи 1-тоифали мутахассиси, 2010 йилдан Республика «Маънавият тарғибот маркази» Марғилон шаҳар бўлимининг раҳбаридир.

Маънавият тарғиботчисининг ёшлар онгида миллий ғоя ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, уларни менталитетимизга ёт қарашлардан ҳимоялашга қаратилган лойиҳалар доирасидаги амалий ишлари марғилонлик ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, юртга, Ватанга содиқ инсонлар бўлиб етишишларида катта ўрин тутмоқда. Унинг ташаббуси билан ўтказилаётган «Энг буюк жасорат — маънавий жасорат», «Маҳаллам тарихини ўрганаман», «Огоҳлик — давр талаби», «Тинчлик, осойишталикнинг қадри бебаҳо» каби мавзулардаги тадбирлар қизиқарли ва ҳаётийлиги билан ажралиб туради.

Инсон манфаатлари доимий устувор юртимизда ҳеч бир хизмат бесамар кетмайди. Дилноза Эргашеванинг 2011 йили «Энг яхши маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг ғолиби сифатида эътироф этилгани унинг меҳнатларига муносиб баҳо бўлди.

Депутатликка номзоднинг O`zLiDeP фаоли сифатида олиб бораётган ишлари ҳам диққатга сазовор. У партия дастурий ғояларини омма орасида кенг тарғиб этиш билан бирга жойларда янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга яқиндан кўмак бериш, оила бекалари учун уй меҳнатини йўлга қўйишдаги ибратли ишлари билан марғилонликлар меҳр-эътиборини қозониб келаяпти.

— Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси қисқа давр ичида ўз атрофига кўплаб ташаббускор, тадбиркор инсонлар, иқтисодиёт, ҳуқуқ соҳасининг етук мутахассислари, ташкилотчилик қобилиятига эга етакчи инсонларни жамлай олди, — дейди Д.Эргашева. Улар либерал ғояларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш баробарида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали партиямиз танлаган йўлнинг жамият тараққиёти, мамлакат ривожи учун нечоғли аҳамиятли эканини амалда исботлаб келмоқдалар.

Депутатликка номзоднинг сайловолди дастуридан баркамол авлодни вояга етказиш масалаларининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш вазифалари асосий ўрин эгаллаган. У, шунингдек, аҳоли реал даромадларини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи усулларини кенгроқ жорий этиш тарафдори ҳамдир. Мамлакатимизда парламентаризм фаолиятини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг энг муҳим масалаларини ҳал қилишда маҳаллий бошқарув органлари ролини кучайтириш, парламентни демократик ва либерал ислоҳотларнинг ҳақиқий етакчи кучига айлантириш масалаларига доир таклифлар ҳам дастурда ўз аксини топган. Сўз ва эътиқод эркинлиги, матбуот ошкоралигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллиги, эркинлигини мустаҳкамлаш, соҳага рақамли ахборот технологияларини кенг жорий этиш каби масалаларда қатъий фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан жамоатчилик эътиборини қозониб келмоқда.

## Иброхимжон УМАРОВ

**Иброхимжон Умаров 1957 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1982 йилда Тиббиёт педиатрия институтини тамомлаган. Оилали, беш нафар фарзанди бор.**

Меҳнат фаолиятини 1982-1987 йилларда Фарғона шаҳар, сўнгра вилоят болалар шифохоналарида бошлаган депутатликка номзод 1987-1989 йилларда Андижон давлат медицина институтида клиник ординатор бўлиб ишлаган.

Малакали шифокорнинг кейинги фаолияти бевосита Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази билан боғлиқдир. И.Умаров айни пайтда мазкур шифо масканининг чақалоқлар ва болалар хирургияси бўлими мудиридир. Иброхимжон Умаров қаерда ва қайси вазифада ишламасин, касбига содиқлиги билан кўпчилик эътиборини қозониб келаяпти. Йигирма йилдан зиёд вақт мобайнида болажонлар дардига малҳам топиб, минглаб хонадонга қувонч олиб кирди.

— Кун сайин ривожланиб бораётган тиббиёт соҳасидаги янгиликларни ўзлаштириб бориш ва амалиётда қўллаш учун тинимсиз ўқиб-ўрганиш, малака ошириш талаб этилади, — дейди депутатликка номзод. — Бу, айниқса, бевосита инсон соғлиги билан боғлиқ соҳа вакиллари учун ўта муҳим талабдир.

Иброхимжон Умаровнинг ҳамкасблари уни касбининг моҳир билимдони эканлиги учун қанчалар ҳурмат қилсалар, самимий инсон, меҳрибон устоз сифатида ҳам шунчалик қадрлайдилар. 2010 йилда соҳанинг нуфузли мукофоти — 1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланганини эса унинг мамлакат миқёсида эътироф этилганидан далолатдир.

— Жорий йилнинг Президентимиз таклифи билан «Соғлом бола йили» деб номланиши ва шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури, «Саломатлик-1», «Саломатлик-2», «Саломатлик-3» лойиҳалари асосида аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш учун катта миқдорда маблағ ажратаётган давлатлар бармоқ билан санарлидир, — дейди таниқли шифокор. — Юртимизда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани эса мамлакатимизда кўплаб хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилишига имконият яратди. Буларнинг барчаси юртимизда инсон саломатлигига биринчи даражали эътибор берилаётганидан далолатдир.

Депутатликка номзоднинг сайловолди дастурида ҳам соҳани янада ривожлантиришга оид бир қатор таклифлар мавжуд бўлиб, улар O'zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар, устувор йуналишлар билан ҳамоҳангдир. Чунки бугунги глобаллашув даврида тиббиётни мунтазам ислоҳ этиб бориш, соҳага янги-янги технологияларни жорий этиш, ҳудудларда хусусий клиникалар очиш ва янги иш ўринлари яратиш каби ғояларсиз замон билан ҳамқадам яшаб бўлмайди! Шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Соғлом авлод учун», «Қизил ярим ой», «Кўзи ожизлар жамияти» сингари нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига ёрдамлашиш ва уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт, таълим, фан, маданият ходимларининг ижтимоий мавқеини ошириш каби масалаларга ҳам дастурдан кенг ўрин ажратилган.



**Иброхимжон Умаров 95-Риштон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Иброхимжон Умаровнинг мақсади депутат сифатида фақат қонун ижодкорлиги билан шуғулланишгина эмас. Сайловчилари билан мунтазам очиқ мулоқотда бўлиб, электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, мавжуд муаммолар ечимини излаш баробарида аҳоли тиббий саводхонлигини ошириш, қишлоқ жойларда оилавий корхоналар очиш орқали фуқароларни иш билан таъминлашга ҳисса қўшишни ҳам ўзининг бурчи деб билади.

## Акрамхон АВЛИЁХОНОВ

**Акрамхон Авлиёхонов 1976 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтини тамомлаган. Оилали, бир нафар фарзанди бор**



**Акрамхон Авлиёхонов 98-Марғилон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзод этиб рўйхатга олинган**

1996 йилдан 2013 йилгача «Камолот» ЁИҲ Бағдод туман кенгашида маънавий-маърифий, фан, маданият ва ёшларни соғломлаштириш бўлими мудири, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош мутахассиси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ер, сув ва номаъдан конлардан фойдаланиш инспекцияси 1-тоифали мутахассиси, Марғилон шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи вазифаларида ишлаган. Айни пайтда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосаридир.

Меҳнат фаолияти давомида ўз иқтидорини намоён эта олган А.Авлиёхонов «Камолот» ЁИҲ туман кенгашида ишлаган даврида ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, маънавий етук, ижтимоий-сиёсий фаол этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган. Туман ёшлари муаммоларига ижобий ечим топиш ишларида ташкилотчилик қобилиятини намоён этиб, жамоатчилик эътиборини қозонган.

Акрамхон ҳамкасблари даврасида ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш, жамоа манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш каби фазилатлари билан ҳурмат қозонган. Ўзига юклатилган барча вазифаларни аъло даражада бажариб, раҳбариятнинг эътиборига тушган.

Депутатликка номзоднинг сайловолди дастурида партиянинг давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ҳамда либераллаштириш соҳасидаги устувор йўналишларга доир ғоялар тўлақонли аксини топган. Жумладан, у жойлардаги маҳаллий бошқарув органлари фаолиятида шаффофлик ҳамда ошкоралик бўлиши, ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини ўстириш ҳамда бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини топишда ижроия ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш лозим, деб ҳисоблайди.

— Давлат ва жамият қурилишини либераллаштиришдаги асосий йўналиш қонун устуворлигини таъминлашдир, — дейди депутатликка номзод. — Мавжуд қонунлар жойларда қай даражада ижро этилаётгани билан аҳамиятли. Маҳаллий бошқарув идораларидаги совуққонлик ҳолатлари кескин бартараф этилиши лозим. Халқ дарди билан яшаш, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш маҳаллий бошқарув идоралари масъулларининг кундалик вазифасига айлансагина, тараққиётга эришилади.

Номзоднинг сайловолди дастурида, шунингдек, хотин-қизлар тадбиркорлигини янада қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш, қишлоқларда маиший хизмат, сервис соҳасини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

## Элбекжон ТУРГУНБОЕВ

**Элбекжон Тургунбоев 1983 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2006 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**



**Элбекжон Тургунбоев 96-Олтиариқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Талабалик йилларидаёқ ўткир зеҳни, тиришқоқлиги, ижобий хислатларини тинмай камол топтиришга интилиши билан тенгдошлари орасидан ажралиб турган иқтидор соҳибига институтда қолиб ишлашни таклиф этишди. Битирувчи бунга монелик қилмади. Чунки унда эгаллаган билимларини бошқаларга етказиш иштиёқи кучли эди. Эътиборлиси, ёш мутахассисда бунга муайян лаёқат ҳам бор эди. Шунингдек, у ўзлаштирган илми дарёдан бир қатра эканини яхши тушунар, бинобарин, соҳани чуқур ўрганишни астойдил истарди. Фаолиятини 2006 йилда Тошкент давлат юридик институтининг «Жиноят ҳуқуқи ва криминология» кафедрасида бошлаб, сўнгра ўқитувчи, катта ўқитувчи вазифаларида давом эттирди. 2013 йилдан бери мазкур олий ўқув масканида доцент вазифасини бажарувчи бўлиб ишламоқда. Шу кунгача юртимизда ва хорижда 60 дан ортиқ илмий иши нашр этилганини қайд этиш жоиз.

Э.Тургунбоев партиявий ишларда фаоллиги билан ҳам ҳаммаслаклари ҳурматига сазовор бўлди. Маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида ўтказилган турли тадбирларда қатнашиб, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий савияси юксалишига ҳисса қўшди.

— Фахр ва мамнуният билан эътироф этаманки, мамлакатимизда хусусий мулкни кафолатлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун ўзига хос ҳуқуқий механизм яратилди, — дейди депутатликка номзод. — Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари нафақат бу йўналишдаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди, балки хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг кафолатларини мустаҳкамлаш, мулк дахлсизлигини таъминлаш, энг асосийси, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларни эркинлаштиришда муҳим аҳамият касб этаётир. Таъкидлаш керакки, ислоҳотлар муваффақияти учун масъулиятни зиммасига олган O`zLiDeP мазкур жараёнида фаол қатнашиб келаётир.

Э.Тургунбоев ҳуқуқшунос сифатида ҳозирги кунда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид қонунчиликни янада соддалаштириш, либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун бундан-да қулай шарт-шароитлар яратиш, ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф қилиш масалаларига янада кўпроқ эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайди.

Ана шу ғоялар номзоднинг сайловолди дастурида ҳам ўз ифодасини топган. Унда, жумладан, қуйидаги таклифлар баён этилган: жиноий ва маъмурий қонунчиликни либераллаштириш жараёнларини изчил давом эттириш, иқтисодий жиноятларнинг баъзи турларини декриминаллаштириш ижобий натижаларга олиб келади. Хусусан, жамият учун хавфи катта бўлмаган ва жиддий оқибатларга олиб келмайдиган айрим иқтисодий жиноятлар бўйича жиноий жавобгарликни либераллаштириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Э.Тургунбоев мулкдорлар, тадбиркорлар, фермерлар ва ишбилармонлар манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган қонунчилик меъёрлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришдаги устувор вазифалар сифатида ҳакамлик судлари институтини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий низоларни тартибга солишнинг муқобил, суддан ташқари шаклларини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан, судгача тартибга солиш мажбурий бўлган яраштирув институтини янада такомиллаштириш учун ҳаракат қилиш таклифларини илгари сурмоқда.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ!**

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Азизахон НИШОНОВА

**Азизахон Нишонова 1965 йили Андижон вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1982 йилда Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**



**Азизахон Нишонова 99-Фарғона сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Бўлажак шифокорнинг малакали мутахассис бўлиб етишишида оилавий муҳитнинг таъсири катта бўлди. Отаси Абдурашид аканинг касалхонадаги беморлар ҳақида онасига кўп гапириши, ярим тунда эшигини тақиллатиб келганларни ҳам очиқ юз билан қарши олиши Азизахоннинг мурғак қалбида ота касбига зўр иштиёқ уйғотди. Онаси совға қилган ўйинчоқ — тиббий асбоблар билан боғчадаги болаларни текшириб қўяр, дадаси айтган жумлаларни такрорлаб, уларга ўзича ўгит берарди. Хуллас, орзулари бир олам қиз мактабни тугатгач, сира иккиланмай Андижон давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Талабалик йилларида ҳам зукколиги билан устозлари эътиборига тушди.

Депутатликка номзод меҳнат фаолиятини 1988 йилда Андижон давлат тиббиёт институти «Нормал физиология» кафедраси ассистентлигидан бошлади. Сўнгра мазкур кафедра аспирантурасида илмини оширди. 1993 йилдан Фарғона давлат университети ўқитувчиси, «Анатомия ва гистология» кафедраси доценти вазифаларида ишлади. 1998 йилдан буён 2-Тошкент давлат тиббиёт институти, тиббиёт академиясида кафедра мудири сифатида шогирдларига билим бериб, уларни соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишишларига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Бундан ташқари, Фарғона вилояти туманларида қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини яхшилаш, O`zLiDeP дастурида алоҳида таъкидланганидек, инсон саломатлиги, ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда дунёда илғор ўринларга интилаётган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ривожи, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аҳоли тиббий маданиятнинг юксалтиришдек долзарб вазифалар ижросига ўзини масъул, деб билмоқда.

Ўз сайловолди дастурида ижтимоий-сиёсий жараёнларда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, соғлиқни сақлаш тизимида замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини амалиётга татбиқ қилиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш, таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш орқали халқаро стандартларга мослигини таъминлашга кўмаклашиш, миллий дипломларимизнинг хорижий давлатларда тан олинишига эришиш, чет эл олий ўқув юртлари билан алоқаларни кучайтириш каби долзарб масалаларни қамраб олишга ҳаракат қилган.

Номзод оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом миллат генофондини асрашга кўмаклашиш, бу борада яратилган шарт-шароит ва улардан самарали фойдаланиш, хотин-қизлар орасида сўнгги йилларда тез тарқалаётган кўкрак бези саратонини олдини олиш юзасидан ўтказилаётган тарғибот ишларида фаол иштирок этмоқда.

Азизахон Нишонованинг инсон саломатлиги, жамият ривожи учун акс таъсир этувчи зарарли иллатлар тарқалишининг олдини олиш, никоҳ ёшига етмаган қизлар ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари хусусидаги илмий асосланган далиллардан иборат маърузалари ёшлар ўртасида соғлом оилавий муҳитни шакллантиришда муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Зеро, эртанги кунимиз бугунги саъй-ҳаракатларимизга, тинимсиз изланишларимиз орқали Ватан тараққиётига нечоғли ҳисса қўша олишимизга бевосита боғлиқдир.

## Абдурашид АБДУКОДИРОВ

**Абдурашид Абдукодиров 1976 йили Фарғона вилоятида туғилган. 1998 йили Фарғона давлат университетини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Абдурашид Абдукодиров 102-Қува сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1998 йили ўзи ўқиган илм даргоҳининг «Дифференциал тенгламалар» кафедраси тадқиқотчилигидан бошлади. Аспирантурада ўқиди. Номзодлик диссертациясини ёқлади. «Дифференциал тенгламалар» кафедраси ўқитувчиси, физика-математика факультетида декан ўринбосари, «Умумий математика» кафедраси мудири, физика-математика факультети декани вазифаларида фаолият юритди. 2011 йилдан Фарғона политехника институтининг ўқув ишлари бўйича проректори лавозимида ишлаб келаяпти. Ҳамкасблари орасида ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, жамоат ишларида шахсий намуна кўрсата олиш қобилияти билан ажралиб туради.

— Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда жаҳон андозалари даражасида фаолият юритувчи икки палатали парламент шаклланди. Ўтган давр мобайнида қабул қилинган қонунлар юртимиз тараққиётига хизмат қилмоқда, — дейди депутатликка номзод. — Аммо уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламларига тушунтириш ишларини талаб даражасида деб бўлмайди. Хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун ўта аҳамиятли эканлигига қарамай, уни ҳали яхши англаб етмаган фуқароларимиз йўқ эмас. Бу эса жойлардаги маҳаллий бошқарув органларининг ушбу қонуннинг қабул қилинишидан мақсад, унга мувофиқ ташкил этиладиган оилавий корхоналарнинг афзалликлари ва қулайликларини кенг оммага етарлича тушунтира олмаганидан далолатдир. Чунки иқтисодиётнинг турли йўналишларида оилавий бизнесни ривожлантириш орқали маҳаллаларда, айниқса, чекка ҳудудларда янги иш ўринлари яратиш ва турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини тарғиб қилишга партиямиз фаоллари янада жиддий киришишлари лозим.

Абдурашид Абдукодиров O`zLiDeP томонидан ташкил этилаётган барча тадбирларда фаол иштирок этади. Партиявий лойиҳаларнинг тарғиботига ҳам алоҳида эътибор қаратиб, шахсий намунаси билан барчага ўрнак бўлиб келмоқда. Айниқса, юзма-юз мулоқотлар чоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида бизнес юритиш миллий анъаналаримизга, хўжалик юритишнинг мавжуд ҳолатига тўла мос тадбиркорлик фаолиятини кенг татбиқ қилиш, чекка қишлоқларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ресурслари, уларни қандай ҳаракатга келтириш ва унумли фойдаланиш, бундай саъй-ҳаракатларга тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаб, ижобий ечимини топиш номзоднинг сайловолди дастуридан ўрин олган.

— Хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, миллий ҳунармандчилик, касаначиликка фаол жалб этиш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга, жамият ҳаётидаги иштирокини фаоллаштиришга кўмаклашилаётгани айни муддаодир, — дейди O`zLiDeP фаоли. — Аммо юқорида таъкидланганидек, бу ишга айрим жойларда етарлича эътибор қаратилмаётгани ҳам сезилиб қолмоқда. Бу муҳим ишга жамоат ташкилотлари, маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларини кенг жалб этиш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир.

## Илхом НОСИРОВ

**Илхом Носиров 1966 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1989 йилда Фарғона политехника институтини тамомлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 1989 йили мазкур институтда ўқитувчиликдан бошлаган. Ўткир зеҳни, кенг қамровли билими билан талабалар меҳрини қозонган мутахассис таълим даргоҳида ўтказиладиган оммавий тадбирлар ташкилотчиларидан бири сифатида талабаларда меҳнатсеварлик, бирдамлик, ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшган.

Депутатликка номзоднинг ташкилотчилик қобилияти 2001-2008 йилларда Фарғона туманидаги Аввал маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори лавозимида ишлаган даврида, айниқса, яққол намоён бўлди. Катта жамоа раҳбари сифатида ўқув-тарбия ишларини намунали йўлга қўйиш баробарида ўқувчиларини Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаб, танлаган мутахассисликларининг ҳақиқий эгалари бўлиб етишишида жонбозлик кўрсатди. Коллеж битирувчилари ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратиб, уларни эгаллаган мутахассисликлари бўйича корхона, ташкилот, муассасаларга ишга жойлашишларида ҳам бош-қош бўлди.

2008-2012 йилларда Фарғона вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси бўлиб ишлаган кезлари она-табиатимизни асраб-авайлаш, вилоятнинг барча ҳудудларида соф экологик вазиятни яратиш мақсадида кўплаб манзарали дарахтлар экилишига эришган, «Ёш табиатшунослар», «Ёш ўрмончилар», «Ёш экологлар» клубларини ташкил этишга бош-қош бўлган. Икки йилдирки вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаб, ўтган давр мобайнида орттирган тажрибаси, раҳбарлик салоҳиятини ёш авлод тарбиясига бахш этиб келмоқда.

— Вилоятимизда иқтидорли, салоҳиятли, тадбиркор ёшлар кўпчиликни ташкил этади, — дейди депутатликка номзод. — Уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш орқали сиёсий онги ҳамда тафаккурини янада бойитиш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, спортга кенг жалб этиш, тадбиркорлик фаолиятига қизиқтириб ўз бизнесларини йўлга қўйишларида яқиндан кўмаклашиш ҳар биримизнинг виждон амрига айланмоғи зарур. Айниқса, қишлоқ жойларда бу борадаги вазифаларни изчиллик билан амалга ошириб, ёшларни янги иш ўринлари яратиш орқали уларни мустақил ҳаётга йўллаш ўта муҳим давлат аҳамиятига молик вазифадир.

Депутатликка номзоднинг сайловолди дастурида, шунингдек, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, яратилган шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялардан самарали фойдаланиш, олис қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиб, моддий базасини мустаҳкамлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишловчи кичик корхоналар очиш мехнизмини янада такомиллаштириб, қишлоққа саноатни олиб кириш ва уларда асосан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишлашига эришишга алоҳида эътибор қаратилган.



**Илхом Носиров 100-Водил сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

— Бундай кенг кўламли вазифаларни амалга оширишда мамлакатимизда етакчи сиёсий партия ҳисобланмиш O`zLiDeP катта тажрибага эга. Электоратининг асосий қисми ишбилармон ва тадбиркорлардан иборат партиямиз атрофига янада яқинроқ жипслашиб ҳаракат қилсак, дастурий ғояларимизда белгиланган барча вазифаларнинг амалга оширилиши шак-шубҳасиздир.

## Иброхим ХАЛИМБЕКОВ

**Иброхим Халимбеков 1973 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. Гулистон давлат университетида таҳсил олган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Иброхим Халимбеков 103-Бувайда сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда Фарғона вилояти ҳокимлигининг «Фарғона ҳақиқати» газетасида мусаҳҳиқ сифатида бошлаган И.Халимбеков кейинчалик ушбу таҳририятда катта муҳаррир, масъул котиб лавозимларида ишлади. 1997 йилдан эса телевидение ва радио йўналишида ижод қилишга киришди.

Хусусан, у 1997-2014 йилларда Фарғона вилоят телерадиокомпаниясида мухбир, муҳаррир, бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир (1997-2006 йиллар), директор (2010-2012 йиллар), шунингдек, Андижон вилоят телерадиокомпанияси (2006-2010 йиллар), сўнгра Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбектелефильм» давлат унитар корхонаси директори (2012-2014 йиллар) лавозимларида фаолият юритди. 2014 йилнинг июлида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси этиб сайланди.

И.Халимбеков журналистика соҳасида катта билим ва тажрибага эга бўлган мутахассис сифатида ижодий жараённинг профессионал даражаси ва бадиий-ғоявий савияси кўтарилишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Масалан, Андижон вилоят телерадиокомпанияси директори сифатида фаолият юритган пайтида ҳудудий телерадиокомпания ўз маъмурий биносига эга бўлди. Бундан ташқари, Андижонда умумий қиймати 157 миллион сўмлик янги студия қурилиб, 1,6 миллион еврога тенг замонавий телеускуналар олиб келинди. 2008 йил унинг ташкилотчилигида вилоятлар орасида биринчи бўлиб ички имкониятлар ҳисобига Кўчма телевизион станция (КТС) ишга туширилди. Натижада вилоят телевидениесида Андижонда бўлиб ўтадиган давлат аҳамиятига молик барча байрамлар ва йирик тадбирларни сифатли ёзиб олиш ҳамда марказий телеканаллар орқали намойиш қилиш имконияти туғилди.

Фарғона вилоят телерадиокомпанияси директори лавозимида меҳнат қилган вақтида асосий эътиборни компанияда ижро интизомини мустаҳкамлаш, эфирга узатилаётган кўрсатув ва эшиттиришларнинг ғоявий-бадиий савиясини оширишга қаратди. Ўз навбатида мазкур жараён компаниянинг иқтисодий салоҳияти ортишига хизмат қилди.

2012 йили «Ўзбектелефильм» ДУК директори этиб тайинланган И. Халимбеков 2013 йилда Москва Медиаиндустрия академиясида «Телевидение ва телесериаллар продюсери» мутахассислиги бўйича махсус машғулотларда қатнашиб, тегишли сертификатга эга бўлди. Шунинг учун ҳам унинг бадиий раҳбарлигида компания томонидан бевосита сериаллар ҳажмининг ортишига хизмат қилувчи ишлаб чиқариш жараёни йўлга қўйилди.

Номзод ўз сайловолди дастурида мамлакатни модернизация қилишнинг энг муҳим масалаларини ҳал қилишда ҳокимият вакиллик органлари ролини кучайтириш, парламентни демократик ва либерал ислоҳотларнинг етакчи кучига айлантириш учун марказий давлат органларидан қатор функция ва ваколатларни маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат тузилмаларига босқичма-босқич ўтказиб бориш учун ҳаракат қилиш, давлат бошқарув органлари фаолиятини янада демократлаштириш, уларнинг самарадорлиги ва масъулиятини оширишни таклиф этади.

Бундан ташқари, унинг оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллиги, эркинлигини мустаҳкамлаш, соҳага рақамли ахборот технологияларини кенг жорий этиш, журналистларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириш тарафдори эканини айтиб ўтиш лозим.

## Исломжон ЗОКИРОВ

**Исломжон Зокиров 1979 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2003 йилда Фарғона давлат университетини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Исломжон Зокиров 101-Тошлоқ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

2003-2014 йилларда Фарғона давлат университети фан бўлими муҳандиси, физиология, зоология кафедралари ўқитувчиси, халқаро алоқалар ва инвестицияларни жалб этиш бўлими бошлиғи, табиат-география факультети декани ўринбосари, декани вазифаларида ишлаган. Ҳозирда мазкур университетнинг илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими муҳандиси, зоология кафедрасининг катта ўқитувчиси вазифасида фаолият юритяпти.

Талабалик даврида университет қошидаги «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти фаолларидан бири сифатида тенгдошларини жамоат ишларига кенг жалб эта олиши билан эътиборга тушган. «Ёш олимлар ва илмий изланувчилар» лойиҳасида қатнашган.

— Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашида ёш олимлар янада фаол иштирок этишлари лозим, — дейди депутатликка номзод. — Чунки мамлакатимизда ёшларга ўз қобилиятларини намоён этишлари учун барча шарт-шароит муҳайё. Шундай экан, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиқадиган вазифаларни изчил амалга ошириш, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдек улуғ мақсадни рўёбга чиқариш, илғорлар сафида бўлиш, тенгдошларимизни фаол жалб этишга ўзимни сафарбар деб биламан.

Депутатликка номзод партиявий вазифалардан келиб чиқиб, O`zLiDeP мақсад ва ғоялари мазмун-моҳиятини ёшлар онгига сингдириш, уларга сабоқ бериш баробарида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга ҳам ҳаракат қилмоқда. Ёшларга доир партиявий лойиҳалар ғолибларига ажратилаётган банк кредитлари миқдорини янада ошириш, тўлов муддатларини узайтириш, бошловчи тадбиркорлар учун солиқлар миқдорини ихчамлаштириш каби вазифаларни олдига мақсад қилиб қўйган.

И.Зокиров ўзининг сайловолди дастурида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уй-жой, коммунал хўжалиги ва инфратузилмасини рақобат бозори, хусусий капитал учун жозибали соҳага айлантириш, коммунал хўжалик соҳасида маҳаллий корхоналар билан кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперацион алоқаларни ривожлантириш, янги, барча қулайликларга, зарур инфратузилмаларга эга бўлган турар-жой массивларини, айниқса, қишлоқ жойларда барпо этишни, аҳолини сув билан таъминлашни яхшилаш, йўл бўйларидаги инфратузилмаларни ривожлантириш керак, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, у таълим тизимидаги ислоҳотларни умумэътироф этилган халқаро таълим стандартлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда янада чуқурлаштириш, мактабгача ва олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантиришни илгари суриб, мамлакатимиз олий ўқув юртлари дипломларининг чет элларда тан олинишига эришиш мақсадида ўқув жараёнида таълим беришнинг модулли тизимини жорий этишни жадаллаштириш, олий ўқув юртлари мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда масофадан туриб замонавий таълим беришни жадал ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишни таклиф этади.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ!**

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Нозимжон МЎМИНОВ

**Нозимжон Мўминов 1976 йили Фарғона вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1998 йилда Фарғона давлат университетининг филология факультетини, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Олий бизнес мактабини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**



**Нозимжон Мўминов 104-Қувасой сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Аҳди қатъий, билимли ва шижоатли Нозимжон Мўминов 1998-2012 йиллар давомида Фарғона вилоят телерадиокомпанияси муҳаррири, Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканали «Давр» дирекциясининг Фарғона вилоятидаги мухбири, «Давр» дирекцияси муҳаррири, бош муҳаррири, «Давр» ахборот дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари, «Маънавият» муҳарририяти бош муҳаррири, «Тошкент» телерадиоканали давлат-унитар корхонаси Мусиқий-кўнгилочар ва кинодастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири, ушбу телерадиоканалнинг «Пойтахт» ахборот дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррири лавозимларида самарали фаолият юритди. 2012 йилдан ҳозирги вақтга қадар Фарғона вилоят телерадиокомпанияси директори вазифасини бажараяпти.

— Бугун ҳаётимизнинг бирон соҳасини оммавий ахборот воситалари фаолиятисиз тасаввур этиш қийин, — дейди депутатликка номзод. — Юртимиз тараққиёти йўлидаги эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, истиқлол руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, халқимиз маънавиятини бойитиш соҳасидаги хайрли ишларда журналистларнинг муносиб хизмати бор. Шу сабабли ҳам ОАВ фаолиятини янада либераллаштириш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш юртимизда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Зеро, O`zLiDeP дастурида аниқ белгилаб қўйилганидек, улар орқали ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг муҳим муаммоларини кўтариб чиқиш, кишиларни ўйлантираётган барча муаммоларни жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиш, ҳокимият ва бошқарув тизими томонидан қабул қилинаётган қарорларга холисона баҳо беришни кўзда тутади.

Умрини эл-юрт равнақи ва фаровонлигига бағишлаётган инсонлар меҳнати эътиборсиз қолмайди. Н.Мўминовнинг фидокорона меҳнатлари ҳам давлатимиз томонидан муносиб қадрланиб, 2007 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Маълумки, партия фаолиятининг устувор йўналишларидан бири матбуот эркинлигини таъминлаш, унинг ислоҳотлар муваффақияти ва таъсирчанлигини янада оширишдан иборатдир. Шундан келиб чиққан ҳолда депутатликка номзод ўз дастурида медиа-тармоқлар, матбаачилик корхоналарини ахборот-коммуникация соҳасидаги энг замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. У ахборот маконида бозор муносабатларини ривожлантириш ҳамда матбуотнинг мулкчилик шакли, адади, қамрови ва мавзу йўналишидан қатъи назар, барча қатнашчилар ўртасида соғлом рақобат бўлиши тарафдоридир.

Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, умуман, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишни мақсад қилган. Зеро, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ҳисобланган фермерларнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги ўрни ва ролини янада кучайтиришни Нозимжон Мўминов асосий вазифалардан бири, деб билади.

## Кохрамон МАШАРИПОВ

**Кохрамон Машарипов 1971 йили Хоразм вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1995 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Кохрамон Машарипов 107-Гурлан сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1994 йилда Адлия вазирлиги қошидаги ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказининг референти лавозимидан бошлаган. Депутатликка номзод 1995-1997 йилларда «Хоразмтурист» ишлаб чиқариш бирлашмасининг, 1997-1999 йилларда «Хоразмпилласаноатчилик» ширкатлар уюшмасининг ҳуқуқшуноси вазифаларида ишлаган. 1999-2000 йилларда Урганч шаҳар судининг суд ижрочиси, катта суд ижрочиси, 2000-2011 йилларда Хоразм вилоят адлия бошқармасида бош маслаҳатчи, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимларининг бошлиғи, 2011-2014 йилларда Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Хоразм вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи, 2014 йилдан Хоразм вилоят адлия бошқармаси Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда.

2011 йилда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони, 2013 йилда «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланган.

— Ўтган ўн йиллик фаолияти давомида O`zLiDeP ўз электорати ва аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозониб, мамлакатимиздаги нуфузли сиёсий партияга айланди, — дейди депутатликка номзод. — Эндиги вазифа ана шу ишончни янада мустаҳкамлаш учун изчил фаолият олиб боришдир. Жумладан, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, асосий электорати ҳисобланмиш тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Кохрамон Машариповнинг сайловолди дастурида қонун ижодкорлиги билан боғлиқ изланишларни янада такомиллаштириш, ёшлар ва аёлларнинг касбий, жисмоний ҳамда маънавий камол топишига кўмаклашиш, уларни тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятига кенг жалб этиш каби бир қатор йўналишлар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳимоясига тегишли қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатларни янада мукаммаллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, хусусан, хўжалик судлари ёрдамидан фойдаланиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш каби масалалар қамраб олинган.

— Тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, жисмоний шахслар ва корхоналарни солиққа тортиш тизимини тубдан такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим вазифалари сирасига киради, — дейди К.Машарипов. — Бундан ташқари, жиноят, маъмурий қонунчиликни либераллаштириш жараёнларини давом эттириш, иқтисодий жиноятларнинг баъзи турларини янгича квалификациялаш давримизнинг энг долзарб вазифаларидан биридир.

Мулкдорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимоясини таъминлайдиган қонунчилик меъерлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш учун ҳакамлик судлари институтини амалиётга кенг жалб этиш, айрим низоларни тартибга солишнинг муқобил шаклларини жорий қилиш, мажбурий яраштирув тажрибасини оммалаштириш, коррупцияга қарши кураш масалалари ҳам депутатликка номзод дастуридан ўрин олган.

## Клара ДЖУМАМУРАТОВА

**Клара Джумамуратова 1961 йили Хоразм вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1985 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор. «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси**



**Клара Джумамуратова 105-Урганч сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1978 йилда Урганч шаҳридаги 21-қурилиш трестида бошлаган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битиргач, дастлаб Урганч тикувчилик фабрикасида техника назорати бўлими бошлиғи, кейинчалик бош муҳандис вазифаларида хизмат қилди. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда турли мулк шакллари учун кенг йўл очилгани унинг учун айни муддао бўлди. Клара Джумамуратованинг саъй-ҳаракати билан эски фабрика негизида «Феруз-Хоразм» акциядорлик жамиятига асос солинди. У 1996-2005 йиллар оралиғида айнан «Феруз-Хоразм» корхонаси бошқаруви раиси сифатида меҳнат қилди. Ўшанда банкрот ҳолатига тушиб қолган корхона икки йил ичида қаддини тиклади. Ишчи-хизматчилар сони сезиларли равишда кўпайди.

Урганчликлар Клара Джумамуратовани меҳрибон, софдил ва камтарин аёл сифатида яхши билади. Бу бежиз эмас. Чунки сафдошимиз она, тадбиркор ва O`zLiDeP фаоли сифатида одамлар оғирини енгил қиладиган, қийин кунларда ёнида туриб, уларнинг дардини ўз дардидай қабул қилувчи оққўнгил инсонлардан биридир.

— Ўтган сайловда аҳоли бизга катта ишонч билдириб, қўллаб-қувватлаган эди. Демак, улар биздан амалий иш кутади, — дейди К.Джумамуратова. — Биз бу ишончни оқлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаёти фаровон бўлишига кўмаклашишга масъулмиз. Ана шу ҳаётий тамойилдан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида мен ҳам ўз олдимга бир қатор мақсадларни қўйганман. Агар депутат этиб сайлансам, мамлакатимиз манфаатларига тўлиқ мос келадиган, халқимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилган таклифларни қонунчиликда акс эттиришга интиламан.

Шу билан бир қаторда иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш, солиқ тизимидаги ислоҳотларни янада соддалаштириш ва унинг тушунарли бўлишини таъминлаш йўлида бор куч-ғайратимни аямайман. Зеро, ҳуддаги барча сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлиш, улар мурожаатларининг ижобий ҳал этилишига амалий ёрдам кўрсатиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар базасини янада мустаҳкамлаш ҳар бир депутатга алоҳида масъулият юклайди.

Дарҳақиқат, депутат одамлар орасида бўлиши, уларнинг манфаати учун елиб-югуриши керак, деган ўгитни ўзи учун дастуриламал қилиб белгилаган Клара Джумамуратованинг сайловолди дастури билан танишган ҳар бир киши бунга амин бўлади.

## Илёс АБДУЛЛАЕВ

**Илёс Абдуллаев 1970 йили Хоразм вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1993 йилда Тошкент давлат университетини тамомлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор**



**Илёс Абдуллаев 108-Ҳазорасп сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Депутатликка номзоднинг меҳнат фаолияти олий таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. 1993-2011 йилларда Урганч давлат университетининг «Алгебра ва геометрия» кафедраси ўқитувчиси, стажёр-тадқиқотчиси, «Функциялар назарияси» кафедрасида катта ўқитувчи, «Иқтисодиёт» факультетида декан муовини, «Иқтисодиёт» кафедраси доценти, 2006-2011 йилларда ўриндошлик асосида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Хоразм вилояти бўлими илмий ходими вазифаларида ишлаган. 2011 йил октябрь ойидан бери Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм ҳудудий бўлими раҳбари.

Таъкидлаш жоизки, И.Абдуллаев ўзига топширилган вазифани муносиб равишда адо этмоқда. Малакали мутахассис сифатида вилоят ҳаётига хос бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнларни тизимли мониторинг қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, унинг муҳим институтларидан бўлган сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятидаги муаммоларни ҳал қилиш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш йўлида куч-ғайратини аямаётир.

Изланувчан олим айни кунда иқтисод йўналиши бўйича докторлик иши устида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Республика илмий-оммабоп журналларида 50 дан ортиқ мақоласи чоп этилган, «Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни прогнозлаш» мавзуидаги монографияси илмий жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

— Ўзбекистон — жаннатмакон юрт. Унинг равнақи ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, — дейди номзод. — Мен ўз сайловолди дастуримда асосий эътиборни ҳудудларда аҳоли учун муносиб турмуш тарзини қарор топтириш масаласига қаратганман. Жумладан, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, давлат бюджети мутаносиблигини таъминлаш, иқтисодиёт ва хўжалик субъектлари учун солиқ юкини янада камайтириш, молия бозори барқарорлигига хизмат қиладиган қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш, молия-банк тизимини янада либераллаштириш, саноат соҳасида таркибий ўзгаришларни давом эттириш, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш орқали иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсишига эришиш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни янада қисқартириш ана шулар жумласидандир.

Агар мен депутат этиб сайлансам, Олий Мажлисда партиямиз манфаатларини ифодалаш, амалдаги қонунчиликни тубдан ислоҳ қилиш йўлида илмий салоҳиятим, кўп йиллик тажрибамни сарфлашга аҳд қилганман. Зеро, сайловчилар ишончини қозониш осон эмас. Бу бўлажак ҳар бир депутат учун масъулиятли имтиҳон, демакдир.

## Анварбек МАТЯКУБОВ

**Анварбек Матякубов 1960 йили Хоразм вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1983 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Анварбек Матякубов 106-Боғот сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини Урганч шаҳридаги «Зооветтаъминот» корхонаси мутахассислигидан бошлаган. Кейинчалик Хоразм вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси агрономи, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари, инспекция бошлиғи бўлиб ишлаган. 2012 йилдан ушбу қўмитанинг Ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсини муҳофаза ва назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Бугунги кундаги ислоҳотлар муваффақияти қонун ижодкорлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, атроф-муҳит муҳофазасига оид муаммолар барчамизни ташвишга солмоқда. Ушбу масала БМТ минг йиллик саммитида давлатимиз раҳбари томонидан ўртага ташланганлиги ҳам бежиз эмас.

Табиат муҳофазасига қаратилган қонунлар, хусусан, экологик ҳалокат марказида яшаётган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси учун икки карра муҳимдир. Орол денгизи миллионлар кўз ўнгида қуриб бормоқда. Улкан ҳududдаги аҳолининг генофонди, сиҳат-саломатлиги, моддий имкониятлари, флора ва фаунаси учун жиддий хавф пайдо бўлди. Лекин бундан ташвишга тушмаслик лозим. Негаки, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси, бошқа донор ташкилотлар ёрдами билан денгиз атрофида яшовчи аҳоли турмушини яхшилаш, замонавий коммуникациялар, яшил «белбоғ»лар бунёд этиш, сув ва ҳавони тоза сақлаш, тупроқ унумдорлигини оширишга давлат даражасида катта эътибор қаратилмоқда.

— Биз табиат муҳофазасига оид қонунларни янада такомиллаштириш, уларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, янгиларини ишлаб чиқиш тарафдоримиз, — дейди депутатликка номзод. — Айниқса, Орол сарҳадидан учаётган тузли чанглар йўлини тўсиш, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида янги ўрмонзорлар барпо этишга биринчи даражали эътибор қаратилиши лозим.

Иккинчидан, сайловолди дастуримизда табиат муҳофазасини реал иқтисодиёт тараққиёти билан қўшиб олиб бориш таклифини илгари сурмоқдамиз. Дейлик, фойдаланилмаётган сув ҳавзаларида балиқчилик фермер хўжаликларини ташкил қилиш фойдадан холи эмас. Хоразмда боғ-роғлар кўп. Демак, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш масаласида янги лойиҳаларни амалга оширишимиз керак.

Саноат корхоналарини илғор технологиялар, замонавий ускуналар билан таъминлаш талаб даражасида эмас. Шу боис шахсий томорқалар, ён-атрофимиздаги минг-минглаб ўрик, тут, жийда дарахтлари ҳосили кўз ўнгимизда нест-нобуд бўлмоқда. Ваҳоланки, уларни қайта ишлаб, катта самарадорликка эришиш мумкин. Ана шундай қилсак, озиқ-овқат дастури ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган, эл-юрт дастурхони маъмурчилигини янада оширган бўлардик. Зеро, изланганга имкон кенгдир.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ!**

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Фарахат САДУЛЛАЕВА

**Фарахат Садуллаева 1960 йили Хоразм вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1982 йилда Урганч давлат педагогика институтини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Фарахат Садуллаева 109-Хонқа сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1982 йилда Урганч шаҳридаги 5-сонли ўрта мактабда рус тили ва адабиёти фани ўқитувчилигидан бошлаган. 1983 йилдан 1996 йилгача болалар боғчаси услубчиси, 1996-2000 йилларда эса ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати, жумладан, ҳунармандчилик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани кўплаб ҳамюртларимиз қатори уни ҳам ўз ишини бошлашга, бу борадаги лаёқатини рўёбга чиқаришга ундади. 2000-2004 йилларда якка тартибдаги тадбиркор, тикувчиликка ихтисослашган ҳунарманд сифатида фаолият кўрсатиш асносида муайян тажриба тўплади, маҳоратини сайқаллади. 2004-2013 йиллар давомида Урганч шаҳридаги «Садуллаева Фарахат Аминовна» ҳунармандчилик мактабининг етакчиси бўлиб ишлади. 2014 йилнинг январь ойидан «Урганч миллий тикувчилик» оилавий корхонаси раҳбари.

Ҳунарманд аёлнинг фаолияти ўтган давр давомида нечоғли ривож топганини шундан ҳам билиш мумкинки, 2004 йили бир нафар шогирди билан ҳунармандчилик мактаби очган бўлса, шу кунгача 102 шогирдга оқ йўл тилади. Уларнинг ҳар бири бугун истиқболли лойиҳалар, грантлар соҳибаларидир. Бир қанчаси эса устоз мақомига етишди.

— Сайловолди дастуримнинг асосий қисми маҳаллаларда, чекка қишлоқларда аёлларни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини оилавий тадбиркорликка жалб этишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларнинг бу борадаги имкониятларини кенгайтирадиган янги норматив ҳужжатлар мажмуини ишлаб чиқишни назарда тутади, — дейди депутатликка номзод. — Айниқса, оилавий бизнес билан шуғулланувчиларга банк ва молия хизмати кўрсатиш борасидаги қонунчилик механизми янада такомиллаштирилиши ўта муҳимдир. Шунинг баробарида оилавий тадбиркорга кредит ажратишда нафақат ишбилармоннинг, балки банк муассасаларининг манфаатларини ҳам ҳисобга олиш керак.

Хоразм вилоятида бугунги кунда 208 та оилавий корхона иш юритаяпти. Жумладан, Урганч шаҳрида 42 та, Хонқа туманида эса 8 та ана шундай субъект рўйхатга олинган. Бу эса ички имкониятлар, мавжуд салоҳиятдан етарлича фойдаланилмаяпти, деган гап. Бинобарин, уларни ишга солиш учун партиявий воситалардан ҳам кенг фойдаланиш керак. Шу билан бирга, оилавий бизнес билан шуғулланувчиларни кўпайтириш учун уларга янада қулай шарт-шароит яратилиши керак, назаримда. Агар депутат бўлиб сайлансам, бу йўналишда фаол иш олиб боришни мўлжаллаганман. Хусусан, маҳаллий хом ашёдан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг институционал чора-тадбирларни амалга ошириш асосий мақсадларим қаторидан ўрин олган. Шуни ҳам ёддан чиқармаслик кераккки, бизнинг асримиз — интеллектуал қадриятлар асридир. Шу боис ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал капиталга интилишини қўллаб-қувватлаш масалалари билан ҳам жиддий шуғулланишни режалаштираяпман.

Шунингдек, умумтаълим мактабларини битираётган имконияти чекланган қизлар учун касб-ҳунар коллежларида махсус ҳунар ўрганиш гуруҳлари тузилишининг ҳуқуқий негизини яратиш таклифини илгари сураяпман. Яна бир фикр: қишлоқларимизда барча инфратузилмага эга янги турар-жой массивлари қад ростламоқда. Улар таркибида ҳунармандлар уйи ҳам бўлса, халқимизнинг асрий анъаналари қайта сайқал топган бўларди. Айни пайтда туризмни ривожлантиришга оид қонунчиликда ҳунармандларнинг манфаатлари ҳам ўз ифодасини топса, мақсадга мувофиқ бўларди.

## Рашида МАШАРИПОВА

**Рашида Машарипова 1961 йили Хоразм вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1986 йилда Тошкент Маданият институтини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 1980 йилда Хоразм вилоят кутубхонасида бошлаб, бош кутубхоначи, бўлим мудири вазифаларида ишлаган. 2008 йилнинг февралидан O`zLiDeP Хоразм вилоят кенгашида бўлим мудири, 2013 йилнинг сентябридан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Хоразм вилоят ҳудудий бўлинмасининг етакчи мутахассисидир.

— Сайлов мамлакатимизни янада тараққий эттиришга қаратилган муштарак мақсадларнинг умумий ифодасидир, — дейди депутатликка номзод. — Ушбу умумхалқ тадбирида сайловчи мавжуд сиёсий партиялар фаолиятига, шу жумладан, O`zLiDePга ҳам баҳо беради. Шу боис етакчи мавқега эга партия номзоди сифатида сайловолди дастуримда асосий эътиборни халқимиз фаровонлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар ечимига қаратишга ҳаракат қилдим. Хусусан, кучли фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини кучайтириш, жойлардаги ижтимоий аҳамиятга молик бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш долзарб масалалар сирасига киради. Аниқ таҳлиллар орқали мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан мақбул таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишда иштирок этиб келаётганим, жумладан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари муҳокамаларида қатнашганим ана шундай хулосага келишимга замин ҳозирлади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида вилоятда атиги 10 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 500 дан ошди. Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 2009-2013 йилларда ўтказилган грант танловларида Хоразмдан 53 та ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалари парламент комиссияси қарорига мувофиқ ғолиб деб топилиб, 631,6 миллион сўм маблағ ажратилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўтган давр мобайнида вилоят бўйича 10 дан ортиқ ижтимоий лойиҳа аҳоли бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ногиронларнинг ижтимоий реабилитацияси каби йўналишларга қаратилганлиги эндиликда ўз самарасини бермоқда.



**Рашида Машарипова 110-Хива сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

— ННТ билан давлат бошқаруви органлари ўртасида мақсадли ижтимоий шерикликнинг самарали ҳуқуқий механизмини яратиш қонун ижодкорлари олдида турган энг муҳим вазифадир, — дейди Рашида Машарипова. — Бундай институтларнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий имкониятларини ошириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида ижтимоий шериклик муносабатларини самарали йўлга қўйиш, ННТлар вакиллари, экспертлар гуруҳлари таклиф-мулоҳазалари яратилажак қонунларни янада халқчил бўлишини таъминлайди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунларга қатъий риоя этиш учун эса давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш либерал ғоялар ижросини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

## Атабек АБДАЛНИЯЗОВ

**Атабек Абдалниязов 1977 йили Хоразм вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1999 йилда Урганч давлат университетини, 2002 йилда Банк-молия академиясини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Атабек Абдалниязов 111-Шовот сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Банк иши ҳар бир кишидан аниқлик, тезкорлик ва алоҳида масъулиятни талаб этади. Ана шу ҳаётий тамойилга амал қилган А.Абдалниязов меҳнат фаолиятини 1999 йили акциядорлик-тижорат «Пахта банк» (ҳозирги «Агробанк») Хоразм вилояти бошқармаси Ташқи иқтисодий фаолият бўлими мутахассиси лавозимида бошлаган. Кейинчалик мазкур банкнинг Ташқи иқтисодий фаолият бўлими бошлиғи, Хива бўлими бошқарувчиси ўринбосари, кредит бўлими бошлиғи, «Халқ банки» Хоразм вилоят филиали бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2014 йилдан ҳозирги вақтга қадар давлат-тижорат «Халқ банки»нинг Кредит операциялари департаменти директори лавозимида ишлаб келмоқда.

Илм-маърифатга интилиш кишини комиллик сари етаклайди. Илмли инсон жамиятда ўз ўрнини топади, ақл-идроки туфайли эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонади. Атабек Абдалниязов ҳам интилувчанлиги ва талабчанлиги туфайли 2008-2013 йиллар давомида Германия, Франция, Хитой ва Япония каби давлатларда амалиёт ўтаб қайтди. Орттирилган билим ва тажриба бугун ўз самарасини бераётир.

— Маълумки, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг ривожи кўп жиҳатдан молия муассасалари кўмагига боғлиқ, — дейди А.Абдалниязов. — Зеро, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни эса инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, қуйидагиларни ўзимнинг асосий вазифам деб биламан:

— мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатдошлигини янада оширишнинг муҳим вазифаси сифатида давлат бюджети мутаносиблигини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, иқтисодиёт ва хўжалик субъектлари учун солиқ юкини янада камайтириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг аниқ-равшан, тушунарли бўлишини таъминлаш, молия-банк тизимини янада либераллаштириш, аҳолини банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, саноат соҳасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, уни диверсификация қилиш, юқори қўшимча қийматга эга, фан-техника ютуқларига асосланган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, юксак технологиялар билан қуролланган корхоналар улушини оширишни назарда тутадиган сиёсатни олиб боришда фаоллик кўрсатиш, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш орқали иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлаш шулар жумласидандир.

Кези келганда, электоратнинг асосий қисмини тадбиркор ва ишбилармонлар ташкил этувчи O`zLiDeP мамлакатимиз банк-молия тизимининг ҳар жиҳатдан юксалиши тарафдори эканлигини таъкидлаш жоиз. Негаки, партия ўзининг энг илғор ғояси ҳисобланган тадбиркорликни кенг ривожлантириш орқали фаровон турмуш шароитларини яратишда банкларнинг ўрни ва ролига муҳим аҳамият қаратади.

Атабек Абдалниязов ҳам партия ғояларининг фаол тарғиботчиси сифатида 21 декабрда бўлиб ўтадиган сиёсий имтиҳонда муносиб иштирок этиш ва сайловчилар ишончини оқлашга интилмоқда.

## Бегмат ОЧИЛОВ

**Бегмат Очилов 1972 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1994 йилда Тошкент давлат университетини, 2013 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тамомлаган. Оилали, олти нафар фарзанди бор**



**Бегмат Очилов 112-Қарши сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Жамоатчилик ишларида ўз лаёқатини кўрсата олган Бегмат Очилов 2009 йилдан O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири сифатида ишлаяпти. Б.Очилов фаолияти мобайнида навқирон авлод вакилларини ҳар томонлама камол топтириш, она Ватанимизга содиқ, кучли фуқаролик жамияти барпо этилиши жараёнларида фаол иштирок эта олувчи йигит-қизларни тарбиялашга йўналтирилган кўплаб тадбирлар ташкил қилинишига бош-қош бўлди. Айни вақтда таълим муассасаларида ёшлар тузилмалари ишини йўлга қўйиш, улар атрофида янги авлод вакилларини бирлаштириш, ташаббускор ёшларни излаб топиш ҳамда уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида талай ишларни амалга оширди.

Б.Очилов билан бирга ишлаётган ҳамкасблари, жамоадошлари унинг катта-ю кичик ҳар бир ишга виждонан ёндашиши, бошлаган ишини албатта охирига етказиши, одамлар билан муносабатда киришимлилиги, изланувчанлиги, тиришқоқлиги, омма манфаатини ўз манфаатидан устун қўя олиши сингари хислатларини алоҳида эътироф этадилар.

— Ёшлар жамиятни ҳаракатлантирувчи асосий кучдир, — дейди депутатликка номзод. — Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 40 фоизини 18 ёшгача бўлганлар, 64 фоизини эса 30 ёшгача бўлган навқирон авлод вакиллари ташкил этишини ҳисобга олсак, масаланинг нақадар муҳим эканига ишонч ҳосил қиламиз. Бинобарин, ёшларни уйлантираётган, улар дуч келаётган муаммолар ҳамда уларнинг ҳал қилиниши ҳамиша жамоатчилик эътиборида бўлиши учун интилишимиз, имкон қадар уларга ёрдам беришимиз зарур. Зеро, ёшларни қўллаб-қувватлаш ўз келажагимизга сармоя киритиш, деганидир.

Б.Очилов O`zLiDePдаги фаолияти давомида партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ қилишда, уларни ёшлар ўртасида тарғиб-ташвиқ этишда ўзининг кўп йиллик тажрибасидан моҳирона фойдалана олди. Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш борасида кўплаб тадбирларни амалга оширишга эришди. «Диплом билан — бизнесга», «Парламентда менинг ўрним», «Ёш олимлар ва илмий изланувчилар» каби лойиҳалар шулар жумласидандир. Партиявий лойиҳалар орқали ёш тадбиркор ва ишбилармонларнинг замонавий иқтисодий билимларни эгаллаши, уларнинг тафаккурида ҳақиқий мулкдорлик туйғусини тарбиялаш борасидаги ишларнинг самарадорлиги оширилишига муваффақ бўлинди.

Депутатликка номзоднинг сайловолди дастурида мамлакатимизнинг улкан ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан янада самаралироқ фойдаланишга доир асосли ғоялар акс этган. Жумладан, у ҳудуд равнақи йўлида куч-ғайратга тўла ёшларимиз имкониятларини янада кенгроқ ишга солиш, хусусан, йигит-қизларни тадбиркорликка кўпроқ жалб қилиш орқали янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга даъват этмоқда, ана шу мақсадга элтувчи барча қонуний воситалардан тўла фойдаланиш зарурлигини таъкидламоқда.

Б.Очилов сайловда иштирок этиш ва ғалаба қозонишни ягона мақсад эмас, балки одамларга янада самарали хизмат қилиш воситаси, деб ҳисоблайди ва O`zLiDeP электорати, фуқаролар муаммолари ҳал этилишига амалий ҳисса қўшиш, сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлишга ҳамиша тайёрлигини эълон қилмоқда.

## Уткир БУТАЕВ

**Уткир Бутаев 1971 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1995 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини, 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Уткир Бутаев 113-Бешкент сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Ҳамкасблари Уткир Бутаевни етук иқтисодчи, банк соҳасини чуқур ўзлаштириб бораётган ёш мутахассислардан бири сифатида билишади. Чунки унинг шу кунгача босиб ўтган йўли мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, умуман олганда, банк-молия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшиш каби эзгу мақсадлар билан уйғунлашиб кетди.

Меҳнат фаолиятини 1995 йилда молия бозорида улкан тажрибага эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳузуридаги Операция бошқармаси Бухгалтерлик ҳисоботи бўлими мутахассиси ҳамда қўшма корхоналарга кредит бериш, тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш бўлими мутахассиси лавозимидан бошлаган. Шундан сўнг мазкур банкнинг Ички аудит бошқармаси мутахассиси, Яккасарой бўлими бошқарувчиси ўринбосари, АТ «Пахта» банкнинг касса операциялари бошқармаси 1-тоифали мутахассиси, бош мутахассиси, тадбиркорларни, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш бошқармаси бош мутахассиси, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи, Марказий банкнинг Қашқадарё вилоят Бош бошқармаси бошлиғи, «Агробанк» Қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Пул муомаласи департаменти бошлиғи, «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки бошқарув раисининг ўринбосари лавозимларида фаолият юритди. Айни пайтда меҳнат фаолиятини «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки бошқарув раисининг биринчи ўринбосари лавозимида давом эттирмоқда.

— Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида мамлакатимизда ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш асосида аҳоли даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини ошириш имкониятлари кенгаймоқда, — дейди У.Бутаев. — Бу, албатта, банк-молия тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунга қарамасдан олдимизда қилиниши керак бўлган ишлар талайгина. Партиянинг банк тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш, такомиллашган бозор инфратузилмасини яратишга жидий эътибор қаратишини инобатга олган ҳолда ўз дастуримда тадбиркорликка хизмат қилувчи вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратдим.

Хусусан, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш, солиқ тизимини соддалаштириш молия-банк тизимини янада либераллаштириш, аҳолининг молия муассасаларидаги маблағларини қулай инвестицияларга айлантиришга йўналтирилган зарур чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Ушбу соҳада банклар қаторида бошқа бозор инфраструктуравий институтлар — лизинг, консалтинг, маркетинг, суғурта ва бошқа тармоқларни ҳам ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади.

Шунингдек, саноат соҳасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, уни диверсификация қилиш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган фан-техника ютуқларига асосланган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар улушини оширишни назарда тутадиган сиёсат олиб бориш, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш орқали иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмининг жадал ўсишини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшаман.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ!**

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Уктам ПАРДАЕВ

**Уктам Пардаев 1978 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2004 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини, 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор**

Депутатликка номзод дастлаб Қамаши туманидаги 55-мактабда, 2004-2005 йилларда Тошкент шаҳар Бектемир тумани ҳокимлигида фаолият кўрсатди. Кейинчалик хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасида хазиначи, Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлимида етакчи мутахассис, бош мутахассис, бўлим бошлиғи ўринбосари вазифаларида меҳнат қилган. 2008 йилда ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосари — Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи лавозимида фаолият юритди. 2009-2010 йилларда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармасининг Банкротлик масалалари, ташқи бошқарув ва суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш бўлимига раҳбарлик қилди. 2013 йил март ойидан бери Қашқадарё вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосаридир.

Уктам Пардаев нафақат малакали иқтисодчи, балки ташаббускор раҳбар сифатида ҳам жамоа ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган. У мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган янгиликлар моҳиятини теран идрок этади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан ташкил этилаётган тадбирларда фаол қатнашиб, ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, иқтисодиётни юксалтириш, замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда янгидан-янги таклифларни ўртага ташлайди. Партиявий бурчга садоқат унинг ўзига хос шиорига айланган, десак асло хато қилмаймиз. Ёш тадбиркорларга амалий кўмак бериш билан бирга уларда миллий ғурур, ватанпарварлик, қадриятлар ва анъаналарга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямайди.

— Маълумки, партиямиз аниқ ғоялар тарафдори бўлган ўз электорати — тадбиркор ва фермерлар, шунингдек, интеллектуал мулк эгалари манфаатларини ифодалайди, — дейди У.Пардаев. — Бу эса ҳозирги ислоҳотлар жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Тадбиркорлик изчил ривожлантирилаётганлиги ва молиявий қўллаб-қувватланаётганлиги боис аҳолининг парранда гўшти, балиқ, асал маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш йил сайин яхшиланмоқда. Ўтган тўққиз ой мобайнида озиқ-овқат саноатига 2112 млн. сўм инвестиция киритилиб, 11 та лойиҳа амалга оширилди ва 81 та янги иш ўрни яратилди.

Биз оилавий тадбиркорларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш тарафдоримиз. Бинобарин, уларга бизнес лойиҳа тузиш, фаолиятни кенгайтириш, маркетинг хизматини йўлга қўйиш борасида яқиндан кўмак бериш талаб этилади. Тадбиркор нима ишлаб чиқариш ёки етиштириш, кимга сотишни аниқ билса, ҳеч қачон қийинчиликка дуч келмайди. Агар мен депутат этиб сайлансам, мустақиллик йилларида республикамиз эришган иқтисодий ва маънавий ютуқларни мустаҳкамлаш, замонавий ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бандлик даражасини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган янги қонунларни яратиш йўлида куч-ғайратимни аямайман. Зеро, даврнинг ўзи шуни тақозо этмоқда.



**Уктам Пардаев**
**114-Қамаши сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Хамдам ТОШЕВ

**Хамдам Тошев 1978 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1999 йилда Қарши давлат университетини тамомлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор**



**Хамдам Тошев**
**115-Нишон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Иш фаолиятини 1999 йилда «Бешкент пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамияти ҳисобчилигидан бошлаган. 2000-2007 йилларда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки вилоят бўлими шохобчаси кассир-назоратчиси, валюта айрибошлаш сектори мудири, экспорт-импорт бўлими бош мутахассиси, пластик карточкалар сектори мудири, кредит бўлими бош мутахассиси, кредит бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. 2007-2013 йилларда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Янги Нишон филиали бошқарувчиси бўлиб хизмат қилди. 2013 йилдан бери Ғузор туманидаги «Қудрат капитал инвест» МЧЖ бошқарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Маълумки, ҳозирги ислоҳотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бунинг учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, бошланғич сармояни шакллантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мижозларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Х.Тошев партия фаолларидан бири сифатида ўзини ана шу жараёнларга тўла дахлдор, деб ҳисоблайди. Ҳар бир оила учун ишончли даромад манбаини яратиш, молия муассасалари томонидан ажратилаётган сармояларни янги иш ўринлари очиш ва аҳоли моддий фаровонлигини ошириш учун йўналтириш бугунги кундаги муҳим масалалардан биридир. Депутатликка номзод ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажариш билан бирга сиёсий фаоллиги ва янгидан-янги ташаббуслари орқали жамоадошлари ўртасида катта ҳурмат қозонган.

Хамдам Тошев ўз сайловолди дастурида аҳоли турмуш маданиятини ошириш, иқтисодиётни юксалтиришга қаратилган бир қатор таклифларни илгари сурмоқда.

Хусусан, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бўйича давлат харидларини кенгайтириш, товарлар ва тақдим этилаётган хизматлар экспортини рағбатлантириш, таълим тизимидаги ислоҳотларни умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва талаблар асосида янада чуқурлаштириш, масофадан туриб замонавий таълим бериш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш, фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш асосида агросаноат тизимини диверсификация қилиш ва янада ривожлантириш, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлиги ҳамда уларнинг фуқаролар олдида ҳисоб бериб боришини йўлга қўйиш, хўжалик судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хўжалик ишларига оид суд қарорларини расмий веб-сайтларида электрон шаклда эълон қилиш тизимини йўлга қўйиш шулар жумласидан.

Бундан ташқари, олий ўқув юртларининг пуллик таълим хизмати кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ҳисобига уларнинг давлат томонидан молиялаштирилишини қисқартириш сиёсатини фаол қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уй-жой, коммунал хўжалиги соҳасида маҳаллий корхоналар билан кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперацион алоқаларни ривожланлантиришни муҳим масалалар сирасига киритган.

## Гулшана ХУДОЯРОВА

**Гулшана Худоярова 1972 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1994 йилда Қарши давлат университетини тамомлаган. Оилали, икки нафар фарзанди бор**

Иш фаолиятини 1994 йилда Қарши шаҳар газ қурилиш-савдо жамоасида иқтисодчи лавозимида бошлаган. 2000-2001 йилларда Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти «Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» маркази бошлиғи, 2001-2005 йилларда «Нуристон» академик лицейининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари, 2005-2009 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали маънавият ва маърифат маркази бошлиғи, 2009-2010 йилларда Ломоносов номидаги Москва давлат университети Тошкент филиали директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари, 2010-2013 йилларда Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали маънавият ва маърифат маркази бошлиғи, «Гуманитар ва ижтимоий фанлар» кафедраси мудири лавозимларида меҳнат қилди. 2013 йилдан Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосаридир.

Гулшана Худоярова O`zLiDeP фаоли сифатида ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга доир бир қатор таклифларни ишлаб чиққан. Унда аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш, уларни юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳиссини ошириш, фаол иштирокини таъминлашга кўмаклашиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бундан ташқари, хусусий капиталнии жалб этган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасига замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, уй-жой, коммунал хўжалиги ва инфратузилмасини рақобат бозори, хусусий капитал учун жозибали соҳага айлантириш, маҳаллий корхоналар билан кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперацион алоқаларни ривожланлантириш, янги, барча қулайликларга, зарур инфратузилмаларга эга бўлган турар-жой массивларини барпо этишни давом эттириш каби долзарб масалалар ечимига оид амалий таклифлар ўрин олган.

— Таълим тизимидаги ислоҳотларни умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва талаблардан келиб чиқиб янада чуқурлаштириш йигит-қизларимизнинг иқтидорларини кенг намоён этишлари учун имкониятлар эшигини очади — дейди депутатликка номзод. — Олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш, дипломларимизнинг чет элларда тан олинишига эришиш мақсадида ўқув жараёнида таълим беришнинг модулли тизими жорий этилишини жадаллаштириш керак. Олий ўқув юртларининг молиявий, институционал ва ташкилий мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш пуллик таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, уларнинг давлат томонидан молиялаштирилишини бир мунча қисқартиради. Масофадан туриб замонавий таълим беришни жадал ривожлантириш эса таълим сифати ва самарадорлигини янада оширади.



**Гулшана Худоярова**
**116-Косон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Бахром МАМАНОВ

**Бахром Маманов 1974 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2003 йилда Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтини, 2005 йили Тошкент давлат техника университетини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 1991 йилда «Ўзбурғунефтгаз» акциядорлик компанияси «Косон нефть газ қидирув экспедицияси» корхонасида пармалаш ускунаси мутахассиси сифатида бошлаган. 2000-2003 йилларда ушбу компанияда нефть ва газ қидирув қудуқлари пармаловчиси, технология бўлими муҳандис-технологи вазифаларида хизмат қилди.

Кейинчалик «Ўзгеобурғунефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси «Косон нефть ва газ қазиб чиқариш экспедицияси» шўъба корхонаси бош технологи, «Бурғулаш техникаси ва технологияси» бошқармаси бош мутахассиси, «Бурғулаш техникаси ва технологияси» бўлими муҳандис-технологи бўлиб ишлади. 2008-2014 йиллар давомида «Косон нефть-газ қидирув экспедицияси» шўъба корхонаси бош муҳандиси, «Ўзгеобурғунефтгаз» акционерлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари — бош муҳандиси лавозимида меҳнат қилган. 2014 йилдан бери мазкур компания бошқаруви раиси биринчи ўринбосари — бош муҳандиси.

Таъкидлаш жоизки, Бахром Маманов вилоятда нефть ва газ саноати соҳасидаги етук мутахассислардан бири саналади. Айниқса, Косон нефть-газ қидирув экспедицияси шўъба корхонасининг бош муҳандиси лавозимида хизмат қилган йилларида қудуқларни бурғулаш ва мустаҳкамлаш, иш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, нефть ва газ қудуқларини талофатсиз бурғулаш бўйича катта тажриба тўплаган. Бу эса кейинчалик «Ўзгеобурғунефтгаз» акционерлик компанияси фаолиятини такомиллаштириш, етук ва билимдон мутахассисларни тайёрлашда жуда қўл келди. У халқаро ва республика миқёсидаги қатор конференцияларда ўз маърузалари билан иштирок этган. Шунингдек, 30 дан ортиқ илмий мақола муаллифидир.

Депутатликка номзод касбий билимдонлиги, масъулиятлилиги, ташкилотчилиги, замонавий технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига дадил қўллашга интилиши билан бошқалардан ажралиб туради. Чўлқувар, Янги Қоратепа, Ширкент, Рубойи, Тиллали, Янги Чибини ва бошқа ҳудудлардаги нефть-газ, газ конденсати конларини излаб топиш ва фойдаланишга топширишда фаол иштирок этган.

Бахром Маманов ўзининг сайловолди дастурида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш, маҳаллий саноатни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш, вилоят иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, малакали кадрлар тайёрлаш бўйича бир қатор амалий таклифларни илгари сурмоқда.

Жумладан, марказий давлат идоралари фаолиятига тааллуқли қатор функция ва ваколатларни маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда жамоат тузилмаларига изчил, босқичма-босқич ўтказиш, бошқарув тизимини янада демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари тармоғини кенгайтириш, иқтисодиётни либераллаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай инвестицион муҳитни шакллантириш йўлида сидқидилдан хизмат қилишга бел боғлаган.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ҳуқуқий база янада такомиллаштирилиши лозим. Биз иқтисодиёт ва хўжалик субъектлари учун солиқ юкини камайтириш, молия бозори барқарорлигини таъминлаш учун мўътадил пул-кредит сиёсатини юритиш, мавжуд қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш, саноатни диверсификация қилиш, фан-техника ютуқлари ва замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш корхоналари самарадорлигини ошириш тарафдоримиз. Ана шундагина аҳоли турмуш маданияти ва фаровонлиги юксалиб, Ўзбекистон жаҳондаги энг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.



**Бахром Маманов**
**117-Касби сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Кахрамон ЭРГАШЕВ

**Кахрамон Эргашев 1964 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1987 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**

Кахрамон Эргашевни самимий, дилкаш ва камтарин инсон сифатида тилга олишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Мазмунли ҳаёт йўлини босиб ўтган сафдошмиз меҳнат фаолиятини 1981 йилда Китоб туманлараро базасида ишчи лавозимида бошлаб, Китоб шаҳар матлубот жамияти товаршунос-ташкилотчиси, шаҳардаги «Бахт» савдо маркази товаршуноси ва директори, Китоб шаҳар матлубот жамияти раиси, Китоб нон ишлаб чиқариш корхонаси директори, «Давр» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғи, Китоб туманидаги «Оқила сут» сутни қайта ишлаш хусусий корхонаси раҳбари лавозимларида фаолият кўрсатган.

2010 йилдан ҳозирги вақтга қадар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзосидир.

— Бугун ҳар бир партия аъзоси учун ниҳоятда масъулиятли давр, — дейди К.Эргашев. — Биз либерал-демократлар тараққиёт учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда, уларнинг ижроси юзасидан жойларда партиявий назоратни ўрнатиш, аҳолининг тадбиркорликка бўлган муносабати ва қарашларини ўзгартириш, ёшларни ўз юртининг фидойи фарзандлари сифатида тарбиялаш борасида қатор ишларни амалга оширдик. Тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодиётни юксалтириш, ишсизликни камайтириш, жамият фаровонлигига эришишни бош мақсад қилиб сиёсий майдонга келган партиямизнинг ғоявий мақсадларини омма онгига сингдириш, уларни юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларга сафарбар этиш кундалик иш фаолиятим, дастуримнинг асосий мезонидир. Зеро, одамлар ташвиши билан яшаш, уларнинг корига яраш, аниқ мақсадларга қаратилган фаолият инсон ҳаётига мазмун бағишлайди.

Тиниб-тинчимас сафдошимиз ўз сайловолди дастурида ҳам аниқ таклифларни илгари сурмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш мақсадида ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш ва бу борада фуқаролик институтлари фаолиятини кучайтириш, хусусий капиталнии жалб этган ҳолда соғлиқни сақлаш тизимига замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини татбиқ этиш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш йўналишида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уй-жой, коммунал хўжалиги ва инфратузилмасини рақобат бозори, хусусий капитал учун жозибали соҳага айлантириш, коммунал хўжалик соҳасида маҳаллий корхоналар билан кичик бизнес субъектлари ўртасида кооперацион алоқаларни ривожланлантириш, янги, барча қулайликларга, зарур инфратузилмаларга эга бўлган турар-жой массивларини, айниқса, қишлоқ жойларда барпо этиш, аҳолини сув билан таъминлашни яхшилаш, йўл бўйларидаги инфратузилмаларни ривожлантириш, таълим тизимидаги ислоҳотларни умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва талаблардан келиб чиқиб янада чуқурлаштириш, мактабгача ва олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш, дипломларимизнинг чет элларда тан олинишига эришиш мақсадида ўқув жараёнида таълим беришнинг модулли тизимини жорий этишни жадаллаштириш, пуллик таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ҳисобига уларнинг давлат томонидан молиялаштирилишини қисқартириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш, масофадан туриб замонавий таълим беришни жадал ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш шулар жумласидандир.



**Кахрамон Эргашев**
**118-Китоб сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ!**

# O`zLiDeP НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИНГ!

## Фозил КУЛМАТОВ

**Фозил Кулматов 1975 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1996 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор**



**Фозил Кулматов 119-Чироқчи сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Депутатликка номзод меҳнат фаолиятини 1996 йили Қамаши туманидаги «Ғаллакор» ширкат хўжалигида агрономликдан бошлаган. 2005-2012 йилларда «Ногаҳонлик Фозилбек» фермер хўжалиги раҳбари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг агротехнология масалалари бўйича биринчи ўринбосари, кейинчалик Қамаши туман Фермерлар кенгаши раиси лавозимларида фаолият юритган. 2013 йилдан ҳозирга қадар Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ижро аппарати бошқарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳар бир фуқаро зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Ҳалол меҳнат, тинимсиз изланиш кўзланган мақсадларга эришишнинг асосий гаровидир. Фозил Кулматов сиёсий фаоллиги ва ташкилотчилик қобилияти билан буни амалда намоён этмоқда.

Шу боисдан эл-юрт ўртасида катта ҳурмат қозонган. Ўзининг сайловолди дастурида Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатдошлигини янада ошириш, жамият ҳаётини либераллаштириш, барча соҳада барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни илгари суради:

— ҳуқуқий-демократик давлатни шакллантириш жараёнини изчил давом эттириш, амалдаги қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлик субъектлари ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим шарти бўлган судларнинг мустақиллигини ва эркинлигини амалда таъминлаш;

— хўжалик судлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни кенгайтириш, хўжалик ишларини кўриш жараёнини аудио ва видео воситалар орқали қайд этиб бориш, суд қарорларини уларнинг расмий веб-сайтларида электрон шаклда эълон қилиш тизимини йўлга қўйиш;

— ҳакамлик судлари институтини ривожлантириш, ҳуқуқий низоларни тартибга солишнинг муқобил, суддан ташқари шаклларидан самарали фойдаланиш, жумладан, судгача тартибга солиш мажбурий бўлган яраштирув институтлари фаолиятини такомиллаштириш;

— жойлардаги Фермерлар кенгашлари билан давлат ва жамоат тузилмалари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, фермерлик ҳаракатини аниқ-равшан мақсад ҳамда вазифаларга эга бўлган чинакам ижтимоий кучга айлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар учун солиқ қонунчилигининг ишончли ва барқарор тизимини яратиш, таъсисчилар, корхоналарнинг раҳбарлик ва муҳандислик таркиби учун виза олиш шартларини соддалаштириш.

Номзоднинг фикрича, рентабеллик даражаси паст, аниқроғи, 20 центнердан кам пахта ҳосил берадиган экин майдонларида сабзавот, полиз ва мева етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашни йўлга қўйиш, қишлоқда янги саноат корхоналари тармоғини кенгайтириш ҳар жиҳатдан манфаатлидир. Чунки жойларда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш мумкин.

— Биз тадбиркорларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш тарафдоримиз, — дейди Ф.Кулматов. — Фаолиятини кенгайтириш учун уларга бизнес лойиҳа тайёрлаш, молиявий кўмак бериш, маркетингни йўлга қўйишда яқиндан кўмаклашиш лозим. Тадбиркор нима ишлаб чиқариш ёки етиштириш, кимга ва қаерга сотишни яхши билса, ҳеч қачон қийинчиликка дуч келмайди. Бу эса бозор шароитида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

## Дилфуза НЕВАРАЕВА

**Дилфуза Невараева 1970 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. Қарши аграр-иқтисодиёт институтини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Дилфуза Невараева 122-Ғузор сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Инсон борки, эзгу мақсадларни кўзлаб меҳнат қилади, жамиятдан муносиб ўрин эгаллашга интилади. Дилфуза Невараева ҳам бундан мустасно эмас. У ўз иш фаолиятини 1987 йилда Қарши туманидаги 34-мактабда котибаликдан бошлаган. 1994-2010 йиллар мобайнида туман ҳокимлиги ҳузуридаги уй-жой қурилишларини мувофиқлаштириш бўлими мутахассиси, туман меъморчилик ва шаҳарсозлик бўлими мутахассиси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлинмаси масъул котиби, бош ҳисобчиси, бош мутахассиси лавозимларида ишлаган. 2013 йилдан «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси ўринбосари лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

Депутатликка номзод фаол жамоатчи, изланувчан ва фидойи аёл сифатида нафақат туман, балки вилоятда ҳам ҳурмат-эътибор қозонган. 2013 йилда унинг ташаббуси билан тумандаги «Обод» маҳалласида «Оналар ва болалар» боғи барпо этилиб, мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. O`zLiDeP фаолларидан бири сифатида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишда бошқош бўлаётир. Ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик, қадриятлар ва анъаналарга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, уларни баркамол ва етук инсонлар этиб тарбиялаш, тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, оналик ва болалик муҳофазаси йўлида хизмат қилишни ўз бурчи, деб билади.

Дилфуза Невараеванинг сайловолди дастуридан тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш, қишлоққа саноатни олиб кириш, иқтисодиёт ва хўжалик субъектлари учун солиқ юкини янада камайтириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган юксак технологияли корхоналар улушини ошириш, ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш, чекка ҳудудлардаги қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, тиббий хизмат соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, таълим ислоҳотларини халқаро талаблар ва андозаларга мувофиқ янада чуқурлаштиришга оид вазифалар ўрин олган.

— Парламентаризмни демократик ва либерал ислоҳотларнинг чинакам етакчи кучига айлантириш учун марказий давлат органлари фаолиятига тааллуқли қатор функция ва ваколатларни маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат тузилмаларига босқичма-босқич ўтказиб бориш жуда муҳимдир, — дейди номзод. — Бунинг учун фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодиётни бошқариш тизимини такомиллаштириш, малакали мутахассислар тайёрлашга эътиборни янада ошириш лозим. Шунинг баробарида қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан назорат таъсирчанлиги ва самарадорлиги таъминланмас экан, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Жойлардаги Фермерлар кенгашлари, давлат ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда фермерлик ҳаракатини фаол ижтимоий кучга айлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши керак. Қолаверса, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, журналистларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириш ҳам сайловолди дастуримдаги устувор йўналишлардан саналади.

## Хайриддин СУЮНОВ

**Хайриддин Суюнов 1976 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 2007 йилда Қарши давлат университетини тамомлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор**

Меҳнат фаолиятини 1998 йилда Китоб тумани Амир Темур номли деҳқон хўжалигида ҳисобчиликдан бошлаган. 2004-2008 йилларда АТ «Тадбиркорбанк»нинг Китоб тумани бўлимида бош мутахассис, бошқарувчи муовини бўлиб ишлаган. 2006-2008 йилларда «Микрокредитбанк» АТБ Китоб филиали кредит, лизинг бўлими бошлиғи, бошқарувчи ўринбосари, 2009-2012 йилларда мазкур банк Бешкент филиали бошқарувчиси, 2012 йилдан Қашқадарё вилоят филиали бошқарувчисидир.

Хайриддин Суюнов ўз сайловолди дастурида Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатдошлигини янада оширишнинг муҳим вазифаси сифатида макроиқтисодий барқарорликни қўллаб-қувватлаш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштиришни иқтисодий ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги устувор вазифалар сифатида таъкидлайди. Унда, жумладан, давлат бюджети мутаносиблигини таъминлашга оид комплекс чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, иқтисодиёт ва хўжалик субъектлари учун солиқ юкини янада камайтириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, молия бозори барқарорлигини таъминлашга қаратилган мўътадил қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш, солиқ тизимини соддалаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда маъмурий тартиб-таомилларнинг очиқлигини таъминлаш, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишига барҳам беришга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини янада мукаммаллаштиришга оид амалий таклифлар билдирилган.

— Молия-банк тизимини янада либераллаштириш аҳолининг бу тизимга ишончини ошириши шубҳасиз, — дейди депутатликка номзод. — Бунинг учун банклардаги маблағларни қулай инвестицияларга айлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг аҳамияти каттадир. Шунингдек, банклар қаторида бошқа бозор инфраструктуравий институтлар – лизинг, консалтинг, маркетинг, суғурта ва бошқа тузилмалар фаолиятини ҳам жадал ривожлантириш керак. Саноатни диверсификация қилиш соҳасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни давом эттириш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган фан-техника ютуқларига асосланган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар улушини оширишни назарда тутадиган сиёсат олиб бориш иқтисодиётни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Қулай инвестицион муҳитнинг шакллантирилиши, иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмининг ўсишини таъминлайди. Маҳаллий ишлаб чиқариш ривожланади, бандлик даражаси ортади.

Номзоднинг таъкидлашича, иқтисодиёт тармоқларининг, шу жумладан, хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга йўналтириш бўйича дастлабки қадамлар қўйилаётгани алоҳида аҳамиятга моликдир. Ушбу йўналишнинг истиқболи умидбахш бўлиб, уни ҳар томонлама рағбатлантириш зарур. Тадбиркор ва ишбилармонлар учун қулай молиявий-иқтисодий ва божхона шароитлари яратиб берилиши, янги транспорт йўлакларини шакллантириш ушбу йўналишдаги энг муҳим вазифалар сирасига киради ва ишлаб чиқарувчининг ўзи тайёрлаган маҳсулотни реализация қилиш, хорижга чиқара олиш имконияти унинг ўз бизнесига бўлган қизиқиши, келажагига бўлган ишончини янада оширади.



**Хайриддин Суюнов 120-Шаҳрисабз сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

## Диларам ХАСАНОВА

**Диларам Хасанова 1963 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Оилали, тўрт нафар фарзанди бор**



**Диларам Хасанова 123-Насаф сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Меҳнат фаолиятини 1986 йилда Деҳқонобод туманидаги 1-мактабда ўқитувчиликдан бошлаган. 1994-2002 йилларда Деҳқонобод туманидаги 85-мактаб ўқитувчиси, мактаб директорининг ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. 2002 йилдан ҳозирга қадар туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келмоқда. 2011 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

— Биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш, жамият манфаатига қаратилган истиқболли ташаббуслар учун қулай инфратузилма муҳитини шакллантириш тарафдоримиз, — дейди депутатликка номзод. — Аҳолининг бандлик даражасини ошириш, замонавий минитехнологияларни амалиётга кенг жорий этиш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга ихтисослашган кичик бизнес субъектлари тармоғини кенгайтириш партиямизнинг дастурий мақсадларидан биридир. Бу эса зиммамига алоҳида масъулият юклайди. Ҳозирги ислоҳотлар жараёни ҳар биримиздан фидойилик ва ташаббускорликни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуналар, материаллар ва бутловчи қисмларни тайёрлаш учун замонавий технологияларни олиб киришда солиқ ва божхона имтиёзлари кенгайтирилса, маҳаллий саноатни жадал ривожлантириш имконияти туғилган бўлар эди. Шунингдек, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини ишлаб чиқариш тармоқларига жалб этишда муайян имтиёзлар берилиши керак.

Қолаверса, биз солиқ юкини камайтириш, солиқ сиёсатининг очиқлиги, хусусий мулк устуворлиги ва ҳимоясини таъминлаш, банк кредитларини беришда гаров таъминоти билан боғлиқ тартиб-тамойилларни соддалаштиришни таклиф этамиз.

Мустақиллик йилларида эришилган ижтимоий-иқтисодий ютуқларни янада мустаҳкамлаш замонавий ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган янги қонунлар қабул қилинишига муносиб ҳисса қўшиш, либерализм ғояларини кенг тарғиб этиш номзоднинг келажакдаги эзгу мақсадидир. Хусусан, ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал, тадбиркорлик салоҳиятини оширишга қаратилган интилишларни фаол қўллаб-қувватлаш, фуқаролик институтларининг бу борадаги иштирокини кенгайтириш, тиббий хизмат соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, уй-жой, коммунал хўжалиги инфратузилмасини хусусий капитал учун жозибали соҳага айлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, таълим тизимидаги ислоҳотларни умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва талаблардан келиб чиққан ҳолда янада чуқурлаштириш зарур, деб ҳисоблайди.

Депутатликка номзод, шунингдек, мактабгача ва олий таълим соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг модулли тизимини кенг жорий этиш, олий ўқув юртлари (молиявий, институционал ва организацион) мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, олий ўқув юртларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ҳисобига уларнинг давлат томонидан молиялаштирилишини қисқартириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш, масофадан туриб замонавий таълим беришни жадал ривожлантиришга қаратилган бир қатор масалаларни ҳам кун тартибига қўймоқдаки, улар долзарблиги ва моҳият-эътибори билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

## Мовлуда ЮЛДАШОВА

**Мовлуда Юлдашова 1968 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Маълумоти олий. 1992 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаган. Оилали, уч нафар фарзанди бор**



**Мовлуда Юлдашова 121-Яккабоғ сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган**

Мовлуда Юлдашова ёшлигидан мақсад сари тинимсиз изланиб, билим ва маҳоратини ошириб борган тадбиркор аёл оддий ишчиликдан масъул раҳбарликкача бўлган машаққатли, айни чоғда шарафли йўлни босиб ўтди. Бугунги кунда у етакчилик қилаётган жамоада 600 кишининг бандлиги таъминланган.

Депутатликка номзод меҳнат фаолиятини 1986 йили Қарши шаҳридаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида бошлаган. Кейинчалик Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Тўқимачилик ва трикотаж» факультетида таҳсил олди. 1993-1999 йилларда Қарши шаҳридаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида назоратчи, техника хавфсизлиги муҳандиси сифатида хизмат қилди. 1999-2012 йилларда «ҚашАудит-Информ» ҳудудий марказининг ахборот-таҳлил бўлимида етакчи мутахассис, «Санам» шўъба корхонаси технологи, тайёрлов цехи устаси вазифаларида ишлади. Айни кунда «Санам» тикувчилик фабрикаси раисидир. Кўп йиллик хизматлари инобатга олиниб, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган.

Ташаббускор аёл меҳнат фаолияти давомида ўзининг нималарга қодирлигини, тадбиркорлик соҳасидаги кенг имкониятларини намоён этиб келмоқда. Мана, ҳаётий мисол.

Бир пайтлар вилоятда тилга тушган «Санам» акциядорлик жамияти кейинчалик оқсаб қолиб, вилоят хўжалик судининг қарори билан банкрот, деб эълон қилинган эди. Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан келиб чиқилган ҳолда фабрика МЧЖга айлантирилди. Ушбу хайрли ҳаракатнинг бошида турганлардан бири М.Юлдашова эди.

Ишлаб чиқариш жараёни модернизация қилиниб, техник ва технологик жиҳатдан янгиланди. 100 нафар тажрибали тикувчи жамоа сафига қабул қилинди. Хитой, Германия, Ҳиндистондан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Тўхтаб қолган корхонани ишга тушириш, ишончли буюртмачилар топиш ва улар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш осон кечгани йўқ, албатта. Электр энергиясини тежаш, бошқа харажатларни камайтириш эвазига маҳсулот таннархи арзонлашди. Шу боис нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топди. Фабрика биноси капитал таъмирланди, жамоа аъзоларининг унумли меҳнат қилишлари учун қулай шарт-шароит яратилди. «Санам» МЧЖ бугунги кунда тўла қувват билан фаолият юритмоқда. Унинг тасарруфида ўнга яқин савдо дўкони мавжуд. Миришкор туманида тикувчилик цехи ташкил этилиб, 80 киши иш билан таъминланди. Чироқчи туманидаги филиалда эса 24 нафар ёш меҳнат қилмоқда.

— Айни кунда хотин-қизларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий фаоллиги, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайиб бормоқда. Бу ҳам бўлса, ислоҳотларнинг амалий самараларидан биридир, — дейди депутатликка номзод. — Давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга катта эҳтиёж сезилмоқда. Мен ўз сайловолди дастуримда марказий давлат органларига тааллуқли ваколатларни маҳаллий ҳокимият идоралари ва жамоат тузилмаларига босқичма-босқич ўтказиш, давлат бошқарувини янада демократлаштириш, хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлом авлод камолоти учун ғамхўрликни ошириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратганман.

**АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!**

**УНУТМАНГ: 2014 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СИЗНИНГ ОВОЗИНГИЗ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛАДИ!**

# НАВОИЙ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ АЖ ЖАМОАСИ

**барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ билан самимий қутлайди. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тантана қилаётган бир даврда сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва хонадонларингизга осойишталик тилаймиз.**









**БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!**

РЕКЛАМА ЎРНИДА





## Молиявий мадад — фермерга қанот

**Бугунги кунда республикамиз аграр тармоғида фермерлик ҳаракатининг улуши салмоқли**

**Баҳодиржон РУСТАМОВ,**
Андижон туманидаги
«Муқимий» фермер хўжалиги раҳбари

Зеро, яратилаётган имкониятлар, қулай шарт-шароит ва берилаётган имтиёзлар биз, қишлоқ мулкдорларига бамисоли қанот бағишламоқда. Бинобарин, фермерлар қишлоқда етакчи кучга айланмоқда. Ҳамкасблар билан суҳбатлашганда ана шу ғамхўрликдан ғурурланиб, «ҳозир айни ишлайдиган пайт-да» деб қўяман. Рости ҳам шу. Техника, замонавий ускуна деймизми, ўғит деймизми, қисқаси, бир фермер учун нима зарур бўлса, барчаси муҳайё. Айниқса, молия муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар айни муддаодир. Банк мутахассислари ҳатто далаларимизга келиб, ўз хизматларини тарғиб-ташвиқ қилишмоқдлар.

Фаолиятимиз хусусида мухтасар сўз: айни пайтда 410 бош қорамол парваришлаяпмиз. Хўжалигимизни кенгайтиришда, умуман, барча жабҳада «Микрокредитбанк» билан ҳамкорлик қилаётганимиз қўл келаяпти.

Чунончи, 2007 йилда банкдан зотли қорамол сотиб олиш учун 7 миллион сўм миқдорида кредит олиб, хориждан 4 бош зотли қорамол келтирдик. 2011 йилда эса яна 110 миллион сўм сармоя олиб, 20 бош ғунажин сотиб олдик. Даромадимиз кўпайгач, олдинги қарзлардан муддатидан аввал қутилдик. Ўтган йили эса банк бизга чорвачиликни ривожлантириш учун яна 200 миллион сўм тақдим этди. Ҳозир 120 бош соғин сигирнинг ҳар биридан кунига 18-20 килограммгача ёғлилик даражаси юқори бўлган сут соғиб олаяпмиз. Хуллас, ишимиз тобора ривож топаяпти. Доимий ҳамкоримиз — «Микрокредитбанк»ка ишончимиз ҳам борган сайин ортаяпти.

ЭЪЛОН

## ОБЪЯВЛЕНИЕ

**Фондом финансирования подготовки проектной документации по инвестиционным проектам при Ассоциации банков Узбекистана проводится конкурсный отбор проектных идей субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства.**

Отбор проектных идей и финансирование разработки по ним проектной документации (ТЭО, бизнес-план) осуществляется на конкурсной основе.
Конкурс проводится по следующим направлениям:
создание новых производств,
модернизация, техническое и технологическое обновление действующих производств в приоритетных отраслях промышленности.
К участию в конкурсном отборе допускаются идеи, обладающие инвестиционной привлекательностью и перспективной возможностью промышленного внедрения,
а также идеи, предусматривающие увеличение объемов и улучшение качества производства продукции с использованием местного сырья и материалов, повышение производительности труда и др.
Участвовать в конкурсе могут юридические лица, предоставившие свои проектные идеи для подготовки проектной документации.
По наиболее перспективным и привлекательным инвестиционным проектам Фондом оказывается содействие в привлечение банковских кредитов для их финансирования.
Для участия в конкурсном отборе необходимо предоставить следующие документы:
Заявка (по форме);
Инвестиционное предложение (по форме);
Паспорт инвестиционного предложения (по форме).
Документы также принимаются в электронном виде.

**Для подробной информации обращаться:**
Тел: (+99871) 238-69-07, 238-69-08; Web-site: www.ffpd.uz E-mail: pdf.fund@gmail.com
Фонд располагается в здании Межбанковского Центра финансовых услуг по адресу:
г.Ташкент 100027, Шайхантахурский район, ул.А.Ходжаева,1.
Услуги лицензированы.

# СЎНГГИ САҲИФА

## Оила соғлом бўлса...

**Ғиждувон тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида O`zLiDeP вилоят кенгаши «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда «Оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат барқарор» мавзусида давра суҳбати ўтказди**

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Тадбир давомида сўзга чиққан O`zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Робия Салихова, партия туман кенгаши раиси Шоди Шукуров, туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси бош шифокори Одина Ўлмасова амалга оширилаётган ишларнинг ҳудуддаги аёллар, барча хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш, уларни ҳамда фарзандларини соғломлаштириш борасидаги аҳамияти хусусида сўз юритдилар.

Тадбир доирасида ўтказилган бепул тиббий кўрик давомида минг нафардан ортиқ аёл эндокринолог, рентгенолог, маммолог, шунингдек, қулоқ-томоқ-бурун, нафас йўллари, юрак-қон томир, ошқозон-ичак ва бошқа касалликларни даволовчи мутахассис-шифокорлар қабулида бўлганларини, қарийб 300 нафар кам таъминланган ва эҳтиёжманд хотин-қизларга дори-дармонлар тўпламлари, гигиена воситалари ҳамда тиббий мавзудаги рисолалар топширилганини айтиб ўтиш жоиз.

Худди шундай тадбирлар жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятнинг Вобкент, Бухоро, Пешку, Қоровулбозор туманлари ва Бухоро шаҳрида ўтказилиши натижасида 2600 нафардан зиёд аёл шифокорлардан тегишли йўл-йўриқ ва маслаҳат олди.

### Етти ёшда тўртта соната

Дунё олимлари тадқиқотларига кўра, 100 нафар буюк истеъдод соҳибларидан 30 нафари 11 ёшгача ўзини намоён қилган. Масалан, Алишер Навоий 6 ёшида 7000 шеърий мисрани ёд билган.Моцартнинг 7 ёшида яратган 4 та сонатаси бугун жаҳон мусиқа санъатида дурдона асар ҳисобланади. Немис ёзувчиси Гёте эса 9 ёшида немис, юнон ва лотин тилларида шеърлар ёзган. «Кибернетика отаси» бўлмиш Норберт Винер 14 ёшида олимлик даражасига эришган. Болалардаги яширин истеъдод вақт ўтиб ҳам шаклланиши мумкин экан. Мисол учун, Байрон ёки Валтер Скоттнинг мактабдаги лақаби «тўнка» ва «анқов» бўлган. Шунинг учун болаларни «Сен одам бўлмайсан», дея коймаслик керак. Бир кун келиб уят бармоғини тишлаб қолишингиз мумкин.

### Рангларнинг хусусияти

Мана, қиш ҳам бошланди. Бундай пайтда кўпчилик уйда ўтиришни хоҳлайди. Шинам ва ораста уй эса кайфиятни кўтаради.

Психолог ва дизайнерларнинг таъкидлашича, ҳар бир ранг 1,5 миллион хилда тусланади. Шу боис уйингиздаги газламаларни иссиқ рангларга алмаштиринг. Қизил, сариқ ва зарғалдоқ ранг иссиқ ранглар ҳисобланади. Болалар хонаси ва ётоқхонага майда сариқ ёки зарғалдоқранг чироқчали маржон ёритгич ўрнатсангиз, байрамона руҳиятни беради. Кўк ва яшил кайфиятни кўтаради. Сариқ – қуёш ранги. Ҳаётга ишончни оширади. Қизил ранг чарчоқни тарқатади, организмни фаоллаштиради. Аммо, қизил меъёрдан ортиқ ишлатилса, акси бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

**Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.**

РЕКЛАМА

**«ФАРОВОНЛИК»**
ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛИ, ТИРАЖЛИ ЛОТЕРЕЯСИ

**«Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг «Фаровонлик» пул-буюм ютуқли, тиражли лотереясининг ютуқлари тиражи эълон қилинадиган кунлар жорий йилнинг 20-21 декабридан 26-27 декабрига кўчирилганлигини маълум қиламиз.**

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (0 371) 273-03-04, (0 371) 150-85-12.

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган.




Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «POYTAXT»)
SARDOR AVTO INVEST
ЗАЗ
www.sardor-avto.uz
Товар сертифицирован.

# Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

*барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан самимий қутлайди. Рўзғорингиздан қут-барака, оилаларингиздан тинчлик-хотиржамлик асло аримасин. Ватанимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги, юрт тинчлиги йўлидаги эзгу ва хайрли ишларингизда муваффақият ҳамиша ёр бўлишига тилакдошмиз!*












XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буюртма рақами: S 1590 Тираж: 12578
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**
ISSN 2181-497X
9 772181 497009
Навбатчилар:
Б.ИСРОИЛОВ, Ш.РАҲИМОВ.